

4/2009





# АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР — МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

*Президент Ислом Каримов шу йил 24 июнда Ёзувчилар уюшмаси раиси Б.Алимов билан суҳбатда уюшма фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш масалалари тўғрисида бир қатор қимматли фикр-мулоҳазалар билдирди. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.*

\* \* \*

Сир эмаски, бугун илгаригидек фақат том-том асарлар чиқариш билан иш битмайди. Ноқулайроқ бўлса ҳам, ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик: кенг китобхонлар, айниқса, ҳозирги ёшлар бу асарларни ўқияптими?

Тўғриси айтиладиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти, дунёни телевидение орқали танияпти. Отанаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар "Ўткан кунлар", "Уруш ва тинчлик" каби мумтоз романларни ёппасига ўқияпти, деб айта оламизми?

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бугун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиз.

\* \* \*

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим биринчи масала ижодкор ўзининг ижтимоий бурчини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адибнинг сўзи, унинг ижодий меҳнатининг маҳсули жамият тараққиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз,

аввало шу соҳага кириб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адибларнинг ўзи яхши англаб олиши керак. Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

\* \* \*

Ўзимизга савол берайлик: хўп, бир қаламқаш уюшмага аъзо бўлди. Бунинг таъсирини бугунги кунда у ўз ижодида, ҳаётида сезадими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Яъни, ёзувчиларда Уюшма мени ўз бағрига олди, энди хотиржам бўлиб, ижод билан шуғулланишим мумкин, деган тушунчани ҳис этиш, шундан қониқиш ҳосил қилиш йўқ.

Уюшма — бу бирлашма дегани. Шундай экан, ягона эзгу мақсад йўлида бирлашган одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши керак эмасми?

Уюшма раҳбариятининг асосий бурчи, вазифаси тақрор айтаман, биринчи навбатда ижодкорлар учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат бўлиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса аввало моддий асос, молиявий заминга эга бўлиш лозим.

\* \* \*

Тўртинчи масала — ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласи. Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда. Ёш адиб ва шоирлар, адабий

танқидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан ижодий танловлар, жиддий тақризлардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейинги адабиёт майдонига ва Уюшма аъзоллигига кириши лозим. Авваламбор устоз адибларни Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга жалб қилишимиз даркор.

\* \* \*

Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган танловларда қатнашаётган қаламкашлар орасидан энг яхши истеъдод эгаларини танлаб олишда Ёзувчилар уюшмаси асосий ташаббускор бўлиши, бу ишларни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга ошириши зарур.

\* \* \*

Энг охири масала — нашриётлар ва нашр масаласи. Бугунги кунда нашриётларга тўла

эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч ким четдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш даркор. Яъни, фақат иқтисодий манфаат ортидан қувиб бадиий жиҳатдан заиф, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак. Аайниқса, адабий жараён қўзғуси бўлган газета ва журналларда шеър ва ҳикояларни чоп этишда талабчанлик ва масъулиятни янада кучайтириш керак, десам, ўйлайманки, муҳтарам адибларимиз ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Бунда, айниқса, Уюшма муассислигида чоп этиладиган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока", "Ёшлик", "Амударё" журналлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш, шаклу шамоийли, мавзундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий

*Мирзо АҲАД*

## ҒАМХҲҮРЛИК

*Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида таниқли бир адиб томонидан ўртага "Адабиёт ўладими?" деган савол ташланганди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки ўша пайтда эски тузум, эски ҳаёт тарзи барбод бўлиб, жамиятда, турмушда сезиларли силкинишлар, эврилишлар юз берганди. Иқтисодий муаммо, сал бошқача айтганда, қорин ташвиши биринчи галдаги вазифага айланганди. Маданий-маънавий масалалар анча орқага сурилгандек эди. Гўё ҳамма пул-маблағ топиш илинжида ғамирлаб юрарди. Шунинг учун ҳам ўша атоқли адиб хавотирланган. Ҳамиша давлат ва жамоатчилик бошини силаб келган адабиётнинг аҳволи энди қандай бўлади, у ўз-ўзини бозорга солиб боқолмайди-ку, деган хаёлларга борган. Ўшандан бери ҳам, мана, роппароса ўн саккиз йил ўтди. Шу ўн саккиз йил ичида ўзбек адабиёти "ўлмади", аксинча, мустақиллик эпкинидан янада озиқланиб, янада мавжланиб ўсди. Чунки у беқаров, безътибор қолмади. Кунни кеча муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг адабиёт ҳақида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳақида*

*билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам худди шундан далолатдир. Бу шунчаки фикр-мулоҳазалар эмас. Бунда адабиётга, сўз санъатига бўлган улкан ғамхўрлик, хайрихоҳлик рўй-рост кўруниб турибди. Муҳтарам Президентимизнинг, айниқса ёш ижодкорлар тўғрисида айтган сўзлари бизларни беҳод қувонтирди. Юртбошимизнинг қалам аҳли билан ҳаммиша ҳамдард, ҳамнафас эканидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Лекин шу билан биргаликда анчамунча хижолатда ҳам қолдик. Чунки ҳали Президентимиз, давлатимиз талаб қилаётгандек, халқимиз маънавиятига ҳисса бўлгулик ижодий маҳсулот етиштириб беролмаганимиздан уялдик.*

*Демак, бизнинг биринчи вазифамиз замон, давр талабига мос бадиий асарлар яратишидир.*

*Президентимизнинг куюнчақлик билан билдирган фикр-мулоҳазалари, ғамхўрлиги, эҳтироми бизга айни муддао бўлди. Бундай тегишли хулосалар чиқариб, янада куч-ғайрат ва илҳом билан ижодга бел боғлаймиз. Халқимиз, юртбошимиз ишончи-эътиборини оқлашга ҳаракат қиламиз.*



жамоатчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлаш, сўзсиз, катта аҳамият касб этган бўлур эди.

Бундан ташқари, ҳар бир китоб, ҳар бир бадиий асарнинг талаб даражасида чоп этилишида Ёзувчилари уюшмаси ва нашриётлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўз таркибида истеъдодли, холис ва адолатли адиб ва мунаққидларни бирлаштирган ижодий кенгашларнинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш керак.

Ёш ижодкорларнинг асарларини чоп этишга ҳам айнан шу кўз билан қараб, бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ёндашув марҳум Муҳаммад Юсуф каби ҳақиқий истеъдодларни кашф этиш ва уларнинг ижодини халққа етказишда энг тўғри ва адолатли йўл бўлади.

Менимча, бу масаланинг асосий калити — чинакам иқтидор эгаси бўлган ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат ҳисобидан чоп этишдан

иборат. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан шартнома тузиб, бу китобларни уларнинг кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш ва шу тариқа минг-минглаб фарзандларимизнинг бу асарлардан баҳраманд бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг ана шу китоблар ҳақидаги фикрларини ўрганиш, ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айниқса, биз учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим.

*Гулайим АЙИМБЕТОВА,  
ЎзМУ филология факультети талабаси.*

## РАҒБАТ

Президентимизнинг мазкур суҳбати чоғида билдирган гоят қимматли фикр-мулоҳазалари бошқалар каби мендай пойтахтга келиб ўқиб, камтарона ижод қилаётган қорақалпоқ қизини ҳам руҳлантириб юборди. Ўзим асосан наср жанрида ижод қиламан. Бот-бот шеърлар ҳам ёзиб тураман. Қисса ва ҳикояларимда замондош тенгқурларимнинг ўй-кечинмалари, тақдир-тамойиллари, севги-муҳаббатларини тасвирлашни ёқтираман. Асарларим бир неча ёшлар матбуотида таржима ҳолида эълон қилинди.

Гап шундаки, бунгача ҳам юртимиз раҳбари томонидан адабиётга, ёшлар ижодига катта эътибор ва гамхўрлик бор эди. Ўзбекистон Миллий Университети ўқув базасида Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда ташкил этилган Олий Адабиёт курси фаолият кўрсатаётганига анча бўлди. Мен ҳам бу курсда энг билимдон, зукко домлалар, таниқли адиб ва шоирлар сабоғини олишга муяссар бўлдим. 2007 йилда менга тагин бир имконият туғилди. "Келажак овози" кўрик-танловида бадиий ижод йўналиши бўйича иштирок этиб голиб бўлдим. Ўйлаб ўтирмай Миллий Университетнинг филология факультетига ҳужжат топширдим ва имтиёзли равишда талабалikka қабул қилиндим. Мазкур илм даргоҳида адабиётимизнинг кўзга кўринган олимлари: Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Қозоқбой Йўлдошев, Баҳодир Карим, Нурбой Жабборов, Абдулла Улугов, Адҳамбек Алимбеков ва бошқа устозларимдан мумтоз ва замонавий

адабиётимиз, тилимизнинг сир-асрорларини ўрганишман. Инглиз ва рус тилларига ҳам рағбатим баланд. Гап тинимсиз изланиш ва ижод қилишда.

Муҳтарам Президентимиз ўз суҳбатларида ёшлар, уларнинг ижодига жиддий эътибор қаратганлар. Биринчи чиқаётган китобларимизга имтиёз ва ҳомийлик ҳақида гапириб, уюшма муассислигидаги нашрлар ҳақида ҳам тўхталибдилар.

Шу ўринда менинг бир таклифим ҳам бор эди. Ёзувчилар уюшмаси ихтиёридаги нашрлар Республикаимизнинг барча мактаблари, коллеж, Академик лицей ва Олий ўқув юртларининг кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказларига мунтазам етказиб берилишини таъминлаш юзасидан ҳукумат қарори чиқарилсаю, у вазирликлар томонидан бажарилиши шарт қилиб қўйилса. Шунда талаба ва ўқувчи ёшлар истаган пайтда кутубхона, маънавият хоналари ва ахборот-ресурс марказларига кириб замонавий адабиёт янгиликлари, янги асарлардан баҳраманд бўлар эдилар. Негаки, ўқувчи ва талабалар кўп нашрга обуна бўлишга қийналишади. Оралиқ семестр ёки каникулда вилоятларга жўнаб кетишади. Нашрлар кутубхонага келиб тушса уни вақтимиз бўлганда кириб ўқиб олаверишимиз мумкин.

Умуман олганда адабиётга давлат раҳбари эътибор ва гамхўрлик кўрсатиб турган экан, биз ижодкорлар бунга яхши ижодимиз билан жавоб бермоғимиз лозим, шундагина адабиётнинг келажаги ишончли бўлади.



Турсун АЛИ

# Юрагим осмонин ёритар СЕВТИ

## ГУЛЛАЁТГАН ЮРАК

### туркум

#### ВАТАН ҲАҚДА САНАСИЗ ШЕЪРЛАР

1

Ватаним,  
сен ҳақингда сервиқор сўзлар сўзламам,  
қучиб сени,  
ўпмайман тупроғингни,  
кимларгадир сен ҳақда бўзламам.  
Балки,  
сувратингни сенинг,  
сийратингни  
кўзимга жо айладим ман.  
Сен тилим,  
сен — дилим,  
сен жисму жонимсан, Ватан!

2

Кўзларининг туйғун нурида,  
юрагимнинг тубсиз ерида,  
тизгинсиз хаёлим кенгликлариди,  
умримнинг чақмоқли одимлариди,  
сен борсан, борсан сен, Ватаним!

#### ИНАНГУ

1

Мен кўл каби сокинман роса,  
ғалаёнсиз, тўлқинсиз сувга,  
сиз, тош ота кўрманг сира ҳам!

2

Мен осмон тоқида яшашим учун  
сени ўлдиришим зарур  
илон янглиғ судралиб ўтаётган Вақт!

3

Сукунат кўлини чайқайди  
осилган соатнинг чиқ-чиқи,  
шукур, юрак тингани йўқ соатдек!

4

Осмонда қуёш бор, қор ёғаётир  
осмон-да совуқ, сенинг қаҳринг каби,  
вужудимни тиглаётир.

5

Тун ярмида мени уйғотди,  
ярқираган юлдуздек,  
чақноқ, маъюс кўзларинг нури.

6

Кўзларининг ёғдулариди  
мен ўзимнинг энг дилғир, толгин  
сувратимни кўриб қувондим.

7

Ичимда овозсиз йиғи бор.  
Қандай қилай, севгилим,  
бағримда муҳаббат тиғи бор.

8

Намчил ҳаво, оғрир оёғим,  
сенга етай десам, йўл йироқ,  
эй мунғайган бенаво гўша.

9

Мен ўзимни алдаб яшайман.  
Боқ, нақадар ёлғончиман мен  
бу ёлғончи дунёда.

10

Шамолнинг уйида қолдим бу кеча.  
Исиниб ухладим бағоят.  
Ўғридай тўрт тарафга боқдим тонг чоғи.

11

Нигоҳингдан отилган товуш  
олисларга итқитди мени.  
Энди, сен, қайдасан, етмас овозим?

12

Тақиллатиб умид эшигин,  
Кўнглинг остонасида жовдираб турдим.  
Сабрим жандаси йиртилиб қайтдим  
кўрқушдек.

13

Кўшим хурмо берди  
қиш чилласида,  
совқотган кўксимга бош қўйди қуёш.

**ВИЛАНЕЛЛА\***

Ҳар гал сен-ла юзлашганимда,  
Вужудим дарахтига армон  
Чирмашади печакгул бўлиб.

Ҳар гал сен-ла юзлашганимда,  
Ҳасрат қўзгалади — момақалдироқ,  
Юрагим осмонин ёритар севги.

Ҳар гал сен-ла юзлашганимда,  
Тушунуқсиз алам, кипригимда дард,  
Кўксимда сўнмаган юлдузсан, соғинч.

\*\*\*

Туни билан ёмғир тинмади,  
киприкларим соқчилардек тик қотди.  
Кўзларимда юриб чиқди шалаббо кеча.

\*\*\*

Ўлим билан ҳаёт оралигида, боқ,  
қор ёғаётир,  
ҳамон ёғаётир қор.

\*\*\*

Тузқали кетаётир оғироёқ Ой.

\*\*\*

Ой кўксидан сачраётган сутга чўмилдим.

\*\*\*

Чарчаган, толиққан кўзларимда  
уйғоқдир уйқу.

\*\*\*

Нигоҳим шамолидан учаётир  
бўй-бастинг.

**ДАМ ОЛАЁТГАН ОДАМ**

Дам олаётган одамга қийин,  
ўйлар диёрида яшайди нотинч,  
у бугунни ҳам,  
эртани ҳам  
ўйлайди беихтиёр.  
Ўйлар юраги деворларин  
қитирлатар каламушдай,  
кўзларин калхатдай чўқир,  
ич-ичини тирнайди ўйлар  
у бугунни ўйласа.  
Зилзила зарбидай урар юраги,  
эртасин ўйласа гўзал кўринар дунё,  
индинини ўйласа у,  
сув сепгандек осуда...

Тонг саҳарлаб уйғондим,  
о, қаён боришим,  
не қилишим билмадим, эсиз.

Сен уйғонган заҳотинг, ўғлим,  
норгул шамол янглиғ  
дарёдай кўчага шўнгиб-да кетдинг.

\*\*\*

Уйқум қочди...  
Туни бўйи  
қулоғимга тиканакдай санчилди  
аллақандай шовқин-суронлар...  
Ташқарида сармаст овозлар  
осмон сари ерни кўтариб  
боряпти,  
сершовқин парвозлар.  
На бугунни,  
на эртани,  
ҳеч нарсани ўйламас.  
Улар, балки, бахтиёр овозлар...  
Балки?..

\*\*\*

Чироқ ўчди.  
Хонамга зулмат капалаги қанотин ёйди.  
Ҳарён урилгайман сўқир каби мен.  
Оламни ёритсанг-чи,  
қалбимдаги ботмас қуёшим.

\*\*\*

Севгилим, энди мен  
овунаман соҳибжамол мастоналар бирла.  
Ў, барибир,  
улар ҳам малҳам бўлолмайдим  
синган шохдай кўксим доғига!..

\*\*\*

Пат мисоли тош роса енгил,  
тош тоғ каби жуда ҳам оғир.  
О, икки ўт орасинда

ҳайрат, ўкинч шамоли  
юрагим боғида тўкадир хазон.

\*\*\*

Наҳотки, овозим қариди.  
Оҳ, мағрур овозим,  
вужуддан аввал,  
кексайган — куз каби  
қариган бўлса?..

\*\*\*

Дағал, хунук сўзларим,  
гулдай нозик кўнглиннга  
озор бериб тикандай,  
наҳот, яшайман  
шаддод дунёда?!

\*\*\*

Мен сўзимни айтдим,  
тамом,  
чилтарчин шишадай,  
ҳеч кимга  
йўқ энди керагим.

Лиммо-лим қадаҳдек сирли бир дунё...

**ЧАҚМОҚ ШУЪЛАСИ**

Кўзларинг остонасида қайғуни кўрдим.

\*\*\*

Сочинг толасида кўзим ранги барҳаёт.

\*\*\*

Тунни ютиб борар саргайганча Ой.

\*\*\*

Тун уйқусин бузди қарға фиғони.

\*\*\*

Отнинг туёғида чайқалади йўл.

\*\*\*

Қалбинг кўпригидан ўтмоқдаман жим.



\*Виланелла — дастлаб Ўрта аср француз ва италян халқ шеърлятида чўпонлар қўшиғи саналган уч сатрли, мисралари такрорланиб келадиган шеър шакли

\* \* \*

*Аягин, изларимни босмагин, оғам.*

\* \* \*

*Ой билан сайр этаман бу оқшом ёлғиз.*

\* \* \*

*Ичимда, оҳ, қақшаган ҳаёт.*

\* \* \*

*Қалбимдан, муҳаббат, сирғалиб  
кетаётирсан.*

\* \* \*

*Шамоллар йўлидан кетаман гоҳи.*

\* \* \*

*Кўзинг уммонига чўқаяпман шод.*

\* \* \*

*Теграм узра шамол тош чайнар баъзан.*

\* \* \*

*Овозинг ифори кирди тушимга.*

\* \* \*

*Омонмисан,  
гўзал капалак,  
кел,  
гуллаган қанотинг тутгил,  
қўзимга тўтиёдек суртиб қўяйин.**Капалагим,  
нечук гўзал,  
қандоқ завқли сен-ла кўришмоқ,  
мендан йироқлашма энди сира ҳам,  
гулга дўнмиши менинг-да кўксим.*

## ЯНГАРГАН ТУЙҒУЛАР

### ЯНГИ КУН

*Кечди қишининг аччиқ кунлари,  
бу кун  
Туркистон кўксида Наврўз.  
Қалбларни гуллатар,  
мана, навбаҳор.  
Шукуҳли бу кунларга  
Чўлпон,  
Қодирий,  
Фитрат етсайди...  
Қалдирғочдек  
қайтса эди-е-е.  
Оҳ, аларнинг  
гўзал сўзлари,  
ўтлиқ нафаслари,  
доно кўзлари...**Эрк қўшигин куйлагани қайтиб келмиш  
қалдирғочлар ҳам.*

### КАТТА ЖИЙДА

*Болалигим кечган кўча  
Ёқалаб ариқ оқади.  
Ариқ бўйида,  
осмон билан  
сирлашаётгандай  
серпўстлоқ,  
серсоя жийда чайқалар...  
Ўралар сувларни ютгани каби  
жийдани йиллар ямлаб-да кетди.  
... Букун ўша жийдадай  
нуроний манзилга кўчмоқда умрим.  
Узун умрим ичра  
ўша жийдадай  
дарахтни кўрмадим сира.  
Энди тушиларимга  
аждодларим эккан  
Катта жийда киради.  
О, бунчалар яқин,  
бунчалар олис  
Болалигим диёридаги Азамат жийда.*

### КЎЛ

*Болалигим ўсган ҳовли этагида кўл бўларди.  
Суви шу қадар сокин,  
тиниқ эдики,  
ёз осмонига ўхшаб кетарди.  
Кўлнинг қирғоғида  
энам каби букчайган толлар  
яшил сочларини  
сувга чаярди.  
Кўл ўртасидаги қамишзор  
хилқатдай чорлаб болалигимни шовуллар.  
Ўша кезлар**мовий кўл бағрига шўнғирди болалигим.  
Қумуш тангаларини кўз-кўз  
этаётгандай,  
кўкка сапчир эди ялт этиб балиқлар.  
О, кўл бўйлаб  
балиқлар-ла сузишар эди болалигим...  
... Букун ўшал кўл,  
ўшал балиқлар йўқ ҳаёт уммонида.  
Бироқ,  
хотиротим кўлида ўшал балиқлардай  
сузиб юрар ҳамон болалигим.  
Ўқтин-ўқтин  
ўшал балиқлардай  
болалигим сапчир хотиротим осмонига.*

### ТЕПАЛИК

*Болалигим кечган уйдан сал нарида  
туядай  
дўмпайиб турар тепалик.  
Оҳ, ўшал тепалик  
ортида тенғдошим —  
ака-ука Иброҳим ва  
Мадаминнинг уйи бўларди.  
Улар ила дўст,  
иноқ эди нақадар болалигим.  
Тепалик баҳи этарди бизларга сурур.  
Ўша кезлар тепалик  
завқ-шавққа тўларди лиммо-лим.  
Гўзал кечар эди қанча кундузлар...  
Иброҳим севарди шеърятни, севарди  
жуда.  
У севарди  
капалакни, севарди гулларни.  
Севарди кўлдаги балиқларни.  
Кўшиқ куйлар эди Мадамин.  
У куйларди маҳзун, маъюс...  
Куйларди...  
Эвоҳ, Турди хола кейинчалик ўғилларин  
ишонмай қўйди еру кўкка.  
Чақириб, бақириб  
тепалик бағридан кетарди юлиб...  
Армиядан телба бўлиб келгач тўнғичи,  
кейингисин  
тугаган бўлса-да хизмат муддати,  
қайтмагач уйга, ғалати бўлиб қолди  
Турди хола.  
Гоҳ-гоҳ бўзларди,  
узун улир эди она бўридай.  
Воҳ, бир оқишом қип-қизил тўшақка буркаб,  
фожиа олиб кетди Иброҳим, Мадаминни.  
Ўшанда  
бутун қишлоқ қалқди изтироб уммонида.  
Турди хола  
ўз фарзандларин болта билан чопибди,*



деган ваҳимали  
шивир-шивир юзди қишлоқ  
узра оғирдан оғир.

Мен, ўша-ўша, болалигимни  
йўқотиб қўйдим.  
Балки, ўшанда тепалик  
бағрига сингиб кетган Болалигим.

### АТИРГУЛ

Ҳовлимда атиргул,  
муаттар бўйлари оқар тўлқинланиб.  
Бахмал либосда нақадар гўзал.  
Тикилсам тунда мен,  
мудроқ туйгуларим кетади жўшиб.  
Атиргул пойига дарёдай оқаман,  
эрка шаббодадай гулни силайман,  
Ўнаман,  
қучаман.  
Сўнгра бошқа одам бўлиб келаман  
қадим дунёга.

Эрта тонг.  
Шаҳар олар мени бағрига.  
Атрофга қарайман турфа хил гуллар.  
Бир-бирдан гўзал,  
бир-бирдан анвойи.  
О, бўйлари маст қилар.  
Билмайман,  
қай гулга тикилсам,  
эргашар ортимдан масрур.  
Гулни узаман-да,  
ҳидлайман димоғим қонгунча.  
Кейин-чи,  
итқитиб кетаман бешафқат,  
шодаси бузилган дурдай унутиб.

О, бу ширин,  
бу аччиқ умрим ичра,  
қўрмадим мен не-не гулларни.  
Қай бирларин севдим,  
ўртандим,  
қуйдим.  
Қай бирлари хотирам боғларида  
кетганлар сўлиб...

Ҳовлимда атиргул мавжланар кечаю  
кундуз,  
қандай унутай уни?!  
Ахир, умрим дарёсига қўшилиб оқар.

Атиргул — умрим гули атиргул.

### ҚАРИ ТОЛ

Деразам ортида ёлғиз кекса тол.  
Ниҳоллик пайтларидан кесилмаган ҳеч.  
Оғочлари ўсади ёйилиб,  
барглари, о, нақадар қуюқ.  
Мен  
ҳар гал унга тикилсам,  
руҳимнинг шодмонлик қулфлари кетар  
очилиб.  
У  
шамолларда солланиб,  
еллар нафасида тебраниб ўсар.  
Бу кун,  
кузнинг илк кунинда  
толга тикилсам,  
унинг зангор баргларига  
оралабди сариқ ранг.  
Оҳ, уни кўрдим-у,  
юрагимдан тўкилди нимадир.  
Билмадим, нимадир...  
Балки, у  
кекса толнинг сарғайган барглари дир...

### ЁЛҒИЗ ЯПРОҚ

Кеч куз.  
Қаршимда эна тут.  
Кампир юзидаги ажинлар  
гўё унинг танасига кўчган.  
Эна тут, эна тут,  
метин шохларида Болалигим ўсган.  
Меваларин қушдай чўқилаб —  
чўқиб еган Болалагим.

Кеч куз.  
Эна тут новдаларида  
сарғайган ёлғиз япроқ.  
Беҳол титрайди,  
шамоллар чанг солар.  
О, эна тут,  
бағридан қўйгиси келмас ёлғиз япроғин.



Кеч куз.  
Эна тут мунглиқ онадай  
яланғоч панжсаларин  
осмону фалакка чўзиб тикилар.  
Ёлғиз япроқ тўлганар,  
ўртанар бетин...

### ТУРНАЛАР


Дўрмон боғларида заъфарон куз.  
Фалакда турналар ноласи.  
Балки,  
улар ҳам  
мен каби юракларин  
ташлаб кетаёттирлар.  
Ахир,  
Қува анорзорларига мен  
юрakни қолдириб келганман.  
Оҳ, менинг юрагим,  
анор оғочлари шоҳида  
ёрилган меваси каби  
илиниб-илиниб қолиб кетган-ку!

\*\*\*

Кеч куз.  
Намозиом.  
Ҳовлида сукунат мудрайди.  
Дарахтларнинг заъфарон япроқлари  
совуқ шамол чангалида титрайди.  
Қунишиб айвонда —  
ҳассага таянган қўйи  
қонталаш уфққа тикилар,  
соқоли лайлакдек оппоқ чол.







Улугбек ҲАМДАМ

# ОТАШ

## Ҳикоя

Кўй боқиб юриб шу томонларга тасодифан келиб қолган болакай кўриб қолмаганда Оташнинг ҳоли нима кечарди — айтиш қийин. Ёши қирқни қоралаб қолганига қарамай сўққабош яшаса, устига устак, улкан шаҳардан четда — истиқоматчилари бирин-сирин мангуга тарк этган, бугунга келиб нураб битаёзган хароба қишлоқда моховдек бир ўзи турса, ким ҳам унинг ҳушсиз ётганидан хабар топарди дейсиз... Хуллас, Яратганнинг марҳамати билан Оташни шифохонага жони чиқмасдан етказишди. Ўзиям нақ уч кун деганда кўзини очди. Очию бирдангина ҳеч нимани — қаерда ётганини, ўзига нима бўлганини эслай олмади. Кейин эса ҳаммаси аста-секин ёдига туша келди: худди кун чиқаркан, атроф ёришиб, нарсалар аниқ-тиниқ кўрингани каби...

Ўша куни Оташ вайронага айланган уйлардан бирида титкиланиб юрганди. Бирдан ташқарида уй ҳайвонларини тартибга чақириб юрган боланинг "қур-э-қур-э" си қулогига чалиндию беихтиёр ўша ёққа одимлади. Лекин на кўй-кўзинию на болани кўришга улгурди: бирдан кўнгли беҳузур бўлиб, қуриб қолган ариқ бўйида ўсган чинорга суянганча кўзларини юмди. Кейин... кўрингки, қобогини очиб ўзини шу ердан — палатадан топди...

Оташ атрофга қаранди — бўлмада ўздан бошқа яна бир киши бор бўлиб, кўзларини жипс юмиб ётарди. Ухлаяптими ёки шунчаки қобоклари юмуқми, билиб бўлмасди. Балки комададир...

Палата дейилгани ойнаванд тўсиқлар кўйилган алоҳида бўлимлардан иборат бўлиб, чамаси Оташнинг ҳам ўнг, ҳам сўл томонида яна қатор шундай ажралмалар тизилганди. Ана, ҳамшира бежирим аравасини судраб нариги палатадан йўрғалабгина кириб келди-да, Оташга боғланган тиббий анжомлар ҳолатини текширган бўлди: беморнинг юзига кўзи тушиб эса салом берди, сўнг билагини тутиб игна урди.

— Энди тузукмисиз?

Оташ ўз аҳволининг танлигини сезиб қолди. Чунки ҳамширани кўриб-эшитиб турса ҳам унга жавоб беролмади: лаблари, тили ўзига бўйсинмай турарди: юздан, зариф табассумидан жуда лафофатли кўринган ҳамширанинг меҳрибонлигига яраша илтифот кўрсата

олмади. Ҳатто қиз игна урганда на ўз баданини ва на ҳамширанинг бармоқларини ҳис қилди. Гўё сезги туйғуси уни тарк этгандек. Ҳамшира ишини битириб қўшни палатага аравачасини гилдиратиб узоқлаб бораркан, Оташ беихтиёр унга талпиниб кўллари чўзмоқчи бўлди ҳеч қурса имо-ишора билан чақирмоққа тутинди. Лекин кўллари кўтарилмади: ҳамшира қайси ҳолатда кўйиб кетган бўлса, ўшандайлигича қолаверди...

Бирпас ўтар-ўтмас уни негадир уйқу босди...

Туш кўрибди. Яна ўша таниш манзара... ўша аёл — Солия. Оташ зўр бериб, овозининг борича чақирармиш: — Солия!... Солия!.. — Лекин аёл эшитмасмиш. Орадаги масофа у қадар узоқ эмас, бақириб у ёқда турсин, астагина "Солия" деса ҳам эшитилиши керакдекмиш-у...

Оташ ўз уйида эмиш, Солия бўлса шаҳар ва шу уй ўртасида нималардир қилиб юрганмиш. Оташ азбаройи қизиққанидан шу қараб ҳам Солиянинг нима иш қилаётганини тушуна олмасмиш. Бир қараса, у ўта муҳим юмуш билан бандга ўхшармиш, бир қараса, аёл шунчаки у ёқдан бу ёққа бўш-баёв кезиб юргандекмиш. Лекин Оташ уни ҳалиям чақирармиш. Ўзи эса турган жойидан жилмасмиш. Жилиши мумкин эмасмиш. Чунки у чегарага — ўзи Солиҳага яқинлашиши мумкин бўлган сарҳадга келиб қолганмиш. У ёғига юриши мумкин эмасмиш негадир. Солиҳа бўлса... Солиҳа бу томонга одим босиб у ёқда турсин, Оташнинг изтироб билан бақириб-чақирибларига бир қиё боқиб ҳам қўймабди. Бутун кучини тўплаб яна "Солия!!!" дея жонининг борича чақирибди ва тўсатдан бўғзи йиртилиб, оғзидан шариллаб қон оқа бошлабди. Шундан кейин у Солиянинг исминини айта олмай қолибди — бундан эса ҳоли ёмонлашибди...

— Сизга нима бўлди? Уйғонинг!.. — Оташ кўзини очиб, тепасида қути ўчган бояги ҳамширани кўрди.

— Ёмон туш кўрдингиз, шекилли, босинқираяпсиз... Ҳозир, — ҳамшира сувга нимадир томизиб келди-да, Оташнинг бошини бир қўли билан хиёл кўтарганча стаканни лабига тутди. Кейин каровот поясидаги сочиқни олиб беморнинг тердан сув-сув бўлиб кетган юз-кўзини, пешонасини артди. Шунда Оташ сочиқни, ҳамширанинг кўлини ҳис қилди. Томоғини қириб кўрди — ўз овозини



ўзи эшитди. Ичига илиқлик югуриб, қўл ва оёқларидаги бармоқларини қимирлатиб разм солди: гўё ҳаммаси жойида.

— Раҳмат, — деди паст, хириллоқ овозда кўнгли тинчиб нари кетаётган ҳамширага...

\* \* \*

Икки-уч кун ўтиб, Оташ ўрнидан туриб юрадиган бўлди. Лекин аллақандай хижиллик барибир уни тарк этмасди.

"Нима ўзи у? Қаердан келди? Нега кетмайди?" — Бу саволларнинг жавобини билмасди Оташ.

Дераза оша кеч кузнинг намчил ҳавосида "дийдираб" турган дарахтларга боқар экан, аста кўзгалиб ташқари чиқди. Хазонрезги. Оташ шамол супураётган йўлакда бир пас кезинди. Ич-ичидан бир титроқ келиб, ортга қайтди. Нияти — бино олдидаги скамейкада бироз тин олиш эди, — чоғи келмай ичкарилади. Узун каридордан ўз бўлмаси томон аста одимлаб бораркан, бош врач хонасининг қия очиқ қолган эшигидан учиб чиқаётган сўзлар қулоғига қўрғошиндай қуюлди.

"Отабекнинг юриб қолганига кўп ҳам севинманг, қариндошларига секин тушунтиринг, у — узоққа бормайди..."

Отабек кетаётган жойида "тақа-тақ" тўхтади. Бош врач қўл остидаги ходимларга у билан боғлиқ тағин нималардир деди, лекин Отабек энди уларни эшитмасди... Йўқ-йўқ, эшитардию, маъносини англамасди...

— Нима қилиб турибсиз бу ерда? — палатадан чиққан бошқа бир ҳамшира Оташни билагидан тутиб этаклади.

— Жудаям ухлагим келяпти. Илтимос, уйқу дорингиздан берсангиз, -ялинганнамо оҳангда деди Оташ ўзини кароватга ўтқазиб қайтишга чоғланган ҳамширанинг қўлларини тутиб.

— Вой, энди ухлаб турдингиз-ку, — ажабланди ҳамшира.

— Ундай эмас, кечаси мижжа қоқмадим. Чарчаб кетдим. Ёлвораман... -тарадудга тушиб қўлини тортиб олмоқчи бўлган ҳамширани кўйиб юбормай илтижо қила бошлади бемор.

— Вой, манави кишига қаранглар, — кулди ҳамшира хиёл қизаринқираб. — Мен ўзимча сизга дори буюролмайман. Врачдан сўраб келай, — қўлини аранг қутқариб олган қиз чопиб нари кетди.

— Тунда ёмон ухламадингиз, чамаси, Отабек? — гап қотди газета варақлаб ётган ёши улугроқ бўлмадоши.

Оташ унга бир қараб кўйдию индамади: юрагига қил ҳам сиғмай турган шу тобда жавоб бергиси келмади. Лекин хиёл ўтмай бояги ҳамшира қўлида тайёр ўқланган игна билан рўпарасида пайдо бўлганда юзи ёришгандек бўлди...

Оташ кўзларини очганда вақт алламаҳал бўп қолганди. Буни у деразага тўр солган шом рангидан англади. Шамол кучайиб, дарахтлар у ёқдан бу ёққа гувлаб солланарди. Яна қулоғига япроқларнинг "чирт-чирт" узилгани урилди...

"Хазон япрогига, эй боғбон, эмассен монё".

Кўшиқдан эсида қолган ушбу байт Оташнинг миясида чарх ура бошлади. "Солия" деди пичирлаб. "Солия, сени жудаям-жудаям соғиндим! Яна бир вақтлардагидек чақирсам, келасанми? Сўнгги бор... Солия, сўнгги бор".

— Ҳадеб ухлаб, хаёл суравермай манавини еб олинг, куч бўлади, -кароватнинг махсус хонтахасига ярим коса бўтқа, икки кесим бўлка нон, бир бўлак қовурилган балиқ ва оппоқ финжонда чой кўйди ҳамшира, — тушдан кейин сизни йўқлаб қариндошларингиз келувди, уйготиб бўлмади. Кечкурун яна келамиз, дейишган.

...Оташ ётавериб зерикиб кетди. Кейин беихтиёр равишда чўзилиб тумбочкани очди-да, ичидан қоғоз ва қалам чиқарди. Ташқарида бир маромда тебраниб кўшиқ айтаётган ва ўз кўшиги оҳангига мос тарзда рақс тушиб ороланаётган дарахтнинг суратини чиза бошлади. Илгари ҳам у дарахт расмини кўп ишлаган, умуман, унинг чизган суратларининг ярми Солияга бағишланган бўлса, қолган ярмида дарахт бор эди. Лекин нега бундай, ўзи ҳам билмасди. Оташ Солияга бағишланган юзлаб суратлари мотивини яхши англари эди, бироқ дарахтчи, унинг тағмаъноси нима экан? Сираси, у дарахтни турли кўринишларда чизган эди: ҳамма фасллардаги, ҳамма кўринишлардаги дарахт расмларини солганди. Назарича, дарахт инсон кўнглидаги кераксиз ҳою ҳавасларни ташқарига қувиб ҳайдарди. Дунёнинг ўткинчилиги ва умрнинг омонатлиги тўғрисидаги энг гўзал, энг таъсирли кўшиқ дарахтга тегишга эди. Шохларида хоҳ япроқ бўлсин, хоҳ бўлмасин, қатъи назар, тинглай билгич — қалб қулоғи очиқ одамлар учун дарахтлар ҳамма вақт — қишин-ёзин ҳикмат айтадилар, ҳа...

Оташнинг биланлари шулар эди. Энди бўлса, унинг қаршисида — қоғозда тағин бир кўшиқ куйлаётган улкан дарахтнинг қадди ростланиб бораркан, туйқусдан бошқа бир нарсаса — ҳалигача ҳеч ақлига келмаган бир маънога дуч келиб қолди. У ҳам бўлса, Солияни севишига, Солияга бўлган муҳаббатини қалбида бир умр кўтариб юришига муносиб иқлим яратган куч, аслида, шу дарахтлар, улар куйлаётган ажабговур кўшиқлар экан. Ҳа-ҳа, ишонаверинг, айнан шулар экан... Нега, дейсизми? Чунки бир пайтлар Оташ ҳам дунёи дунининг одами эди — турли-туман кийинишни, ширин-ширин ейишни, хил-хил машиналарда юришни севгувчи моддийат кули эди — эслайди, ҳаммаси ёлди. Энг гўзал, энг жозибадор аёлларга ишқи тушиб, кечаю кундуз улар билан маишат қилганларини ҳам унутган эмас. Кўнлардан бир кун ана шундайлардан бирининг уйдан ярим тунда қайтаётиб йўл ўртасида машинаси бузилдию ўша ерда тонггача қолиб кетди. Шаҳаргача бир неча чақирим бор эди. Атрофда "йилт" этган чироқ кўринмас, фақат ёнгинасида шамолда солланиб, ўзича куйлаб ётган бир боггина эътиборини тортарди. Аслида, ҳаммаси ана ўшандан бошланганди. Оташ саҳаргача ўша боғни, унинг дилларни энтиктирувчи кўшигини тинглаб чиққанди. Тинглаб, унга ошиғу беқарор бўлиб қолганди. Шу-шу аваллари ҳар хил мавзуларда мўйқалам тебратадиган ёш рассом энди фақат ва фақат дарахтзорни, дарахтларни, дарахтни чизадиган бўлди-қолди! Кейин... ҳеч қанча вақт ўтмай тақдир уни Солияга рўбарў қилди... Эҳ, буларнинг бари бирам сирлики...

Оташ сурат чизишга шунчалар берилиб кетдики, палатадошининг гаплашмоқчи бўлиб икки-уч луқма ташлаганиниям пайқамасди. Доим шунақа — илҳоми келганда ботинида — кўкрак қисмида аллақандай махмурлик пайдо бўлади-да, у шу ҳолатнинг асирига айланади. Айланиб то асари якунлангунча унинг ичида у ёқдан бу ёққа иссиқ қон каби (ҳар ҳолда унга шундай

туюлади) оқаверади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Шиддат билан тортилаётган чизиклар, мўйқаламнинг кетма-кет ҳимолари қоғозда ҳайратангиз бир дарахт сувратини барпо қилиб улгурганди. Унда кузнинг заъфарон туси акс этганди. Лекин гоят жозибадор кўринарди. Ҳавода учиб тўзғийтган олтинранг япроқлар қараган кишининг кўнглига маҳзун кайфият олиб кирар-у, уни қайгуга ботирмасди. Билъакс, дарахт шоҳларининг бир томонга хиёл эгилган ҳолати ва барглardan бунёд этилган сочларининг ажабтовур байроқдек ҳилпираши томошабин қулогига дарахт куйлаётган қўшиқдек урилди...

Оташ яна анчагача сурат устида ишлаб — тарошлаб ўтирди. Бир маҳал ҳамшира кириб келди: "Чақирсаям эшитмайсиз-а, Отабек ака?" дедию рассомнинг қўлидаги чизмасини мўйқаламига кўшиб беозоргина сугуриб олди: "Кўргани келишди".

Отабек эшикка қараб, онаси ва икки укасини кўрди-ю юзларида табассум пайдо бўлди: "Ассалому алайкум, она!"

— Ваалайкум салом, болагинам, ваалайкум салом!.. — онанинг овози титрар, кўзлари жиққа ёш эди. Отабек бўйлари баланд, басавлат укалари билан сўрашаркан, яна ўшандай сўлгин нигоҳларни учратдию ҳаммасини тушунди: жигаргўшалари баридан хабардор экан!.. Айни дамда нарироқда бояги суратга ажабланиб боқаётган ҳамширага кўз қири тушиб улгурди.

— Нега йиғлайсиз, онажон? Отдекману... — ўзи айтаётган гапга ўзининг ишончи бўлмагани учун Оташ узуқ-юлуқ жумла тўзди, — яқинда жавоб ҳам беришади...

— Иншаоллоҳ, болам, иншаоллоҳ... — она энгининг учи билан кўзёшларини артди. — Илойим, айтганинг чин бўлсин!..

Оташ укаларига қаради: улар кўзларини олиб қочишга беҳуда уринишаётгани шундоқ юз ифодаларидан аён эди. Бири юзини дераза томонга бурган (лекин у ерда ҳеч нима кўринмас — шом тушиб бўлганди), бошқаси бўлса, курсида омонатгина ўтирган кўйи туфлисининг тагчармига қараган киши бўлиб вақтни чўзмоққа тиришарди.

— Битта қизни деб ўзинга жабр қилдинг-да, — онаизор ўзига ўзи гапиргансмон ҳасратдор овозда сўзлай кетди, — ёшинг ўтгиз еттига чиқди-ю ортингда қоладиган зурриёдинг йўқ, жон болам...

— Она!.. — деди боядан бери юзини "дераза билан беркитиб" турган ука, — Она, ҳозир шу гапларнинг мавридими? Акам ёш бола эмас-ку! Нима қилишини ўзи билар, ахир...

Бундай тортишувлардан безиб кетган Оташ норози алфозда кўзларини қаттиқ юмди...

\* \* \*

— Туринг, нонушта қилволдинг, — деди яна ўша ҳамшира. — Ҳозир бош врач "обход"га кириб қолади, бўлақолинг.

Оташ эринибгина кўзларини очди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум... Нима, сиз ҳар куни ишлайсизми?

— Йўғ-е... — деди ҳамшира патнисни беморнинг "хонтахта"сига авайлаб қўяркан, — унақада чарчаб қоладию одам. Шеригимнинг ўрнига чиқдим. Иши чиқиб қопти.

Оташнинг иштаҳаси йўқ бўлса-да, аста туриб юз-кўлини чайиш мақсадида шундоқ биқинда жойлашган

ваннахона томонга юрди. Қайтиб чиққанда эса қаршисида пайдо бўлган ҳамшира илтимос қилиб қолди: "Менинг ҳам суратимни чизиб беринг".

...Оташ ҳамширанинг суратини кун-узоқ чизди...

Навбатчилигини яқунлаб уйига равона бўлаётган ҳамшира эшикдан кириб келгандайям берилиб ишлаб ўтирарди. Қиз расмга бир муддат тикилиб турди-да, сўнг "Нима бу?" дегандек рассомга боқди. "Бу мендан кўра анави суратдаги дарахтдан қараб турган аёлга кўпроқ ўхшаб қопти-ку, Отабек ака?"

— Қайси дарахтдан қараб турган аёл, тушунмадим? — ажабланиб Оташ.

— Сиз фақат битта қиёфани чизасизми, дейман? — энди росмана хафа бўлиб гапирди ҳамшира. — Майли, буниям ўша аёлга беринг...

Оташ стул суянчигига суяб қолдирилган суратни кўлига олиб разм солди — у чиндан ҳам Солияга ўхшаб турарди. Кейин шошиб кеча чизган суратига қаради. Йўқ, унда фақат дарахт бор эди. "Қанақа аёл?" деди энсаси қотиб. Кейин суратларни олиб рўпарасидаги дераза раҳига тираб қўйди.

Кечкурун кетган кетиб, қолган қолиб, атроф сув қуйгандек жим-жит бўлган пайт суратларга кўзини қадаб хаёл суриб ўтирган Оташ бирдан ҳаяжон билан ўрнидан туриб кетди. Турибоқ суратларнинг олдига борди, дарахт тасвири туширилган расмни кўлига олиб, кўзларини йириб қаради: Ё қудратингдан! У ерда чиндан ҳам Солия бор эди. Фақат... фақат орқа планда — ичкаридан улкан дарахтнинг орасидан — бағридан маъюс боқиб турарди. Оташнинг лаблари учар, титроқ бармоқларини суратга олиб борар, лекин яна чўчиб ундан узоқлатар, кўзлари дамодам ёшланар эди. Бир маҳал суратдан дарахт чекинди ва бошидан-оёқ инсон қиёфасини олди — энди ошиқ рўпарасида маъшуқа турарди. "Қачон мен сен билан ёп-ёлғиз қолгум!" лаблари шивирлади Оташнинг. У бир пайтлар — севишиб, дунёларни унутиб юрган вақтлар шу мисрани Солияга бот-бот айтгучи эди. Бироқ тақдир экан — улар ҳеч қачон бир-бирлари билан ёлғиз қолишмади. Пешона ёзиқлари бунга йўл қўймади. Мана, ниҳоят, ўша орзуси ушалиб турибди ошиқнинг. Оташнинг кўзларидан оққан шошқатор ёшлари "тим-тим" томиб суратга тушар, ундаги бўёқлар секин-аста шувалиб бир-бирига чаплашиб борар, лекин буни фарқлайдиган ҳоли йўқ эди ошиқнинг... Оташ ана шу ҳолида йиғлаб-титраб бир мунча вақт қолиб кетди. Кейин эса... кейин Солия билан уришиб қолган ўша мальун куни "лоп" этиб ёдига тушди. Тушди-ю кўнглида ухлаб ётган гина-қудрат уйғониб қолди: "Агар сен ғурур қилмаганинда ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди, Солия!"

Оташ суратга қараб мурожаат қиларди, бироқ ундаги аёл — Солия бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Оташ тарадудланиб қолди: типирчилаб ўзи чизган суратнинг гоҳ у, гоҳ бу ёғига қарар, эндигина шу ерда — қаршисида уни тинглаб, у билан мулоқот қилиб турган Солия қай ерга "учиб" кетганининг сирига етолмай доғда қолди. Шундан кейин Оташ суратни дераза раҳига қайта қўйди, ўзи бўлса "ундаги Солия"ни илк пайқаган жойига — кароватга чиқиб ўтирдиямки, фойдаси тегади. Суратда фақат дарахт — сарик сочлари шамолда селкиллаб турган улкан дарахтгина қолди... Оташнинг жиғибийрони чиқиб, хуноб бўлиб ётди. Кейин чарчоқ устун келиб кўзи илинди. Яна туш... Яна Солиясиз кетган шунча йиллар ўтмагандек эмиш: улар худди бир вақтлардагидек бирга



эмиш. Қадди-қоматлари ҳам, қилиқ-қийфатлари ҳам бурунгидек денг. Электричкага чиқиб тоққа — лола сайрига борганмишлар. Кучоқ-кучоқ қизғалдоқ, лола, бинафша теришармиш, бир-бирларининг бошидан кучоқ-кучоқ сочишармиш ҳам. Юриб-юриб тоғнинг баланд бир чўққиси қаршисига келиб қолишибди. Чўққининг ён бағрида эса анвойи гуллар ўсиб ётганмиш: лола бўлиб лолога, қизғалдоқ бўлиб қизғалдоққа ўхшамасмиш. Ҳатто бинафшадан ҳам нимадир бор эмишу, асли бошқа гул эмиш. Солия ўша гулга ошиқ бўп қолибдию чўққига чиқамиз деб туриб олибди. "Сен шу ерда туратур, ўзим олиб келаман". Оташ тепага қараб тирмашибди. Чиқибди. Ўша — дунёдаги ҳеч бир гулга ўхшамайдиган, лекин борлиқ чечаклардан гўзалроқ, хушбўйроқ гулни узиб олар чоғида оёғи тойиб, икки қулоч пастдаги қояга қаттиқ урилибди. Зарбдан чап қўли синиб, осилиб қолибди. "Шунча гуллар турганда, яна гул деб қайсарлик қилганингни қара, Солия!". Оғриқ устида ҳаёлидан ўтибди унинг. Қайтиб пастга тушганда эса Солия йўқ эмиш. "Солия, қанисан, қаердасан?" дея қичқирибди. Қичқириқ зўридан яна томоғи йиртилиб, яна оғзидан қон келибди. Атрофда — боя Солияни қолдириб кетган жойда, унинг нари-берисида одамлар бор эмиш ва Солия гўё ана ўша одамлар орасига кириб гойиб бўлганмиш: "Солия!.." Лекин уни ҳеч ким эшитмасмиш. "Шу ерда бир қиз турганди, чиройли, сарвиқомат, сочлари сумбул, кўзлари хумор... Кўрмадингизми?" Одамлар унга парво қилишмасмиш, эшитмасмиш ҳам. Гўё Оташ бору, улар йўқ. Ёки улар бору, Оташ йўқ. Ё унисис, ё бунисис сароб каби...

"Солия!!!" Ўзининг овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди Оташ. Кўзларини катта-катта очиб атрофга қаради — бўлмада унинг ёлғиз ўзи. Шеригига қачон жавоб тегиб улгурди — худо билади. Фақат нариги томондан "Жим" деган уйқули нидо келди. Кейин "шип-шип" деган шиппак товуши ҳам қулоғига чалинди — ҳамшира бўлса керак...

Оташ бошқа ухлай олмади. Кўзгалиб ўтирди. Кўзи беихтиёр дераза раҳидаги суратга тушди. Юзасида ой ёғдуси ўйнаб турган дарахт — гўё ҳаракатга келди ва тебрана-тебрана яна Солияга айланди. "Солия" — шивирлади Оташнинг лаблари. "Солия, яна келдингми!.. Солия, сени соғиндим, жудаям соғиндим!.. Сенсиз бу дунё менга бегона бўлиб қолди, тушуныпсанми? Гўё етти ёт мамлакатга сургун қилинган маҳбусдек сезаман ўзимни. Сендан айрилган кунимдан бери шундайман — муҳожирман. Солия, сен менинг қайтишим мумкин бўлган ягона жойим, мунис Ватанимсан!.. Бироқ ўзинг қайдасан? Дўхтирлар куним битиб қолганини айтишмоқда, қақирсан, келасанми? Солия, бу менинг сендан охириги илнжим, ўтинаман: кел! Токи мен бегона юртларда хор-зор бўлиб ўлиб кетмай. Сенга — Ватанимга қайтиб, шу кучоқда жон берай, Солия!.."

— Бемор Набиев, нега ўзингиз билан ўзингиз гаплашиб ўтирибсиз, қани, тўшакка кириб, бошқаларнинг дам олишига халақит берманг, — ёши каттароқ бошқа бир ҳамшира келиб, болани ўрнига ётқизган каби Оташни жойига ўраб чиқиб кетди.

Оташга бу ёқмади: умрга татиғулик суҳбатни бўлгани учун ҳамширани ёмон кўриб кетди. Лекин яна туриб қараганида суратда Солия йўқ эди. Шунда у бир сирни тушуниб қолгандек бўлди: юраги муҳаббатга тўлиб-тошган дамларида суратда Солияни, қолган вақтларда эса дарахтни кўраётган эди, ажаб!

"Солия, биз бир-биримизни нега йўқотганимизни энди тушуниб етдим. Сен билан ажралишган ўша машғум кунда кўзларимиз фақат ва фақат дарахтни кўрган экан. Биз ўша кунни бир-биримизни кўролмайдиган қолган эканмиз..."

Кейин нима бўлди — Оташ эслай олмади. Фақат хушига келганида тепасида бир тўда оқ халағли одамлар ҳовлиқиб у ёқдан — бу ёққа чопиб, шошилиб юришарди.

— Уни йўқотаяпмиз!..

— Бугун бўлмаса, эрта-индин барибир йўқотамиз...

— Тезроқ юрагини массаж қилинг, массаж!..

Қулоғига элас-элас кираётган бу сўзларнинг негандир қадри қолмаганди. Улар фақат товушдангина иборат эди, мазмуни эса қаёққадир гойиб бўлганди. Ажаб, сўзлар, жумлалар ўз ҳолича ҳар қанча мудҳиш жарангласин, мазмуни киши қалбига кириб бормаса, ҳеч экан, ҳеч!..

Кейин нима бўлди, орадан қанча фурсат кечди — Оташнинг булардан хабари йўқ. Назарида узоқ, жуда узоқ чўзилган уйқудан кўзини очганида ўзини гўё ҳеч нима бўлмагандек ҳис қилди. Фақат бутун вужудида ланжлик бор эди — қимир этгиси келмасди. Аммо бинойидек гапира оларди. Демак, у ўлмабди. Ана, тунов кун ундан хафа бўлган ҳамшира келяпти. Ҳозир бир нима дейди...

Лекин у лом-лим демайди. Оташ томонга бир мунглиг боқадигу кўшни бўлмага равона бўлади. Нега? Ёки суратининг ўзга қизга ўхшаб қолгани бояқишнинг дилини шунчалар ранжитдими?..

Кўп ўтмай палатага ота ва онаси киришади. Лекин улар ҳам Оташга ҳамширага ўхшаб қарашади, авайлаб, худди охириги марта гаплашаётгандек лутф кўрсатишади. Бундан эса Оташнинг гаши келади. Навбат билан ҳузурига кириб-чиқаятган тўнғич укасини қўлидан тутуди:

— Менга қара!.. Менга... менга қанча қолди?..

Укаси қийналади. Лекин тўри жавобни айтмагунича акасининг ўткир нигоҳларидан қоча билмайди:

— Икки-уч кун...

— Салом, Солия!..

— Вой, ассаломалайкум, Отабек ака!

— Яхшимсан?

— Шукр, ўзингиз тинчмисиз? Йўқолиб кетдингиз.

Кўнғироқ ҳам қилмайсиз бундоқ... — гина, араз ва навозиш қилган бўлди Солия.

— Сенга халақит бермай дедим...

— Қўйсангиз-чи...

— Солия!..

— Ҳм...

— Сени кўришим керак... Сўнгги марта, эшитаяпсанми?..

— Тинчликми? Одамни кўрқитмай гапиринг, Отабек ака...

— Узр...Кечир мени... Ростданам, бемаъни гап айтдим, шекилли.

— Келасанми?..

— Қаердасиз?

— Кардиология марказида, охириги қават, лифтдан ўннга қараб юрганнингда энг четдаги палата. Оппоқ эшиги бор...

— Вой, нима қилди?.. — овозига хавотир аралашди аёлнинг.

— Бугун келасанми?

— Бугун?..

— Ҳа... илтимос, келмасанг бўлмайди, Солия!.. — юрагидаги титроқ овозига кўчди Оташнинг... — Ўтинаман: кел!..

— Хўп, ҳаракат қиламан...

\* \* \*

Сурат гӯё бағрини катта очдию Солия тимсолида Оташни маҳкам кучиб олди — унда тасвирланган дарахт мусаввир йигитнинг маъшуқаси сиймосига айланди — қолди. Оташ эса уззу кун ундан нигорон кўзларини узмади.

— Мана, Солия, ҳаммаси — менинг ҳаётимнинг ҳаммаси шундан иборат экан: туғилдим, севдим ва... Яхшиям сен бор экансан... Сенга рўбарў қилгани учун қисматимга шукрона айтаман. Ахир... ахир сен бўлмасанг, мен бу ерда — дунёда нима иш қилган бўлардим? "Туғилдим ва ўлдим" деб айтган бўлармидим?..

Мана, яна сен келасан!.. Кўришмаганимизга ҳам неча йиллар бўп кетди. Охири гал суратларим кўргазмасига келгандинг. Суратлардаги ўз сиймонгни кўриб, секингина "Эсингизни еб қўйибсиз. Одам ҳам бир кишига атаб шунча расм соладими!.." деб, хижолатдан қочиб кетгандинг. Кейин... кейин менга хабар юборгандинг: "Кечиринг, кўпчиликнинг нигоҳини кўтара олмадим... Наҳотки, бир аёлни шунчалар севиш мумкин?!"

Эртасига эса яна бир хабар олгандим: "Илтмос, уйланинг". Эҳ, Солия, кимга қарамай, ҳаммада сени кўрсам, юрагимгагина эмас, кўзларимга ҳам сен тўлиб олган бўлсанг, мен яна нетиб бошқага уйланай? Аслида, сени кўрган кунимдан сенга уйланганман-ку!.. Сен ҳар доим, ҳар лаҳза мен билан биргасан: ҳушимда ҳам сен, тушимда ҳам...

Кейин Оташнинг ёдига талабалик чоғларидаги бир воқеа тушди. Ўшанда физкультура дарси эди. Оташ спорт биносига кириб кетаркан, скамейкада хаёл суриб ўтирган Солияга кўзи тушиб, олдига борганди. "Мазам йўқ". "Унда мен сен билан ўтираман". "Вой, дарс-чи?" "Қизиқмисан, сен билан бир соат суҳбатлашиш имкони бор экан, мен қандай қилиб дарсга кираман?.. Ҳузурингда ўлтиришдан ортиқроқ дарс йўқ мен учун!.."

Хиёл ўтмай қаёқдандир пайдо бўлган уч-тўрт олифта йигит Солиянинг ён тарафига ўтирар-ўтирмас, гап ота бошлашганди. Кейин маълум бўлишича, улар шу университетдан ўзларига қайлиқ қидириб юришган экан. (Қилиққа қаранг: бўлажак турмуш ўртоғинг билан ҳам кўчадаги сатанглари "овлагандек" қилиб танишасанми?..) Табиийки, Оташ аралашиб, бир пастда муштлашиб кетишганди. Улар кўпчилик эди, Оташ бўлса бир ўзи. Лекин ўртага олиб бир тепки қилишгандаям шаштидан қайтмаганди: урганни уриб, тепганни тепганди...

"Кўрқмадингизми, улар бир тўда бўлса?" сўраганди Солия Оташнинг тиббий марказда яраларини ювиб боғлашаётганда. "Билмасам, ўзим ҳам ҳайронман" деганди Оташ. Кейинроқ мушоҳада қилиб кўрса, чинданам ўзига ўхшаган бир нечта ёш, бақувват йигитларга бас келиш учун одамга юракдаги жасоратдан бошқа яна нимадир керак экан. Оташнинг фикрича, бу муҳаббат эди! Ёнида Солия, юрагида ишқ бўлмаганда, Оташ эҳтимол ўша йигитларнинг ақалли биттаси билан ёқалашишга ҳам ўзида журъат тополмасди. Ҳа-ҳа, ишонаверинг. Бунга унинг ўзи амин бўлган. Ҳаётида неча бор бунинг каби жанжалли вазиятлар юз берганига қарамай, ҳар сафариди шундай уришиб кетмади-ку! Энг муҳими, ўзини ботир ҳис қилмади.

Кўзига жони ширин кўринган дамлар қанча бўлди, ахир... Демак, ишқ деганнинг бағридаги киши ўлимдан ҳам қайтмас, кўрқмас эканми...

— Сиз шунақа... мен учун ҳамма нарсага тайёرمىсиз? — сўраганди ҳимоячисининг боғлаб қўйилган тирсагини силаб Солия.

— Ҳамма нарсага, ҳаммасига, Солия!.. — кўзлари ёнганди Оташнинг.

— Ўлимга ҳамми? — тикилганди йигитнинг кўзига у.

— Ўлимга ҳам...

— Менсиз яшашга-чи? — қувлик билан жилмайганди қиз.

— Фақат бунга эмас, Солия!.. Йўқ! Сенсиз яшай олмайман.

— Ҳозиргина "Сен учун ҳамма нарсага тайёрман" деган ким эди? — ошиқнинг юзига енгилгина шапатиллаганди маъшуқа. — Одам берган сўзининг устидан чиқиши керакмасми?

Оташ қизга "ҳазилми-чинми" дегандек кулиб қараб қолди.

— Истасанг, майли... унга ҳам тайёрман. Фақат эплай олишимни ваъда бермайман. — Оташ қизни ўзига тортиб бағрига босганди. — Мен учун "сенсиз", деган тушунчанинг ўзи йўқ, сен ҳар доим мен билан биргасан!

..

— Ҳа... Ҳар доим... — кўзлари ёшланганди қизнинг...

Кўкқисдан кучайган шамол дарахт шохларидан дув-дув барг тўкди. Эрталабдан бери эзиб ёғаётган ёмғир шиддаткор тус олди. Оташнинг ширин хаёли бўлинди. Деразага боқиб шом тушаётганини илғади. Шошиб деворда — рўпарасида осиглиқ соатга қаради: Ўҳ-хў!..

— Солияга нима бўлдийкин? Наҳотки, келмайди? Ёдидан чиққандир... Иши кўпдир... йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир тайинлаб айтди-ку, "келмасанг, бўлмайди", деди-ку. Буни худди бир вақтлардагидек қилиб айтди...

Эҳтимол, ичкари киритишмагандир. Аҳволимни оғир деб, эшикдан изига қайтаришгандир... Телефон бор-ку... Айтарди-да бир оғиз... Ўзим қилсам-чи?.. Энди кеч. Оилали, бола-чақали аёл бўлса...

Оташнинг кўз олди қоронгилашди...

\* \* \*

Эртаси чошгоҳ бўлдиямки, "тиқ" этган товуш йўқ. Тоқати тоқ бўлди унинг. Эшикка миҳланган кўзлари ачишиб-ёшланиб кетди. Ётавериб ўмганлари оғриб-оғирлашиб қолди. Энди сурат билан гаплашиш ҳам юрагига сиғмаётганди. Сираси, у ерда энди Солия йўқ эди. Фақат тилларанг япроқлари маънос шивирлаб дарахт турарди. Ундан нигоҳингизни бироз юқорига олсангиз, шу дарахтнинг аслини кўрасиз. Бироқ унинг аҳволи янада аянчли: бир-икки заволли барглари омонатгина ҳилпираб турган яланғоч новдаларини кўкка чўзган дарахт худди "Эй, Парвардигор, нима қилиб қўйдинг?" дея кўкси тилка-пора бўлиб, арзи дод айтаётган одамга ўхшарди...

Оташ ўрнидан базўр кўзгалди — тумба устидаги телефонга қаради: хабар бормикан?.. Бир муддат ўйланиб турди. Кейин рақам берди. Терди-ю ўчирди. Хона ичида у ёқдан бу ёққа юрди. Ташқарига — дарахтга қаради: у баҳор-куз сафари мобайнида обдон ҳоригандек туюлди: кеч кўзнинг изгиринли шабадасида бутуқлари майин титраб, улардан дув-дув ёмғир сувлари кўзёшлар каби тўкилар, тўкилар ва яна тўкиларди...

Туйқус Оташнинг ичи титраб кетди. Ўзини илк кез ёлғиз — Солиясиз ҳис қилди. Эшитяпсизми, илк кез... Ҳеч қачон бундай бўлмаганди, ҳеч қачон!.. Кутурган сувларда



гарқ бўлаётган шўрлик янглиг хасга ёпишди — беихтиёр яна ўша рақамни терди. Телефон узоқ вақт чақириб турди. Кейин... Кейин Солиянинг, ўша Солиянинг овози келди, ўша овози!.. Фақат... фақат уйқу аралашганди унинг овозига.

— Алло... Ким?

— Солия!.. Бу — мен!.. — деди дийдираб. -Кеча... кеча келмадинг...

— Ҳозир... беш-ўн дақиқада ўзим қивораман.

Оташ бир галати бўлиб олди. Телефон аппаратини иккала қўлида маҳкам ушлаб олганча кутди: дам ўтириб, дам тик туриб олди. Аввал беш дақиқа кечди, кейин беш ўнга айланди. Бироқ телефон соқов эди. Кейин яна беш, беш, беш... Оташ ҳисобдан адашди. Вақтнинг бунчалар узун, мўл-кўл бўлишини шу ёшга кирибгина ҳис қилди. "Кутсанг, улар ҳам узайиб кетаркан", деди у ўзига-ўзи.

Бу орада тушлик олиб келган ҳамшира унинг кўп ҳаракат қилмаслигини, дориларни овқатдан кейин албатта ичишини тайинлади. Оташ бу ғамхўрликни кулибгина қабул қилди. Кейин яна ҳовучидаги матоҳга кўзини тикди...

Орадан анча фурсат кечиби, остонада яна пайдо бўлган ҳамшира бир қўл тегизилмаган тушликка, бир эса телефонга жиннига ўхшаб термилиб ўтирган Оташга аланг-жаланг қаради. Лекин юрак ютиб бир нима демади. Бошини маъноли чайқаганча овқатни аравачасига юклади-кетди...

Ниҳоят, тошдан садо чиқди деганларидек телефонга забон битди.

— Ассалому алайкум, Отабек ака. Узр, кеча ўтолмадим. Кечкурун қайнимнинг тувилган кунига борадиган эдик. Сочимни эргалабдан бўятиб олувдим, денг. Кўрмайсизми, кунни бўйи эзиб ёмғир ёғди. Уйдан чиқолмадим... Кечкурун амаллаб ресторанга бориб келдик... Ёмғир тиниб қолса, дугонамнинг — Арофатнинг машинасида бугун ўтиб қолармиз. Бораётиб телефон қиламиз, манзилни унга яна айтиб берарсиз. Мен йўлни билмайман...

Солия тагин нималардир деди, лекин Оташ уларни эшитмай, эшитса ҳам сўзларнинг магзини чақмай қолди. Кўз ўнгига дунёни зулмат қоплай бошлади. Довдираб коридорга, ундан эса ташқарига юрди.

— Бемор Набиев, сизга кўп ҳаракат мумкин эмас, кириб ётинг.

— Хўп...хўп.. қайтаман ҳозир, — деди сўровчига қиё ҳам боқмай Оташ.

Бир пас ўтиб кўчага чиқиб олди. Такси тутдию шаҳардан ташқарига — уйига қараб йўналди. Ташқарида ҳайдовчини куттириб, ичкаридан нимадир олиб чиқди — дастрўмолга ўроғлиг нарса эди у. Чамаси, Оташ шу тарзда ҳисоб-китоб қилди — киракашга пул ўрнига нимадир тутқазди. Шундан кейингина ҳайдовчи шаҳардан узоқда, адирликларнинг пойидан ўрмалаб кетган йўлдан ҳам анча ичкарида жойлашган кўримсиз уйни ортда қолдирганча изига қайтди.

Оташ тўғри омборга қараб кетди. Омбор эшигининг баланд кесакисига оёғини уриб, ичкарига отилиб кетди. Лекин шу заҳотиёқ кўзғалиб, оёққа қалқди.

Эшикдан тушган ёруғликда пайпасланиб ниманидир олди, кейин йўлни тўғри устахонаси томон олди... Қўлида оғирроқ идиш бор эди — майишиб юрарди.

Устахона кенг, ёруғ ва юзлаб суратлар билан шундай безатилган эдики, кирган одамнинг хаёли қочарди. У ерда ҳам дарахт ва яна ўша аёлнинг турлитуман суратлари осиглиқ турарди. Илинмаганлари ҳам аллақанча эди. Бироқ Оташнинг шу тобдаги кўнгил манзараси устахона ичидагидан юз, минг, милён... карра муҳимроқ, сирлироқ ва кўрқинчроқ туюларди... Оташ идишдаги суюқликни полга, деворга, ундаги суратларга сепиб юборди. Шунда хона ичи бензин ҳидига тўлиб кетди. Бурчақдаги стол тортмасидан чақмоқни қўлига олган Оташ ниҳоят ҳаракатдан тўхтаб, чуқур-чуқур нафас олди...

Қулоқлари остида аввал ўз сўзлари жаранглади: "Бугун келмасанг, бўлмайди, Солия! Ўтинаман: кел!.."

Кейин эса Солиянинг овози қулоқларига урилди: "Эргалабдан сочимни бўятиб олувдим, денг... Кўрмайсизми, кунни бўйи эзиб ёмғир ёғди... уйдан чиқолмадим..."

Оташ жон аччиғида чақмоқни ёндирдию устахонанинг тўрида илинган ҳашамдор ҳошияли суратга — ўзига жилмайиб боқиб турган Аёл суратига қараб отди... Олов бир силкиниб олд-да, баравж ёнганча суратни ямлай бошлади. Олдин аёлнинг сарвдек вужуди, кўнгироқ сочлари, кейин ойдек юзи ёнди. Фақат... фақат кўзларигина ёнмасди. Улар тилларанг оловнинг аёвсиз қиличларидан омон қолаётгандек туюлди. Оташ уларга — кўзларга нимадир демоқчи, балки улардан ниманидир сўрамоқчи, ўтинмоқчи бўлди. Бўлдию, оғиз ҳам очолмай тутилди: чунки... чунки кўзлар оловнинг тафтида ўзгариб, уларда муҳрланган маъно эврилди — аёлнинг, бир пайтлар Оташга чексиз муҳаббат ила боққан ўша аёлнинг соҳир кўзлари қаҳратон қишнинг энг аёзли кунидек совуқ йилтиллаб ўтди. Ва худди шу лаҳзада оловнинг қўли баланд келди: кўзлар оловга ем бўлди...

Даҳшатли манзара Оташнинг кўз соққаларида бир зумгана акс этди, бир зумдан кейин эса у ерда гуриллаб ёнаётган оловнинг тиллари гадонинг кўкка очилган қўллари янглиг қотди-қолди...

...Бу орада ташқарида ёмғир тинди. Эҳтимол, бу ҳам Яратганнинг бир марҳаматидир. Шаҳар четида — чақирсанг, биров эшитмайдиган бир канорда ловуллаб ёнаётган уйга сув сепиб ўчиришни ва шу янглиг ичкаридаги ошиқ йигит чекаётган азобнинг яна ва яна давом этишини истамагандир... Ахир, хом сут эмган бандалар бўлсак, каерда ҳикмат борлигини биз қайдан билармиз?..

Биз қайдан билармиз, "ёмғир тинди", дея балки Солия ҳам алламбало фасонга солинган гўзал сочларини кўз-кўз қилганча уйдан чиққандир ва ҳали замон кардиология касалхонасининг охириги қават, лифтдан ўнга қараб юрганда энг четдаги оппоқ эшигини чертиб қолар... Биз қайдан билармиз...



Муҳаммад ИСМОИЛ

# Шаънинга шеър излайман, Ватан!

Мен бир шеър излайман,  
ҳар кун бир бор,  
ҳар кун ўн бор, юз бор  
айтардим, қалбдан.

Навоий шаънинга  
битса гар ашғор,  
бугун мадҳ айласа,  
арзийсан Ватан!

Чўққиларда тугён —  
пурвиқор, аъзам.  
Сени таърифлайди  
минг йилдан буён.  
Мен бир шеър излайман,  
унда бўлса жам  
Тоғлар бағридаги  
ватанпарвар қон.

Милён, милён одам  
келди, кетдилар.  
Ёзмоққа тақазо қилмай  
вазият.  
шу Ватанга меҳр  
изҳор этдилар —  
Кўкларда у маъсуд,  
шеърий васият.

Не-не қитъаларда  
ҳилпираб ял-ял  
Шеър айтди, сен тиккан  
муқаддас байроқ.  
Тинчликка зор эллар,  
боққанин зарҳал,  
Олтин мисраларда  
лозим шарҳламоқ...

Нур балқди.  
Ватан қад кўтарди, музаффар.  
Ер шарин айлади,  
мунаввар, кўркам.  
Мустақиллик тожи,  
минг йил муқаррар,  
Тоъле қуёшидир  
бошингда, ўлкам.

Сен — озодлик истаб  
ёнган кўздаги  
Сени дуо этган, севган,  
алқаган.  
Борлигиндан бахтли,  
хуррам юздаги  
Меҳру-муҳаббатдан  
юксалдинг, Ватан!

Темур бобом учун,  
ҳикмат берилиб,  
Тирилмоғин Худо  
этса ихтиёр.  
Соҳибқирон бугун  
мағрур керилиб,  
Қиларди эй, Ватан  
сендан ифтихор.

Аммо ишонаман  
шу юртдан ўтган  
Азиз авлиёлар  
арши аълода,  
Жамулжам бўлишиб,  
сен учун Ватан  
Туну кун дуода,  
ҳамду санода.





Жаҳон минбарлари,  
шоҳсупалари,  
Саҳнасида номинг  
янраган маҳал.  
Гулдурас қарсақлар,  
олқишлар бари,  
Шону шавкатингга  
тиклади хайкал!  
Кеча эрксиз эдинг,  
қилдим таъналар  
Қўшилиб йиғлашни  
ўйламаганман.  
Бугун юртда экан,  
тўй-тантаналар  
Наҳот, севинмоқни  
уддаламасман.

Ватан, сен лойиқсан,  
ҳазрат Навоий  
Бугун улугласа,  
шарафлаб шеърда.  
Ёки камолнинг  
кўриб, фидоий  
Янги Навоийлар  
туғилса эрта.

Яшар ва курашар  
ҳар ким аҳд билан  
Бугун бор, эртага  
бўлмасан, аммо  
Энг гўзал у шеърни  
жону жаҳд билан  
Шаънингга айтмасдан  
ўлмасан, асло!

#### ЧОРАЛОВ

Эй, азиз эл, азиз жон қадар,  
Ендинг зулм тўсиқларини.  
Куйлайлик, кел, озод, музаффар  
Мустақиллик қўшиқларини.

Буюклигинг қайтди қайтадан,  
Мустақиллик иноят бўлди.  
Азиз этди бизни Яратган,  
Танлаганинг ҳидоят бўлди.

Муслим эдик Қуръон кўрмаган,  
Уммат эдик исломдан йироқ.  
Қизил девор кўчиб ўртадан,  
Англаб етдик недир яшамоқ!

Агар тирик бўлганда Чўлпон,  
Кўриб элнинг хуш кунларини,  
Куйлар эди биз билан хушхон,  
Мустақиллик қўшиқларини.

Асрларки заҳмат чеккан эл,  
Жаҳолатда ёнган жон учун  
Мангу машҳур ўзбек деган эл,  
Она каби жонажон учун.

Бор овозда куйлайлик дилдан  
Енгиб ғафлат тўсиқларини.  
Миллат шаънин улуглайдиган  
Мустақиллик қўшиқларини.

#### ШИОР

Танграм, бир юрак бер, оташ бер қайноқ  
Меҳру муҳаббатим билмасин поён.  
Шу элни, шу юртни, алқаб беадоқ,  
Севиб яшай ҳар он, ҳар кун, ҳар қачон!

#### ХОРИЖДА

Жиринглар қўнғироқ, салом, қандайсан?!  
Сўхбат давом этар, чўзилар узоқ...  
Дехлида эканим, мен ҳам айтмайман  
Сўз мавриди келса айтаман бироқ.

Нетай сафардаман. Нима фарқи бор?!  
Ҳинд ҳам ўзимиздай, ҳамма ҳам одам.  
Тошкентни Дехлига алишмам зинҳор.  
Алмашмоқ истаган эмас улар ҳам.

Қўшига телефон қилган сингари  
Лондонга боғланмоқ мумкин бир зумда.  
Кафтдай бўлиб қолди, бутун Ер шари  
Бугун ўзбеклар бор, Парижда, Римда.

Баъзи мамлакатнинг раҳбари каззоб,  
Улар қизғанади давлатларини.  
Ҳимоя дейди-ю, беради азоб,  
Тамбалаб юртининг сарҳадларини.

Инсон нима истар, дўстлик истайдир,  
Қардошлик, фароғат, бахт истар фақат.  
У меҳнат қилар ва яхши билгайдир,  
Инсонийлик - миллат, муҳаббат - миллат.

Ҳар кишининг юрти, ирқи бошқадир  
Инсон йўқ тилидан, динидан тонган.  
Аммо ҳар жойда бир, инсоний қадр  
Тарқаган ҳамма бир ота-онадан.

Ёлғиз, якка турган эл бутун эмас,  
Ҳар кимга бўлса ҳам қондоши суюк  
Ўзгани хўрлаган, камситган эмас,  
Барчани тенг кўрган, одамлар буюк.

Дехли кўчасида юрибман, бекман,  
Қаддим тик, сўзим сўз, азиз меҳмонман.  
Чунки, мен келганман, олам тан берган,  
Барча элларга дўст Ўзбекистондан.

#### ТОШКЕНТ

Сен, шаҳарлар ичида сарвар  
Манглайингда порлоқ тож, Тошкент.  
Тоғлар ичра юксалган, шаҳар  
Ҳар бир тошинг Кабъатош, Тошкент.

Тинчлигимиз тимсолисан - сен,  
Доим бўлгин бизга бош, Тошкент.  
Ҳеч бир шаҳар келолмайди тенг,  
Улар - юлдуз, сен - қуёш, Тошкент.

Буюкларга бешик - шаҳримсан,  
Даҳоларга олтин остона.  
Эй, азим Шош, сенинг қалбингдан  
Зиё тарқар жумла жаҳона.

Илк бор ислом давлати учун  
Қучоқ очган Мадина мисол,  
Пойтахт бўлдинг шавкатли бугун,  
Келганида юртга Истиқлол.

Ер юзида миллионлар кутган.  
Хурриятга пойтахтсан, Тошкент.  
Тинчликпарвар элларга нурсан,  
Бахтсан, бахтга пойтахтсан, Тошкент!

Сендан рози бўлсин Она Ер,  
Танграм бермиш эрк, иноятни.  
Сен, абадий, бошлаб боравер,  
Саодатга, инсониятни!

\* \* \*

Танграм! Бу чархи дун бунчалар айёр,  
Ҳеч ким менинг каби ҳайрон бўлмасин.  
Боримга шукур деб, турибман тайёр,  
Шарҳи гамим асло, дoston бўлмасин.  
Илми қурол эт, сабримни либос  
Пир деб турганларим шайтон бўлмасин.  
Сен учун дўст билсин, ким дўст бўлса хос,  
Дўстим сени билмас, инсон бўлмасин.  
Кимни ардоқласам, яхши деб ҳайҳот  
Қиёматда ҳоли ёмон бўлмасин.  
Барокат нури-ла зарланмиш ҳаёт  
Заҳримни сомон эт, исён бўлмасин.  
Ишончим хазинам, оғизлик фаҳрим  
Қалбимнинг роҳати ибодатдадир.  
Бор шавқим, рағбатим, сенгадир Танграм  
Дардимнинг тоқати итоатдадир.  
Ер шари Аршингда заррадир зарра  
Меҳрингдан мосуво хазон бўлмасин.  
Ҳар онда, ҳар қачон, минг бор, минг карра  
Мадҳинг янграмаган замон бўлмасин!

#### ДАСТХАТ

Сиз энг гўзал қиз, лойиқсиз тахтга  
Ҳусн оламида подшоҳсиз, хонсиз.  
Лойиқсиз, дунёда энг катта бахтга  
Энг улкан севига лойиқ, инсонсиз!



**SM8**

Сизни севиб қолиб, бўлдим айбдор.  
Энди шу ишқ учун тўлайин қарзим.  
Токи, жон бергунча бўлай вафодор.  
Токи, жон чиққунча қилайин таъзим.

**ЎТТИЗ ЁШ**

Ўттиз ёшида эл шоирни танимаса гар,  
Қизга ўхшар, ўттизда ҳам чиқмаган эрга.  
Ўттизда ҳам фарзанди йўқ, йигитга ўхшар  
Энди шоир қўёлмайди айбларни шеърга.

Шеърсевар бу элда айб йўқ  
кийдирмаса тож.  
Қиз майлига ишқи оташ  
элни дер айбдор.  
Йигит майли шу болажон  
халққа отсин тош,  
Аммо шоир ўзидан айб излаши даркор.

Балки унга берилмаган асли Худодан  
Вақти келиб балки ўзин олмаган қўлга.  
Балки кўзин узмагандир молу дунёдан,  
Балки юрган, шоир аҳли юрмаган йўлга.

Балки эркин сотгандир у амалдорларга.  
-Асл шеърнинг овозидир-виждон овози.  
Ўзи билмай айлангандир, лаганбардорга,  
Хушомадда, иқтидорнинг битган парвози.

Ундай касни ҳеч замонда кечирмайди шеър.  
Гар замонга айб қўйса ҳам ҳеч шиномасман,  
Ҳар замонда шерлигича қолаолган шер,  
Аммо қўйни ҳеч бир замон шер қилолмаган.

Балки қизлар ўттиздан сўнг чиқарлар эрга  
Ўттиздан сўнг уйланмоғи мумкиндир инсон.  
Ўттизгача танилмаса шоир гар элга,  
Ўттиздан сўнг шоир чиқмас ундан ҳеч қачон!

**РАФИҚАМГА**

Биламан, вақт кетди, бахтни йўқотдим,  
Бешафқат тонмоқда, ёнмоқда ҳаёт,  
Бир умр йўлига бош қўйиб ётдим,  
Гўзал шеърлар ёзмоқ - бўлди эътиқод.

Сўз олами кенгдир, ёнмасанг беркдир,  
Ҳар бир сўз оловда, жоним гаровда.  
Тангрим, шоирлик бу — исён ва эркдир,  
Иймондир, бу — умр деган саробда.

Кимдир қаср қурди, ким бўлди донгдор  
Кимнидир кўксига тангадай нишон.  
Қўйлак келтирсам гар, севма, дедим ёр,  
— Севги рамзи эмас, бермоқ ошу нон

Шоир шеърин севмай, унинг мол-дунё  
Ва ўзин севишса шоирга алам  
Чунки, қалбнинг буюк нурларин даҳо  
Шоир ўз шеърда этгусидир жам.

Ҳақиқий шоирнинг ўзидан кўпроқ  
Шерларин севишса — бу олий мақом.  
Эзгу меваларин бермаса тупроқ,  
Ер юзида ҳаёт этмасди давом.

Меъмор мақтагандай қурган биносин,  
Богларин алқаган сингари богбон.

Юксакка чорлаган мангу маросим —  
Шоирнинг фахридир — шеър ила достон.

Ўзимни севсанг-у шеърларимни ҳам  
Севсанг, демак эл ҳам севади бир кун.  
Демак, шеърим яшар бир кун ўлсам,  
Сен ва шу эл мени севгани учун!

\* \* \*

Ошиқ аҳлига асли,  
Айрилиқсиз замон йўқ.  
Ёнганда ҳижрон фасли,  
Ҳайқириқсиз забон йўқ.  
Юрак ўртанар ғамда  
Не кўрмадим оламда.  
Ёрдан айрилмоқлик ҳам,  
Бор экан пешонамда.  
Ўтиб кетар дегандим,  
Баҳор фасли ёғди қор.  
Қанча ёниб севгандим,  
Шунча хорман, шунча хор  
Қанча бахтга зор бўлсам,  
Шунча эдим бахтиёр.  
Тақдиримга ташлаб ғам,  
Энди ёгаётир қор  
Ёрга етмоқдан ўзга  
Ишқ аҳлига армон йўқ.  
Ишқни тартиб этмоққа  
Қоида йўқ, фармон йўқ.  
Севги дарси бўлганда,  
Олар эдим сабоқман.  
Мағлубирман бу фанда,  
Саводсизман, муҳтожман.  
Ғам тубига чўкканман,  
Нажотдирсан — муҳаббат,  
Сен келмасанг йўқдайман  
Ҳаётдирсан — муҳаббат!

**ТУРГУНЛИК ЙИЛЛАРИДА**

Қанча шеърларимни босишгани йўқ  
Яхшидир ҳозирча босмагани ҳам.  
Керилиб юрибман, осиишгани йўқ,  
Яхшидир ҳозирча осмагани ҳам.  
Заҳар - заққумини сочишгани йўқ  
Яхшидир ҳозирча сочмагани ҳам.  
Кўкрак қафасимни очишгани йўқ,  
Яхшидир ҳозирча очмагани ҳам.  
Кун келар, менинг ҳам куним келади,  
Теграмда очилар кутилган замон.  
Озодлик зулмни албат енгади,  
Унгача қолмоғим керакдир омон.  
Унгача душмандан турибман қочиб,  
Қочиб, керак бўлса неча мартаба.  
Биламан, ҳозирча юрибман қочиб,  
Аммо келаётир қувиб ғалаба!





Қозоқбой ЙЎЛДОШ,  
профессор

# ЭЛ ЮРАГИДАГИ ШОИР

Ўзбек адабиётида ижодий тақдири гоёт мураккаб кечган адабий шахсиятлардан бири Ҳамид Олимжондир. Кейинги давр адабиётшунослигида шўро даврида ижод қилиб, эътибор топган Ҳамид Олимжон адабий меросига нигилистик қараш бир қадар ўзини сездирмоқда. Бу ҳол шоир ижодига бағишланган илмий тадқиқотлар камайиб кетганлиги, унинг асарларини қайта босиш эҳтиёж даражасида эмаслиги ва мактабларда Ҳамид Олимжон битикларини ўрганишга ажратилган вақт миқдори сезиларли озайганида намоён бўлмоқда.

Бадий адабиётга фақат бугуннинг талабларидан келиб чиқиб ёндашиш уни публицистика даражасига туширади, нафис адабиётнинг миқёсини бугуннинг манфаати қадар торайтиради. Ҳолбуки, бугун яратилаётган бадий яратиқ фақат бугунгагина тегишли эмас, у эртанинг ҳам эстетик мулки. Шунинг учун ҳам чинакам бадийят намуналарига ижтимоий-сиёсий конъюнктура талабларидан келиб чиқиб баҳо бериш нотўғридир. Аслан мангуликка, жуда бўлмаганда, умрзоқликка даъвогар адабий яратиқларнинг ўлчовлари ҳам баҳоланаётган эстетик ҳодисалар қадар миқийёсли бўлиши лозим. Олдин яшаб ўтган адибларнинг фаолиятига бизнинг бугунги ижтимоий манфаатларимизга мос келишига қараб эмас, балки бадий асарларининг бетақрорлиги ва миллат маънавиятини юксалтиришга қанчалик яроқли эканидан келиб чиқиб баҳо бериш ақлга мувофиқ бўлади.

Ўтганлар биз истагандай эмас, ўзларига насиб қилганидай яшаш ҳуқуқига эга бўлганига кўникиш вақти келди. Ўтмишдан бугунни талаб этишдай носоғлом ёндашувдан жамият ва миллат катта зарар кўради. Шу маънода, бугун Ҳамид Олимжон ижоди етарлича тадқиқ қилинмаётган, битиклари кам чоп этилаётган, асарларини мактабларда ўқитишга ажратилган соатлар миқдори озайиб бораётган бўлса, бундан шоир эмас, балки ўзбек адабиёти, миллий адабиётшунослик илми, миллат маънавияти, болаларимизнинг бадий тафаккури зарар кўради. Ўтмишга нигилистик муносабат миллатнинг ўзини жазолашгагина хизмат қилади, холос.

Адабиёт илми учун бирор ёзувчининг қайси тузумга қанчалик хизмат қилгани ёки қилмаганини аниқлашдан кўра, унинг яратиқлари миллатнинг бугунги бадий тафаккури ва маънавиятига нима бериши мумкинлигини текшириш кўпроқ наф келтиради.

Ҳамид Олимжоннинг айрим асарларидаги бадий ўзига хосликни илмий тадқиқ этиш бу ижодкорнинг миллий адабиётимиздаги ўрнини кўрсатишга хизмат қилади. Ҳ. Олимжоннинг машҳур «**Ўрик гуллаганда**» шеъри адабий стереотиплардан холи равишда таҳлил этилса, шоирнинг бадий маҳорати даражаси қанчалик юксак экани яққол намоён бўлади. Жуда оҳиста, жўнгина ахборотдан бошланган ушбу шеърда поэтик тасвир хабар беришдан туйғулар жўшқинлиги, сезимлар жунбушини акс эттириш сари босқичма-босқич юксалиб боради. Шеърнинг биринчи байтида ҳиссиёт, туйғу, муносабат мутлақо акс этмайди, бу сатрлар фақат хабар ташийди, холос:

*Теразамнинг олдидан бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.*

Шеърнинг кейинги бандларида гуллаб турган ўрикнинг латиф манзараси чизилади. Ўрик гуллашида гўзаллик борлиги шаксиз, аммо у ўз ҳолича поэзия бўлолмайди. Лекин Ҳамид Олимжоннинг синчков поэтик нигоҳи ўрик новдаларидаги гулларда шунчаки кўзни қувнатувчи чечакни эмас, балки тириклик гўнчаларини кўради ва бунини ўқувчига ҳам кўрсата олади. Ўша мисраларда гулдан гўра, ундан мева, мевадан мағиз, ўрикдан кўчат деганларидек, ҳаётнинг узлуксиз давомийлиги акс этади. Шу боис уларнинг «**ҳаёт отини**» айтаётгани тасвирида сунъийлик йўқ. Ҳаётнинг шундай бетақрор гўзаллигидан ўзгалар ҳам баҳраманд бўлишини истаган шоир гулнинг тотини олиб кетган «**шаббод кўргур**»дан гахланмаслиги тасвирининг чинлиги ҳам шундан.

Шоирнинг гуллаган ўрикни кўриб тўзгиган ҳаёлига бахтлиманми деган ўйнинг келиши бир қараганда тасодифийга ўхшаб кўринсада, мантиқий асосга эгадир.

Чунки одам гўзалликни туя олганлигининг ўзи билан бахтиёрдир. Бинобарин, гўзаллик оғушида қолган шоирнинг бахт ҳақида ўйлашида заррача гайритабиийлик йўқ. Эндигина йигирма саккизга кирган истеъдодли, соғлом, келишган шоир йигитнинг бахтли эканлиги шеърда ишонарли ва тўғри акс этган. Айримлар: «Бутун мамлакатда шафқатсиз ва қонли қатагон кетаётган бир даврда шоир одам бахт ҳақида ёзиши мумкинми?» — дея Ҳ. Олимжондан ҳам хафагезаклик ва ижтимоий инкор акс этган асарлар талаб қиладилар. Айтиш керакки, бахт ҳам, бахтсизлик ҳам на оммавий, на узлуксиз ва на тузумга боғлиқ бўлади. Шўро тузумида ҳамма ҳаммиша бахтсиз бўлган дейиш ҳам, мустақилликка эришилгандан кейин мамлакатда бирорта бахтсиз одам қолмади, дейиш ҳам, кам деганда, соддаликдир. Бахт ва бахтсизлик ғоят ўткинчи, ичкин ва шахсий ҳодисалардир. Ҳеч қачон ва ҳеч қандай ҳолатда ҳамма ёппасига бахтли ҳам, бахтсиз ҳам бўлмайди. Инсоният алоҳида руҳиятга эга шахслардан ташкил топган экан, одамларнинг бахту бахтсизлиги ҳам алоҳида бўлаверадики, шеърда бу ҳолат ҳаққоний акс этган.

Тўғри, шеърда *«Бунда толе ҳар нарсадан мўл, То ўлғунча шу ўлкада қол»* типдаги «қизил»роқ бадий тасвирлар ҳам бор. Лекин бу ифодага лаҳзалик кайфиятини мангуликка муҳраётган ёш ва омадёр санъаткорнинг янглиш, аммо самимий эътирофи сифатида қараш керак. Шеърда гул билан бахт мувозий кўрилади. Гулни бахтиёрлик тимсоли санаган, оппоқ гуллар оғушида қолганидан туйғулари жунбушга келган шоир ўз қувончини барчанинг туйғуси тарзида тақдим этади. Шу сабабли *«Урида ҳеч гул кўрмай йиғлаб Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда. Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»* мисралари ҳам самимий дил изҳори сифатида, ҳам тирикларнинг ўтганлар ёди олдидидаги бурчдорлиги ифодаси тарзида қабул қилинади.

Шоирнинг поэтик маҳорати шеърнинг бошида келтирилган икки мисрани шеър сўнггида ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз такрорлагани ҳолда кучли бадий самарага эришганида кўринади. Шеърнинг бошида бу мисралар фақат хабар ташиган бўлса, охирида шоирнинг ҳиссиёт дунёсини долғага солган ҳолатнинг тимсоли даражасига кўтарилади.

Ҳамид Олимжон поэтик маҳоратини намоён этишда унинг *“Ҳолбуки тун”* шеъри ҳам ўзига хос ўрин тутатади. Ғоят жозибатор тилда битилган, гўзал ўхшатишлар, кутилмаган образли ифодаларга бой бу асар ўқувчини сеҳрлаб қўяди. Шеър, биринчи навбатда, ўзига хос мусиқийлиги билан эътиборни тортади. Бунда дастлабки беш мисранинг алоҳида ўрни бор:

*Шағирлайди бетиним дарё,  
Шағирлайди ваҳм тўлган жар.  
Шағирлайди қоронғи дунё,  
Шағирлайди водий, даралар.  
Шағирлайди... Бермайди уйқу...*

“Шағирлайди” сўзининг ҳар мисра бошида такрорланиши ўқувчида муайян кайфият уйғотиши билан бирга шеърнинг ички мусиқасини ҳам тайин этади. Бир сўздаги “ш”, “ғ”, “р”, “й” каби сирғалувчи ва сонор товушларнинг бир маромда беш бор қайтарилиши оҳанг орқали сув, тун, ҳаво каби ҳодисаларнинг сезилмас ички оқими динамикасини ифода этишга хизмат қилади.

“Шағирлаш”, яъни бутун очун ором оғушига чўмган тунда ҳам ҳаётнинг тўхтамаслиги шоирни безовта қилади. Унинг хаёллари паришон бўлиб, тинчи йўқолади. Беором тириклик унинг уйқусини ўчириб, мудроқ тушунчаларини сергак торттириб, вужудида, руҳида *“бир изланиш”* бошланишига олиб келади.

Туннинг сокинлиги алоҳида таъкидланган учинчи банднинг сўз қурилиши жозибаторлигига эътибор қилиш лозим. Банддаги *“Бутун борлиқ ухлардай сокин”* мисраси тил қоидаларига мувофиқ *“ухлаётгандай сокин”* ёки *“ухларди сокин”* йўсинида берилса, шеърнинг бутун жозибаси йўқолган бўларди. Шеърни шеър қилиб турган энг ноёб ва топилмас ягона унсурни ўз вақти ҳамда ўз ўрнида ишлата билиш шоирнинг маҳоратини кўрсатади.

Шеърнинг кейинги бандидаги *“Сойга тушдим, кўкка чиқди ой”* тарзида қаҳрамон ҳаракати билан ойнинг ҳолати ўртасидаги зиддиятли ҳамоҳангликнинг сеҳрли ифодаси ўқувчини ром этади. Эътибор қилинг! Бирданига иккиланган, қўшоқ зидлаш: ҳам макон (сой ва кўк), ҳам ҳаракат (тушиш ва чиқиш) бир вақтнинг ўзида ёнма-ён ва қарама-қарши қўйилиши билан тасвир ўзгача жозоба, тиниқлик касб этган.

Кейинги бандда кўзларида юлдузлар акси порлаган қаҳрамон билан бағрига ойни сингдириб, ўзига сирдош қилган сойнинг зилол суви ҳолати янада жонли ва таъсирли чизилган. Олтинчи бандда ҳам “зиллол” сўзи ишлатилади, лекин энди бу сифатлаш сувга эмас, булутга татбиқан қўлланилади. Одатда булутга нисбатан бундай ташбиҳ ишлатилмайди. Лекин шоир кўкдаги булутнинг сой сувида аксланаётганини тасвирлаганлиги учун ҳам ифода ҳаётини мантиқ ва бадий жозоба касб этади.

Ўта романтик ва лирик йўналишдаги шеърга самолётнинг парвози тасвири ҳам бежиз киритилмаган. Учоқ тимсоли вақтнинг тиним билмаслиги, уни тизгинлаш учун одамнинг хаёлотини ва амалларига қарқин, яъни суръат кераклигини туйдиришга хизмат қилади. Шеърдаги *“Қуршамшиди уни ҳаяжон”* тасвири ўқувчини ўйлантириб қўяди. Ҳаяжон нимага тегишли: кўзгами, қўлгами, қоғозгами? Айтилганларнинг бирортаси ҳам ҳаяжон қуршайдиган яратиклар эмас. Фақат нарсани сезимга айлантган, оламни кўнгилга жойлаган шоирона тасаввургина қаламни ҳаяжон кучоғида тасвирлай олади. Шеърнинг поэтик мантиғига мувофиқ шоирнинг кўнглини эгаллаган ҳаяжон унинг қаламни ушлаган қўлларига, ундан қаламга ўтган. Натижада, *“Бир интилиш, бир орзу”* уни домига тортган. Шоирнинг бу кайфияти ўқувчига ҳам юқади. Абдулла



Ориф: *“...лирика руҳнинг сувратидир”*, — деганида шунга ўхшаш ҳолат ифодасини кўзда тутлади.

Шеърнинг бошида тасвир дарёнинг шағирлашидан дунёнинг шағирлаши томон борган бўлса, тугалловчи бандда оламнинг шағирлашидан дарёнинг шағирлаши сари қайтганлиги тасвири берилиши асарга сирлилик бахш этган.

«Ўрик гуллаганда» шеърида ёруғ нур қанчалик кўп бўлса, «Офелиянинг ўлими»да зулматга чўмган руҳият тафти шунчалик устувор. Ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам пок, уларнинг ниятларига гараз, амалларига ёвузлик аралашмаган. Лекин ҳаётнинг ўзи нопок ва шафқатсиз, одамлараро муносабатларда эса ёвузлик ҳукмрон. Шу сабаб севги топталади, гўзаллик ўлим топади. Шеърнинг лирик қахрамони — ақлга сиғмас адолатсизликни кўриб, саросимага тушган киши. «Ўрик гуллаганда» ўқувчини бахтдан энтиктирса, бу шеър бахтсизликдан нафасни қайтаради. Кўринадики, Ҳ. Олимжон фақат шодликни қуйламаган, балки ҳамisha бахтга интилган инсоннинг умр йўлидаги қоронғи ва ёруғ бекатларни ҳаққоний акс эттирган.

Шоир лирикаси қиёфасини тайин этишда унинг тўрт байтдан иборат ихчамгина *«Куйгай»* газали ҳам алоҳида ўрин тутлади. Газал жанридаги бу шеър, аслида, «Муқанна» мусиқали драмасидаги Муқанна ва Гулойин тимсоллари учун дуэт шаклида ёзилган. Таниқли хонандалар томонидан яккаҳон кўшиқ қилиб қуйланган бадий жиҳатдан юксак бу шеърга газал тарзида ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Мусиқали драма либреттосида шеър куйидаги кўринишда берилган:

Гулойин

*Сўзингни шарпаси текканда олам боб-боб куйгай,  
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки кўлларда ҳубоб куйгай.  
Муқанна*

*Камондек қошларинг киприкларингдан ўқ отар доим,  
Гулойин*

*Сенинг ёдинг билан тинмай, ҳама нозу итоб куйгай.  
Муқанна*

*Ёниб ишқингда қалбим кулга айланса ажаб эрмас,  
Кўзинг осмонга тушганда ловуллаб офтоб куйгай.*

Гулойин

*Олай тоқатни қайдин кўзларингга ҳеч қаролмайман,  
Муқанна, Гулойин*

*Тушибдир учқунинг бағримгаки, гўё китоб куйгай.*

Газалдаги дастлабки байт Гулойинга тегишли эканида катта ҳаётий мантиқ бор. Унда қиз тилидан Муқаннанинг эрк йўлидаги оташин сўзлари оламни куйдириши муболағали йўсинда арз этилади. Муқанна тилидан берилган мисрада сулув қизга маҳлиё йигитнинг иқрори бор, холос. Бу ўринларда ҳар икки тимсолнинг сўзларида руҳий ҳолатлари ҳаққоний акс этган. Иккинчи байтнинг иккинчи мисрасида Гулойин Муқанна кўрсатган эрк йўлида ҳамма нарсасини куйдирганини таъкидлайди. Газалнинг шохбайти Муқанна тилидан битилган. Унда Гулойиннинг чиройи гулу даражасида ифода этилади. Яъниким, қизнинг кўзи осмонга тушиб қолса, сулувнинг жамолидан кўкдаги офтобнинг ловуллаб куйиб кетиши мумкинлиги айтилади. Бу шеърда бир-бирига муҳаббат қўйган ёшларнинг қалб изҳори улкан санъаткорлик билан акс эттирилган.

Газалда икки оташин қалб туйғулари тасвирида шоирнинг поэтик маҳорати, инсон ҳиссиёти товланишларини бутун инжалиги билан бера олиш салоҳияти ёрқин намоён бўлган. Ҳ. Олимжоннинг маҳорати сабаб аслида икки қалб тугёнининг поэтик

ифодаси бўлмиш шеър бир кишининг яхлит ҳиссиёти, кечинмаси тасвиридай таассурот қолдиради. Байтлардаги бири-бирдан келиб чиқувчи кўп босқичли тасвир силсиласи сабабли бу газал ошиқнинг маъшуқага мурожаати тарзида қабул этилади. Чин севги учун туйғунинг эгаси эмас, ўзи муҳим бўлганидек, газал мисраларидан бири Муқаннага, бошқаси Гулойинга тегишли экани ҳам деярли сезилмайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ҳамид Олимжоннинг шеърини курашчан моҳият касб этди. Шоирнинг ўшандай асарларидан бири 1942 йилнинг май ойида ёзилиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 29 октябрь сонидида босилиб чиққан *«Севги»* шеъридир. Шеърда фронтга кетаётган йигит ва севгилисини қузатаётган қиз ҳолати акс этган. Маълумки, муҳаббат жой ҳам, вақт ҳам танламайди. У жамиятдаги вазият, одамлар орасидаги муносабатлар билан ҳисоблашолмайди. Бинобарин, уруш ҳам севгига тўсиқ бўлолмайди. Лекин муҳаббат забт этган кўнглининг эгаси ҳам севги билан, ҳам уруш билан ҳисоблашиши керак.

Шеърнинг биринчи бандида хайрлашув ониди ошиқ сўзларидан ўзини йўқотган маъшуқа ҳолати акс эттирилади. Йигитнинг: *«Бутун ёшлигимиз жангдадир бу кун, Жангда ечилмоқда севги қисмати»* сўзлари унинг шахсиятига хос белгиларни акс эттиради. Уруш доим катталар томонидан бошланади, лекин унинг азобини ёшлар тартади. Шу маънода, юқоридagi икки мисрада ҳам урушнинг, ҳам ҳаётнинг моҳияти ифода қилинган дейиш мумкин. Тасвирнинг самимияти шундаки, дунёда адолат ўрнатмоқ учун урушга отланган йигитнинг кўзларида нам кўриниши таъкидланади. Бу — табиий ҳол. Чунки унинг кўнглида: *«Агарда қайтмасам шу мenden ёдгор»* тарзидаги хавотир нақд турибди.

Шеърда тасвирланишича, маъшуқа ошигининг гапларига жавоб бермайди. Эҳтимол, бу ўзбек қизига хос тортинчоқлик ифодасидир. Лекин қизнинг кўнглидан ўтаётган ўйлар тасвири жуда экспрессив, туйғулар ҳассос: *«Сенсиз ололмасман асло мен нафас, Ўлимдан оғирдир сендан ажралиш»*. Қизнинг руҳий ҳолати акс эттирилган тўртинчи банд шеърини кашфиётга тўлаллиги билан ажралай туради. Қизнинг: *«Торгина қалбимга кенг дунё қафас»* иқрориди теран маъно ва улкан шеърини жозиба бор. Дунёнинг кенглиги, қалбнинг кичиклиги маълум тушунчалар. Лекин торгина қалбнинг кенг дунёга сиғмаётгани, дунёнинг унга қафас бўлиб кўринаётгани ифодаси бадий кашфиётдир.

Шеърнинг кейинги бандларида ошиғи ортидан жангга жўнаган маъшуқа ҳолати: *«Орқангдан қолмасдан жўнадим жангга, Кўзи кетган каби қўйнинг изидан. Гўё қуёш ойни қузатганидай, Ўт бўлиб орқангдан кезмакдаман ман»*. Шеърда қиз қўллаган ўхшатишлар халқнинг дoston ва қўшиқларидан олингандай туюлади. Кўзи қўйнинг изидан юриши бир умр элибойлик қилган ҳар бир ўзбекка таниш. Шунингдек, келишган ва кўркам йигит-қизларни ою қуёшга ўхшатиш ҳам ўзбекнинг дидига хос жиҳатлардир.

Шеърнинг олтинчи бандида жуда нозик руҳий товланишлар тасвирланган. Унда жанг қилаётган йигит элини ўйлаши айтилгани ҳолда қизнинг ҳолати: *«Мен ҳам қасос олиб тўкмакдаман қон, Элим ва ёримнинг номи дилимда»* тарзида ифодаланади. Бу сатрларда чиройий эстетик эффект билан бирга, кучли ҳаётий мантиқ ҳам акс этган. Йигит суюкли қизини алоҳида тилга олмайди. Чунки у эл деганда севгилисини ҳам назарда тутлади. Сабабки, қизнинг фронтда эканидан

хабарсиз йигитнинг назарида маъшуқаси ҳам эли билан йироқларда қолган. Эркаклар қатори жанг қилиб, душмандан қасос олаётган қиз эса суйганининг жангда эканини яхши билади. Бинобарин, у ёрининг номини дилида тутиши тасвири ишонарли ва асосли. Шённинг қуйидаги мисраларида муҳаббат ва уруш тимсоллари қоришиб кетган ҳолда тасвир этилади: **“Сенга юборганим оташин бўса, Енгил шаббодадек учар ҳавода. Жанг бўлган жойлардан лабингни излар Ва баъзан дарбадар кезар самода”**. Бу мисраларда уруш даврининг муҳаббати ҳам мавжуд шароитга мос ҳарбий йўсинда акс эттирилганини кўриш мумкин.

«Севги»нинг қаҳрамони — қалбига улкан эзгу туйғулар ҳоким шахс. Шунинг учун ҳам унинг: **“Дунёда албатта бир ўлмоқ бор-ку, Ҳеч ажаб эмасдир ўласак жанг аро. Ёв билан курашда оқса қонимиз, Бўлмай эл олдига юзимиз қаро”**,— тарзидаги кўтаринки сўзлари кишига сунъий туюлмади. Ишқ асарлаган юрак кўтаринки туйғуларга тўлиқ бўлади. Юксак инсоний фазилатларга эга кишилар учун шараф билан ўлиш, тубанлик билан яшашдан афзалдир. Шундай инсонларгина ўлимдан кейин ҳам ўлмасликка эриша оладилар. Шундайларгина қатъий ишонч билан:

*Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз,  
Ғалаба тўйида бўлармиз биз ҳам.  
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,  
Қадрдон элларга қўярмиз қадам —*

дея оладилар. Юқоридаги мисралардан асл одам учун жисмнинг тириклигидан кўра, руҳни покиза сақлаш муҳим экани англашилади. Шённинг қаҳрамони бурч туфайли бегона жойлар учун борган жангларда шахид бўлиши мумкин. Лекин у руҳан бўлсада, **«қадрдон эллар»**, яъни ўз ота маконига қайтишни, **«азиз дўстлар»** билан учрашишни орзулайди. Севгидай ўта интим, фақат икки кишигагина тегишли туйғун эзгулик, ҳақиқат, адолат, озодлик сингари юксак ижтимоий тушунчаларнинг қарор топишига эш ҳолда тасвир эта билиш шоир маҳоратидан далолатдир.

Ҳамид Олимжон ижодида **«Муқанна»** драмаси алоҳида ўрин тутади. Адиб пьесани 1937 йилда ёза бошлаган. Шу йили шоир боши устида ҳам қора булутлар тўплана бошлагач, асар устидаги иш тўхтаб қолган. Уруш даврида тарихий мавзуларга қўл уриш имконияти кенгайди. Чунки ўз шонли тарихдан хабардор бўлиш халқнинг фашизмга қарши курашиш истагини кучайтирар эди. Ҳ. Олимжон уруш берган имконият туфайли 1942 йилнинг бошларида асарга қайта киришиб, ўша йилнинг 12 февралда биринчи парданинг янги нусхасини, 31 майда эса, тўрт парда саккиз кўринишли пьесани тўлиқ тугаллаган. Уруш шароитида ноширлик имконияти гоят ночор бўлгани учун асарни чоп этиб, ўқувчиларга етказиб бериш мушкул эди. Асардан олинган катта-кичик парчалар турли нашрларда босилди. Аммо уни тўлиқ чоп этишнинг имкони бўлмади. Асарнинг халққа тезроқ ва тўлароқ етиб боришини таъминлаш мақсадида унинг тўрт парда олти кўринишли мусиқали драма варианты тайёрланиб, саҳналаштирилган.

Тўлиғича қарашлар, эътиқодлар ўртасидаги кураш асосига қурилган бу асарда характерлар драматизми кучли. Маълумки, қараш ва гоьлар одам маънавиятига дахлдор қадрият бўлиб, қилич билан эмас, ақлу туйғу орқали сингдирилади. Қанчалик ботил бўлмасин бир эътиқоддан, қанчалик ҳақ бўлсада, бошқа эътиқодга ўтиш бир одам учун ҳам, бутун бошли халқ учун ҳам

огриқсиз кечмайди. Бунинг устига, ҳақ эътиқод билим ва тушунча орқали эмас, куч ҳам зўрлик билан сингдирилмоқчи бўлса. Эътиқодда зўрлаш йўқлиги, энг эзгу ниятлар билан ҳам инсон эркига дахл қилиш, унинг шахсиятига зулм ўтказиш мумкин эмаслиги драмада жуда таъсирли кўрсатилган.

Муқанна — ўз эрки ва эътиқодини ҳимоя қилмоқчи бўлаётган кишилар раҳнамоси. У билимдон, жасур ва гурурли шахс сифатида зулмга кўниқолмайди. Табиатидаги бўйсунмаслик, эрка ташналик туйғулари унга қуйидаги шаккокликни қилишга ҳуқуқ бергандай бўлади: **“Сизни босган жароҳатларга малҳам, Агар худо керак бўлса, худо ҳам, Одам ҳам ман, озодликдир шиорим, Хурриятдир топинажак Оллоҳим!..”** Аслида хурриятга эришмоқ Аллоҳга етишмоқдир. Шунинг учун ҳам Муқаннанинг сўзларини Аллоҳга қарши исён дебгина тушуниш бир ёқламалик бўлади. Асарда Муқанна кўзголови зулм-зўрликка, озод бир халқ тақдирининг бегоналар томонидан ҳал этилишига қарши ҳаракат экани кўрсатилади. Ана шу ҳаракатнинг етакчисини Муқанна тарзида тасаввур этиш ва тасвирлашнинг ғайритабиий жиҳати йўқ. Тарихий воқеликка бир қадар эркин ёндашган драматург уни ўз мақсадида мувофиқ бадиий тадқиқ қилади.

Омани тарихнинг ижодкори деб ҳисоблаган Ҳ. Олимжон Муқанна сиймосида зулмга бўйсунмаган одамни кўради. Шунинг учун ҳам бош қаҳрамоннинг: **“Йўқ, мен сизман, худди сизнинг ўзингиз, Бу кўзларим худди сизнинг кўзингиз. ...Мени кўрмак истасангиз сиз асар, Бир ташлангиз ўзларингизга назар”** тарзидаги сўзлари орқали унинг халққа қанчалик сингишиб кетганлиги алоҳида таъкидланади. Пьесада Муқанна тириклигини ватан эрки йўлига тиккан шахс сифатида тасвирланади. **“Ватан мандан бермоққа жон сўрайди...”** йўсинидаги қараш унинг эътиқодини акс эттиради.

Муқаннанинг ёвқур ва бўйсунмас, эрка ихтисослашган шахсияти умрининг сўнггидаги ўта қалтис ҳолат тасвирида ёрқин акс эттирилган. Ҳамид Олимжон бу драмани яратишдан бир неча йил олдин: **“Алломиш” ўлим ўлдирмайдиган одам тўғрисидаги достондир**,— деб ёзган эди. У “Муқанна” драмасининг бош қаҳрамонини ҳам шундай одам сифатида тасвирлайди. Муқанна, ҳатто, ўлими ҳам оламни ёритиб, одамлар кўнглига ёруғлик олиб киришини истади. У одамлар кўнглида мангу алангаланиб турадиган ўт бўлишни орзулайди:

*Оловни ёқ, волидаи муҳтарам,  
Оловни ёқ, ёрисин еру олам.  
Бугун мен ҳам оловга қўшиламан,  
Бугун мен ҳам манулик ўт бўламан.*

Муаллиф Муқанна тимсоли зиммасига жуда залворли бадиий-эстетик юк ортиб, уни инсон эрки учун жонидан кечган, шаънини жонидан ортиқ билгани боис ўлим ҳам ўлдиролмаган қаҳрамон сифатида тасвир этади. Асарда бош қаҳрамон романтик туйғулар оғушидаги фавқулодда шахс сифатида тасвирлангани сабаб унинг ўлим олдидан айтган оташин сўзлари ташвиқий чақириқ эмас, самимий дил изҳори тарзида қабул этилади:

*Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,  
Ёв кўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.  
Мен элимнинг юрагида яшайман,  
Эрк деганнинг тилагида яшайман.*



Драманинг таъсирчанлигини унинг мавзуси ёки биргина Муқанна образи эмас, балки Гулойин, Саид Баттол, Феруз сингари қатор бадиий тимсолларнинг ҳам гоят пухта ишланганлиги таъминлагандир. Асардаги бу образлар эзгулик ёки ёмонлик каби муайян гоё ёхуд инсоний хислатнинг шунчаки ифодаси, рупори эмас, балки тирик одамлар сифатида ўзларини намоён этадилар. Уларнинг табиатига хос қирралар руҳий жиҳатдан тўла асосланганлиги асарнинг ютуғини таъминлаган.

Асарда Гулойин ўз ҳаётидан қониқмайдиган изланувчан бир қиз сифатида намоён бўлади. Қизнинг жасорати ҳам, Муқаннани ёқтириб қолиши ҳам драмада унинг шахсиятига хос хусусиятларнинг табиий натижаси тарзида талқин этилади. Баттолга қарата айтган: *“Севги доим ихтиёрни истайди”* ёки *“Ишқ ўлади қаерда бўлса занжир!”* каби сўзларида қиз табиатининг асл жиҳатлари намоён бўлади. Унинг Муқаннага севгиси замирида ҳам фақат кўзни кўр, қулоқни кар қилгувчи сирли туйғуга асирликдан ташқари, ўзлигини англаш, гурур ётади. Қизни ўз кўз ўнгида ҳам юксалтирувчи, унинг бетакрор шахсиятидаги баландликни таъкидлаб тургувчи бу жиҳат Муқаннага қаратилган: *“Кўзим очдинг, мен дунёни кенг кўрдим, Ўзимни ҳам одамларга тенг кўрдим”* иқрорида яққол кўринади.

Муқанна тарафдорлари қўлига тушиб қолган уч душманнинг бир-биридан кескин фарқ қиладиган уч хил табиати драматург томонидан усталлик билан акс эттирилади. Ферузнинг: *“Мени кечир, юзи қурсин худонинг, Худосиз ҳам эди менга дунё кенг”*,— гапларида унинг чин эътиқоддан маҳрум, жонидан бўлак ташвиши йўқ орийатсиз киши экани маълум бўлади. Баттолнинг: *“Шуни билки халқ мисоли бир пода, ...Ҳайдай олиш келса агар қўлингдан, Пода юрар сен бошлаган йўлингдан”*,— деган гаплари унинг одамларга паст назар билан қараб, уларга бошқариладиган тўда сифатида қарайдиган кимсаллигини кўрсатади. Айни вақтда, унинг: *“Қиличимдан қон оққанда мен борман, ...Менга эрк бер, худойимдан тонаман”*,— йўсинидаги иқрори у қандай аъмолларга таянганини яққол намоён этади. Ўшалардан бири бўлмиш Жалойирнинг эса: *“Раҳму шафқат сўрамайман ҳеч қачон, Ном қолади, тўкилади қатра қон”* тарзидаги сўзларида юртдошларига зулм ўтказган бу ёвуз шахснинг жасоратли экани англашилади.

Ҳ. Олимжоннинг дostonлари, “Жиноят” драмаси, бир қатор балладалари тасвир ўйноқчилиги, ифода равллиги, тилнинг энгиллиги билан бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

У фақат ёзувчигина бўлиб қолмай, масаланинг асл моҳиятига етиб борадиган даражада синчков тадқиқотчи, билимдон олим ҳам эди. Адабиётнинг турли масалаларига бағишланган тадқиқотлари ханузгача ўз қимматини йўқотмай келяпти.

Хуллас, оташин шоир, сўзни оловлантирувчи публицист, моҳир драматург, теран олим, уста таржимон, тенгсиз ташкилотчи, ўтли нотик бўлган Ҳамид Олимжон адабиётимиз тарихида қачондир яшаб ўтган ижодкор бўлмай, балки бугун ҳам миллатнинг маънавий дунёсини шакллантиришга таъсир кўрсата оладиган асарлар муаллифи ва айни шу сабабга кўра, элининг юрагида яшашга ҳақли санъаткордир.



Адолат ФАЙЗИЕВА

## Учиб борай

### Кўшимга

\* \* \*

Билмам, қанча замонлар  
Тундир менинг ҳамроҳим.  
Дардим ичимда менинг,  
Фақат билар Аллоҳим.

Тонгни бедор қаршлаб  
Парвона онам яна.  
Юм-юм тўккан ёшимдан  
Дардим уқар пинҳона.

Аллоҳим ҳар бандага,  
Фақат берган бир юрак.  
Шу юракка муносиб  
Пок муҳаббат ҳам керак.

\* \* \*

Юрак тўла дард,  
Қалб тўла ғам.  
Дардлашмоқ учун  
Йўқ бирор одам.

\* \* \*

Дўстимсиз десам сизга,  
Кўнглим нега тўлмайди.  
Севганимсиз сиз десам,  
Юрак қургур қўймайди.

\* \* \*

Миттигина қуш бўлиб  
Учиб борай қошинга.  
Йўқ, йўқ, кўзда ёш бўлиб  
Томиб тушай лабинга.





ШАҲРИБОНУ

# Шикнинг шаробидан тотгим келмоқда

\* \* \*

Вужуддан юқори, онгдан ташқари,  
Ҳисдан ҳам баландроқ, туйғудан ўзга.  
У на зўрим менинг ва на-да зарим,  
Баҳорга монанд у, ўхшайди кузга.

Ёмғир ёғиб ўтиб анқиган тупроқ,  
Осмон юрагига санчилган чақин.  
У илк кўз очган гулдаги титроқ,  
Юлдузлардек узоқ, соғинчдек яқин.

У вақтнинг измига бўйсунмас, юрмас,  
Асрлар унинг-да олдида мулзам.  
Момақалдироқ у, пичирлаган сас,  
У пари чехрадир, сочлари тарам.

Мен уни англолмай қийналаман, бас,  
Юракни тилкалаб отгим келмоқда.  
Ундан воз кечмоқлик қўлимдан келмас,  
Ишқнинг шаробидан тотгим келмоқда.

\* \* \*

Севмоқ нима, бахтми ё омад?  
Икки вужуд, ягона ўзлик.  
Чегарадан чиқмоқликка ҳад,  
Фироқ, висол, сония, тезлик.

Севмоқ нима, кўнгили юртига,  
Сафармикан узоқ, хатарли.  
Ишқ ва юрак бўлғайми тугал,  
Ё у тоғми чўққиси қорли?

Севмоқ нима, музлик ё ёлқин?  
Қалб эшиги очилган қия.  
Уммонларни шопирган тўлқин  
Асрларни ютган сония.

Севги оташ — яқин йўлолмам,  
У кўзингдан юмалаган ёш.  
Сенсиз юрак бутун бўлолмас,  
Сен ва мендан бошланади ишқ.

## ГУЛАБ ҚҲЙДИ

Бемаврид ёққан қор мисоли бу ҳис,  
Мени ғам ичига қўйди-ку кўмиб.  
Сизнинг пойингизга чўкмагайман тиз,  
Мен орзу қиламан кўзларим юмиб.  
Хотирим жам менинг, сиздан кўнглим тўқ,  
Бошини эзмайди тоғларча гурур.  
Нигоҳингиз голиб — мен сезганим йўқ,  
Билмай гулаб қўйди юрак қурмағур.

## НЕ ИСТАР

Бир ойга боқамиз тунлари гирён,  
Гўё у мадакдор, дардларга малҳам.  
Ой эса бизларни кузатар ҳайрон,  
Не истар одамлар, не истар инсон?

Оддий сўз тополмам, гўзал шеър тугул,  
Баланд-наст йўлларда ҳаётим чигил.  
Қийнашдан ўзгага ярамас юрак,  
Не истар бу кўнгили, не истар бу дил?

Сендан нажот йўқдир — қоронгу очун,  
Сени маҳв этмоққа етмайди кучим.  
Сўнган олов ичра туғиларми ишқ,  
Не истар бу зулмат, не истар бу тун?

Сенинг кўзларингга қаролмайман шаҳд,  
Бош эгиб тураман ёнингда карахт.  
Менга аталгани наҳот шу азоб,  
Нимани истайсан мендан муҳаббат?

\* \* \*

Кўзларингга уйқу келмайди,  
Юрагингда яшаса титроқ.  
Кетолмайсан баридан йироқ,  
Ҳеч нимадан кўнгили тўлмайди.

Осуда тун, кўзлари ўтли,  
Ўқир кўнглим очиқ китобдек.  
Қўрқитолмас мени шу тобда,  
Баланд тоғлар, аждар келбатли.

Чексиз осмон, юлдузли фалак,  
Ўртамизда кичкина хона.  
Ҳаммасини унутиб яна,  
Пичирлайман энг эзгу тилак.

Осмонларга ўрлайди оҳим,  
Бош урмоққа тўрт девор етмас.  
Кўз олдимдан нигоҳинг кетмас,  
Айтинг, севамоқ оғир гуноҳми?

## ИШОНАСИЗМИР


Кўрмоқ илинжида кўзларим ҳалак,  
Сизни соғинаман, ишонасизми?  
Бугун ҳазон кўмган биз юрган йўлак,  
Ўткинчи ҳисларнинг нишонасидир.

Хонамдан у ёғи зим-зиё осмон,  
Чирмовуқдек хаёл кўкка ўрлайди.  
Юракда бир илинж яшайди ҳамон,  
Ҳеч қачон мен сизни ёмон кўрмайман.

Бизни тушунгандек бари осуда,  
Тоғнинг ҳам бағрида ўз лоласи бор.  
Биллур қадаҳ мисол оппоқ орзулар,  
Унда қуёш акси, ой шугласи бор.

Сиздан бўлак бари бекор аслида,  
Безовта кўнглимни тушунасизми?  
Яшаяпман олов исканжасида,  
Сизсиз яшаш азоб, ишонасизми?





Неъмат АРСЛОН

# 1551 РАҚАМЛИ ТРАМВАЙ

## Ҳикоя

Қизим Гўзалчага

I

"Мен трамвайман" деган фикр шунчаки хаёлига келиб қолган ўткинчи мушоҳадалар ҳосиласи бўлиб, дастлаб Бешимнинг лабларида истеҳзоли, аммо енгил кулгу зоҳир этган ва лаҳза ўтмай унитилган-у, фақат хотиранинг қайсидир пучмогида омонатгина, ҳатто саҳобанинг ўзига ҳам сездирмай ўрнашиб қолган; агар ҳаёт унсурларига таққослайдиган бўлсак, донаси тугаб, ташлаб юборишга маҳрум этилган гугурт қутгисидек қадрсиз бир нарса бўлса-да, орадан кўп ўтмай ўша ўзи яшириб олган "хона"дан бўй чўзиб, бошқа кучли ҳамда ҳаётнинг бошқа икир-чикирларига қоришган-у, энг зарур ашё сифатида (кундалик икир-чикир бўлгани учун ҳам) хотира аслаҳа хонасида сақланаётган ва ҳар лаҳзада ўзининг мавжудлигини билдириб қўйиш учун чинқириб-чинқириб овоз бераётган биринчи даражали фикрлар тўдасига қўрқа-пуса қараб қўядиган бўлди.

Бешим бекатда автобус кутганча шивалаб ёгаётган ёмғирда ивишни мақсад қилиб олгандек, ўзини тўсин панасига тортмай йўл қарарди. Ёмғирнинг муздек томчилари юзига, бўйнига келиб кўниб, толиққан ва кун бўйи қилинган ақлий меҳнатдан чўғ каби қизиқ кетган бошига хуш ёқар, буни бутун вужуди ила ҳис этганча намиқиб бораётган асфальтдан кўз узмай турарди.

"Дзинг-дзинг" этган товуш эшитилди. Бекатга келиб тўхтаган трамвайни кўрибоқ хаёлан унинг қайси йўлдан

бориши ва қайси лаҳзаларни айланиб ўтишини ўйлади-да, вақтдан қарийб ярим соат ютқизишини истамай, йўқ, "автобус кутама" деган қарорга келди. Аммо ҳали қарори дилида мустаҳкамланиб улгурмай трамвай биқинидаги рақамга кўзи тушди: "1551". Сонларда рамзийлик бордай туюлди. Одамлар очиқ эшиклардан тушиб келишар, бекатдаги йўловчилар автобус кечикканлиги боис трамвайга ўтиришга мажбур бўлганидан ранжиган қиёфада кўринишарди. Бешим ҳам уларга қўшилиб трамвайга чиқди. Бўш ўриндиқлар кўп бўлса-да, ёшгина бир қиз ўтиришга таклиф қилгандай нарироқ сурилди ва кўз илғар-илғамас ҳаракатлар билан ёнидаги бўш жойга имо қилди. Бешим унинг ёнига — эшикдан кириш жойда — чап қўлдаги биринчи ўриндиққа ўтираркан, аввал деразадан ташқарига қаради. Сўнгра бекат майдончасидан нигоҳини узиб ҳамроҳига назар солди: нигоҳи қизнинг турмакланган сочини, оппоқ ва нозик бўйинини, турмакдан қочиб унинг елкасига очилиб тушган бир ўрам сочини силаб ўтиб, яна ўз маконига, яъни Бешим исмли жисмининг кўз қорачуғларига қайтди.

Трамвай ўрнидан оғир қўзғалди. Филдирақлар темир излар устида бир маромда тарақлай кетдилар. Бешим ҳайдовчи ўтирган хоначанинг темир деворига, очиқ эшикчадан кўриниб турган, шу оғир уловни бошқариш учун хизмат қиладиган ускуна-мурватларга, хонача деворининг бўёғи кўчиб тушган зах ва қирраларига азбаройи нимадир қилиш эҳтиёжи туғилгани сабабли зериккан қиёфада қараб борарди. Эскирган трамвай паторот топиш арафасида тургандай. Рўпарадаги деразанинг синган кўзи ва унга биркитилган фанер



ямоқ, занглаган болтнинг ичкарига томон туртиб чиқиб турган учи... буларнинг ҳаммаси Бешимга ўзининг қирқямоқ туфлисини эслатди.

"Менга ўхшаркан бечора" деган ўй кўнглидан ўтаркан, қизнинг нигоҳи қадалиб турган нуқтага қаради. Бу нуқта томонлари ейилиб, шакли ўзгариб ямалаверганидан маккажўхори сўтасидай гадир-будир бўлиб қолган ўзининг туфлиси экан. Бешимнинг оёқлари беихтиёр ҳаракатга келди, туфли ўтиргич остига томон бир қалқиди-ю, қайсарлик билан ўз ўрнига, қизнинг оппоқ ва бежирим бошмоқчаси ёнига қайтди.

"Яширишнинг фодаси йўқ, кўрди, энди яшириш аксинча, унинг кўнглидан кечган таассуротни кучайтиради", хаёлидан ўтказди Бешим ва қизнинг қўлидаги гулга қаради. Бир даста настарин. Гулнинг бинафшаранг япроқларидан баҳорий тоза хушбўй таралмоқда. Настарин ва ёмғир... шамсия тутган аёллар, дераза, том бўғотидан шовуллаб қўйилаётган сув — буларнинг ҳаммаси қизнинг қўлидаги гулга ва савсани кўйлақ кийган навниҳолга ўхшарди. Настарин ҳам, ёмғир ҳам мана шу қиз ҳам.

— Настарин...

Чўчинқираб, ҳаяжон ичра, пастгина овозда айтди бу гапни Бешим. Қиздан садо чиқмади, фақат деразадан кўз узиб у ҳам гулга қаради. Бешим миясидаги бор лугат бойлигини титкилаб кўриб яна битта сўз топди:

— Чиройли...

Бош эди қиз. Бу ҳаракат мазмунини шарҳолмади Бешим, сўзни тасдиқламоқчи ва бунинг учун охиригача эшитмоқчи бўлиб давомини кутяптими ёки гулни ҳидлаяптими?!

Трамвай кўнғироғини чалди. Унинг йўлига "Икарус" автобуси кўндаланг келиб қолганди. Трамвай қаттиқ силкиниб қасирлаб, гижирлаб тўхтади. Буни кутмаган йўловчилар бараварига қалқиб ўринларидан туриб кетишди. Ким қўли билан, ким боши ё елкаси билан, баъзи бировлар кўкраги билан ўзидан олдинги кишига таяниб қолди. Энг олдинда ўтирган кампир ҳайдовчи хонасининг деворига бориб қапишди. Бешим эса чаққонлик кўрсатиб эшик ёнидаги тутқичдан тутиб қолишга улгурди. Қизнинг ҳолати мутлақо ўзгармаганлиги, қалқиб ҳам кетмаганлиги ажабланарли эди. Лабларида маҳзун табассум ва кўзларидаги мунг билан газабнок йўловчилардан узр сўрагандек бир қиёфада ўтирарди. Фала-говур бошланиб ҳар хил гаплар ва ҳақоратлар айтилардики, буларни ҳам қизгина ўзига олаётгандай бир алпозда оҳиста кўз юмиб, бош тебратиш билан қабул қилди.

— Сиз трамвайчининг қизимисиз? — сўради Бешим унинг ҳолатини ўзича тушуниб.

Қиз унсиз жилмайди. Бамисоли тонгги сабо, барги қабо, яъни шукуфта гул япроқларини авайлаб ўпгандай ва бу мулоқотдан япроқлар титраб кетгандай унинг дудоқлари ҳаракатга келди:

— Мен трамвайнинг қизиман.

Бу гапни қиз айтдики ёки ўзининг хаёлида акс этдики, фарқлолмай қолди Бешим.

Йўловчилар таҳликаси тиниб, яна ҳар ким ўй-ташвишларга тўла ўз дунёсига кириб кетаркан, пастда ҳаракатланаётган темир қисмлар нидоси баралла эшитилаётган бўлса-да, Бешимнинг қулоқларида ҳамон ўша овоз шивирларди:

"Мен трамвайнинг қизиман".

Деразадан таниш манзарани — кекиртаксимон қурилган уч қиррали баланд бинони кўриб қолиб икки-

уч бекат ўтиб кетганини англади Бешим. Танасининг ҳаракатланувчи барча мушакларида ўрнидан туриш истаги сизгириб ўтди-ю, аммо ёнидаги хилқатдан ажралгиси келмаётгани сабабли бу тарадуд ниҳоясига етмай сўнди. Филдираклар бир маромда садо берар, чироқлар темир изни, ёмғир сувларидан ҳосил бўлган йўлақларни пайпаслаганча қоронгулик бағрига кириб борарди.

«Майли, бундай гўзал хилқат билан ҳатто дунёнинг нариги четигача бориш мумкин» деб ўзини хотиржам қилишга уринди йигит, аммо шу лаҳзанингни ўзида бошқа бир фикрдан дили хира тортди: «Дунёнинг нариги четигача унга ҳамроҳ бўла оламанми, ахир туфлим оёғимдан узилиб тушиб қолади-ку, шундай қизнинг ёнида кетаётган ялангоёқ ва нотавон кишини кўриб одамлар маломат қилмайдиларми».

Хаёлидан ўтган фикрга қизнинг муносабатини билмоқчи бўлгандай унга қаради. Латиф ва гамнок чехра. Ўзича мулоҳаза юритиб, йўқ, гамнок эмас, ўйчан ва мунис деган хулосага келди. Назарида қиз у қадар гамгин кўринмади. Унинг яшаш жойини, хонасини, тўшагини ўзича тасаввур қилиб кўрди: эри йўқ, бола-чақаси йўқ. Хона ва даҳлизларда сукунат. Бурчакда жавон, унинг ёнида ёзув столи. Стол устида бинафшаранг ёғду таратиб тунчиरोқ ёниб турибди. Каравот пойида бўйрадеккина келадиган гулдор гиламча. Гулдор патгилам. Унинг устида юмшоқ аёллар бошмоғи. Гуллар аллақачон гулдонга солиб қўйилган. Бешим қизнинг қўлидаги дастага қаради ва ундан кўз узиб ўзининг бошмоғига қараб олди. Қизнинг узун ва ингичка бармоқлари настарин барглари орасида янада нозикроқ ва оқроқ бўлиб кўринарди. Бу вужуди оқ ва қора ранглардан ташқари каштан мевасидек кўнғир ранглар, қўлидаги настарин гул баргларида хослик бир-бирига нисбатан зиддият билан ўрин олгандики, шу зиддиятнинг ўзи мутаносибликни ва уйғунликни бахш этганди.

"Темирйўлчилар хиёбони" бекатида тушиб қолиб пиёда ортига қайтаркан, оёқлари чалишиб кетаётганини, орзулар ва умидлар лаззатидан масту мустағриқ бўлиб йўлдан четга чиқа бошлаганини пайқайди Бешим ва дилини афсус ўртади, мастлик тарқайди. "Издан чиқсам йиқиламан" деган иқроор дилини қамраб олди. Туфлисини қаттиқ "эксплуатация" қилганди. Беҳуда хаёллар деб етти йилдан буён миниб юрган "отини" зўриқтирганига ачинди. Эгилиб қараб кўча чироғи ёруғида яқиндагина ямалган жой ёнида узунгина қора чизиқ пайдо бўлганини кўрди.

Қўллари билан зина тутқичига таянганча оғир-оғир юриб юқорига кўтарилди. Тўртинчи қават, буёғи ярқираб турган эшик, яшил бўёқ. Бир ҳафта аввал босмаҳона оморчисидан сўраб олганди. Эшикнинг таровати бутун ҳафта давомида унинг кайфиятини кўтариб турди. Мой бўёқнинг ҳиди, умуман шу ишнинг уддасидан чиққанлиги, қўшниларики эшик-деразалари бўёғи кўчиб ва ранги ўчиб абгор бўлиб турган бир паллада ўзининг ярқираб турган эшиги заррача бўлса-да ҳаётига ёруғлик бахш этганди. Чўнтагидан калит олиб қўлининг кўникиб кетган ҳаракати билан қулф тирқишига тикди, буради. Қулф ҳаракатланувчи жисмларининг беозоргина "шилқ" этган товуши эшитилди.

Хона ҳавоси димиқиб қолганди. Деразани очиб каравотга ўтирди-да, туфлисини ечиб қўлига олди, кўзига яқинриқ тутиб қаради, бармоғи билан сийпалаб кўрди. Туфлининг чарми юзакироқ ёрилган ва ҳали ички қисмига ўтмаганди. Эртаси кун таниш этикдўзнинг олдида бориб туфлисини унинг қўлига тутқазди.



— Акойи Бешим, ҳа, яна бирор жойидан кетибдими? — дея қарши олди уста ва қўлини туфлининг ичига тиқиб бармоғи билан чарм бетликнинг ёрилган жойини пайдираб кўрди.

— Бўпти, қолдилинг, бугун шанба, эрта бозор, душанбагача оласиз.

— Душанба ишга бораман.

— Тайёр бўлади, якшанба кечроқ хабар олинг.

Шу гапларни айта туриб уста туфлини яна қўлига олди.

— Туфлингиз ҳам аммо учинчи трамвайдан бўлиб қолибди, — бош чайқаб кулди уста.

Бешим оғринмади. Резина чўвагини шапиллатганча чиқиб кетаркан "Нафақат туфлим, ўзим ҳам ўхшайман" деган фикр йўл бўйи уни тарк этмади. Шаҳарга келганидан буён уйдан ишга, ишдан уйга қатнаб бир хил ҳаёт кечириётгани тўғрисида ўйлади, аммо бундай ўйлар энди унинг юрагида кучли ҳиссиёт уйғотмасди. Етти йилдики, шу йўлдан қатнар, қорин тўйдириш учун зарур нарсаларни йўл-йўлакай кўчаларнинг ўнг бетидаги хиёбон бўйлаб жойлашган дўкончалардан харид қиларди. Туфлини шаҳарга келган йили етти ойлик қалам ҳақини йиғиб юриб олган, ва уни ҳеч бўлмаганда яна бирор йил кийишдан умидвор эди. Шу боис ҳамиша энг қисқа йўлни танлар, зарурат бўлмаса уйдан чиқмас, хуллас, ўзини "сен"лаб, туфлисини "сиз"ларди. Тунда устини артиб, чангдан тозалаб нам сочиқ ёпиб кўярди.

## II

Душанба куни ишдан қайтишда яна "1551"га чиқди. Ўнинчи йўналиш бўйича қатнайдиган "1941" ҳамда "1997" рақамли трамвайларни атайлаб ўтказиб юборди. Ниҳоят, ўзи кутган трамвай бекатга келиб тўхташи билан эшик ёнидаги биринчи деразага қаради-ю, унга кўзи тушди. Содиғи ё Худонинг тўғри келтирганими, ўша кунги жойда ўтирарди қиз. Елкаси деразага тегиб турибди. Кўйлагининг сап-сарик бир дона гули худи шишага ёпиштириб кўйилгандай. Сочи ўша кунгидек турмакланган, фақат эндидаги либоси бошқа, оддийгина сарик гулли чит кўйлак. Сарик наъматак гулли. Наъматак пушти рангга мойилроқ гуллайди аслида, лекин тоғларда ўсадиган ёввойи наъматакларнинг бир тури тўқ сарик, ҳатто айтиш мумкинки, зарғалдоқ рангга гуллайди. Наъматакларнинг ҳаммаси ўзи ёввойи, аммо зарғалдоқ рангга гуллайдигани яна ҳам ёввойироқ.

Қизнинг ёнига ўтираркан, унинг қўлидаги гулга эътибор қилди Бешим. Бинафшаранг настарин. Гулга ҳам, қизнинг юзига ҳам бемалол, дадил қаради. Уста туфлисини ямаган ва ўхшатиб мойлаганди. Шу боис ўзини жасоратлироқ сезди, тортинмади, ҳатто оёғини қизнинг оёғига яқинроқ қўйди. Сўнгра хотиржам ўтириб атрофни кўздан кечираркан, ҳайдовчи ўтирадиган хонанинг бўёғи кўчган сирти, синиқ деразага қоқилган фанер, учи занглаган болът ҳам кўзига унчалик беўхшов кўринмади. Ҳеч нарса ўзгармаган. Ҳатто йўловчилар ҳам ўша-ўша. Ён тарафдаги биринчи қаторда кўриниши абгор бир ўрис аёли, унинг орғидаги ўриндиқда ёш болали бир ўзбек хотин, ундан кейинги ўриндиқда ола дўппили икки ўспирин, улардан кейинги жойларда ўн беш чоғли ўқувчи қиз. Миршаблар либосидаги кишилар эса чап тарафдаги ўриндиқларни тўлдириб ўтирибдилар. Уларнинг ҳам шу трамвайга чиқишгани ёқмади Бешимга. Сабабини аниқ билмагани ҳолда қатъиятли юзларга, янги ва ихчам либосларга изтироб ичра қаради. Четқи қаторда жой олган

миршабларнинг оёқларидаги тумшуғи ўткир, тагчарми қалин чиройли тикилган мустаҳкам туфлиларига кўзи тушаркан, қанчалар бахтли бу одамлар деган ўй миёсига урилди. Миршабларнинг соғлом юзи, қип-қизил ранг-рўйи, мустаҳкам жағлари, бошларининг катталиги, қулоқларининг солинчоғига қон гупуриб туриши чўчитди уни. Соғлом нарсалардан хавфсираб яшарди. Булар атайлаб "1551"га чиқишмагандир-ку, ҳеч ким трамвайнинг шахсий рақамига қарамайди, чунки йўловчилар учун фақат трамвай пешонасидаги йўналиш рақамигина аҳамиятли. "1551" эса фақат биргина мана шу трамвайга тегишли бўлиб, унинг "номини" ҳар бир одамнинг ўз исми бўлганидек англагани, деган ўй-хаёлда бораётган бўлса-да, ёнида ўтирган қизни бир дақиқа ҳам унутмаганди. Унинг гўзал ҳамроҳи эса кўзларини ҳайдовчи ўтирган хонанинг очиқ эшигига тикканча борарди. Бетиним силкиниб, зириллаб келаётган "темир вужуд" титроқлари тиниб, гилдираклар айланишдан тўхтаб, чор тарафга тинимсиз югураётган энгилтак машиналар шовқинига қулоқ тутгандай сукут сақлаб турарди. Трамвайнинг бемаврид тўхташи яна йўловчилар норозилигига сабаб бўлди. Ҳайдовчи пастга тушиб арқонни тортқилади. Икки-уч бор шу ҳаракатни такрорлади, сўнгра ўз жойига томон ўтаркан, ток келмай қолганини айтиб "бироз кутамиз" деди. Қизнинг кўзларида ўкинч ифодаси кўринди. Ранги оқариб кетгандай, лабларида титроқ зоҳир этгандек бўлди. Бу ҳолатни тиниқ кўрди Бешим, аммо сабабига аниқ тушунмади. Бирор жойга кечикаётган бўлса ҳам бунчалик изтироб чекмаслиги керак эди, тушиб кетиб қолса-я деган хавотир ўтди кўнглидан ва гўё унга далда бермоқчидек шивирлади:

— Ҳадемай юради.

Қиз ҳолатини ўзгартирмади. Миршаблар қадларини гоз тутганча аввалги алпозда ўтиришарди.

"Булар қайси бекатдан чиқиши ва қаерда тушишаркин?" ўйлади Бешим. Орадан йигирма дақиқа ўтиб трамвай ҳаракатга келди. Қиз қўлидаги гулларга тикилганча жимгина борар, дераза тирқишидан кираётган пичоқ дамидек шамол оқими унинг пешонаси атрофидаги соч толаларини ҳамда чеккасидаги зулфаги толаларини юлқилаб ўйнади. Бу қиз фақат қора "Лимузин"да юришга лойиқ, хаёл қилди Бешим ва айни пайтда унинг совқотмаётгани, шамол оқимига бепарволигидан ажабланди. Ошқора ҳавас билан, балки интиқ ҳиссиёт билан қаттиқ тикилди.

Бу пайтда трамвай ўз йўналишидаги энг гавжум минтақалардан бирига етиб келган ва тезлигини сусайтириб оҳиста бурила бошлаган, шу боис унинг темир вужуди нола қилгандай оғир ва ҳазин гижирларди. Бешим қизнинг деразадаги аксига қаради. Ташқари қоронғу бўлганлиги сабабли унинг акси ўзидан ҳам соҳирроқ бўлиб кўринарди. Шишанинг тун парда торган сирғида трамвайнинг ички қисми ҳам қорамтир бир тарзда акс этар ва қиз ҳам ана шу қорамтир рўёга қараб борарди.

Гижирлашлар тиниб гилдиракларнинг бир маромдаги "тақа-тақа"си эшитила бошлади. Трамвай тезлигининг ошгани, чироқларни яна ҳам ёрқинроқ ёндириб қоронғулик пардасини ёриб шиддат билан олға интилаётганини ана шу гилдираклар садосига қараб англаш мумкин эди. Кўп ўтмай ёмғир ёға бошлади. Тепадан оқиб тушаётган сув деразадан ювиндиқ рангидай қорамтир ва беқарор парда ҳосил қилган, тун ойнасида акс этаётган манзара бундан бир қадар хира торган, эгриланган, ўзгарган бўлса-да, қизнинг кўзлари

чақнаб кўриниб турар, фақат сув оқими шу чақноқ нуқталарни турли тарафга силжитар ва бу аллақандай афсонавий кўриниш касб этарди.

— Шумилов кўчаси! — эълон қилди кондуктор.

Бешимнинг юраги сиқилди. Қизнинг қайси бекатдан чиққани ва қаерга тушишини сўрамоқчи бўларди-ю, журъати етмасди. Хаёл билан бўлиб "Миробод бозори" бекати аллақачон ортда қолиб кетганини анча кеч пайқади. Шундай бўлса ҳам ўрнидан қимирламади. Нима бўлса бўлди, кейингисидан тушиб орқага қайтаман деганча кетаверди. Соат ўнга яқинлашиб қолганди. "Бундай бўлиши мумкин эмас-ку, наҳот беш соат йўл юрган бўлсам" деган ўй билан хавфсираб атрофга аланглади. Йўловчиларнинг юзларида лоқайдликдан бўлак аломат кўринмасди. Шошқин ҳаракат асносида ўрнидан тураркан, қиз деразадан кўз узиб унга қаради. Қўлларидаги гуллар тўпидан бир дона настарин ажралиб чиқиб оёқ остига тушди. Қизнинг манзилени аниқлаб олиш учун шанба кун ишчилар шаҳарчасидан Образцова кўчасигагача қирқ тўрт дақиқали йўлни босиб ўтишга, зарур бўлса кун бўйи трамвайдан тушмасликка қарор қилганча навбатдаги бекатга тушди Бешим. Қиз қоронгулик қўйнига маъюс тикилганча ўтирарди. Фақат энг сўнгги дақиқада англаб бўлмас бир ҳолат юз берди. Қиз гўё оғир уйқудан уйғонган каби теграсига олазарак назар ташлади. Деразадан қараб бекатда ёлғиз ўзи турган одамни кўрди. Бутун вужуди билан унга талпингандай, ва ҳадемай деразанинг шаффоф кўзидан сузиб ўтиб ерга қўнмоқчидай далага томон интилди. Худди шу сонияда трамвай ҳам ҳаракатга келди. Тепада, унинг қайрилган темир шохлари устида яшин чақнади. Қарсиллаган овоз эшитилди. Бешимнинг назарида бу олов одатда симнинг улоқ жойларида қисқа туташув оқибатида чиқадиган учкунга ўхшамасди. Атроф ёришиб титроқ шуълалар анчагача сўнмади. Кўм-кўк ёғдудан трамвайнинг ичи ҳам кундузгидек ёришиб кетди. Шунда ичкарида қиздан бўлак ҳеч ким йўқлигини кўриб Бешимнинг ҳайрати ошди, ақли шошди. Трамвай олов олиб ёниб кетиши муқаррардек туюлди. Қизни кутқариш керак деган ички бир даъват унинг ҳайратдан қотиб қолган вужудини ҳаракатга келтирди. Қўлларини чўзиб ўрнидан кўзгалаётган улкан нақлиётни тўхтатиб қолмоқчидек дераза зеҳига тирмашди. Тепада иккинчи бор олов чақнади. Шунда қизнинг докадай оқариб кетган юзларини аниқ кўрди. Гўё ҳаво етмаётгандек, нафас ололмаётгандек энтикарди қиз. Илтижо бор эди унинг кўзларида.

Дераза зеҳига маҳкам ёпишаркан, куч билан орқага тортиб юриб бораётган трамвайни тўхтатмоқчи бўларди Бешим. Бир талпиниб қизнинг қўлларидан тутди. Настарин гуллари сочилиб ерга тушди. Ерга ва темир излар устига тушаётган гуллар жаранглаб садо берарди. Бармоқлари қизнинг билагидан тутаркан, ўз вужудида кучли зарб титроқни туйди. Гўё сочларидан, тирноқлари остидан, оғир ва бурнидан олов чиқиб кетаётгандай. Шундай бўлса-да, гулларнинг жаранглаши ғайритабиий ҳол эканлигини, қўллари эса деразани сира қаршиликсиз осонгина тешиб ўтиб қизнинг билагига чирмашгани ҳам ҳақиқатга тўғри келмаслигини хаёлидан ўтказди.

Тепадан яна қарсиллаш эшитилиб қоронгулик бағри яшил ёғдудан ёришиб кетди. Зулумот қаъридан ва кўрсатган уйлар, дарахтлар титраб-титраб юзларига яна қора парда тортилар. Бешимнинг оёғи ердан узилган ва ҳавода муаллақ учиб борарди. Қизнинг юзига тикилиб

қараб ниманидир тушунтирмоқчи бўлаётганини англади, шунда унинг сўзларини эшитиш учун юқорироқ кўтарилишга уриниб кўрди Бешим ва қўллари билан деразанинг юқори қисмидан тутмоқчи бўлди, аммо кучли ҳаво оқими унинг вужудини зарб билан юлқиб олиб, трамвай кетаётган йўналишнинг теграсига шиддат билан гўё тезоб дарёдек югураётган йўл устига ташлаб юборди. Тошдек қаттиқ ерга кулаб тушаркан, қизнинг ўкинч ва илтижо тўла овозини аниқ эшитди:

"Мен трамвайнинг қизиман!"

Иложсизлик ҳам бор эди бу овозда.

### III

Шанбагача Бешимнинг сабри чидамади. Юз берган воқеани қайта-қайта таҳлил қилиб кўраркан, назарида бунданда кўрқинчироқ воқеалар юз берадигандай ва жуда қадрдон кишисидан ажралиб қоладигандай туюлаверди. Шунинг учун ҳам эртаси кунёқ шоша-пиша тушлик қилди-ю, ишхона билан катта йўл ўртасидаги темир панжарадан ошиб ўтиб Хуршид кўчасига чиқди. Узоқдан трамвай кўринди. Ўнинчи! Ўша! Юраги ҳапқириб деразага қаради, қиз кўринмасди. Унинг ўрнида оқ дока рўмол ёпинган кампир. Айланиб ўтиб бошқа деразаларга ҳам кўз тикди. Одамлар тушиб бўлиши ҳамон ичкарига кириб ўтирганларга олазарак назар ташлади ва кўнгли чўккан ҳолда қайтиб чиқаркан, трамвайнинг олд томонига ўтди-ю "1553" рақамини илгашга аранг улгурди. Шу йўналиш бўйича қатнайдиган бошқа трамвай эди бу. Ҳозир тушлик пайти дея муҳокама қилди Бешим, у ишда, ахир кун бўйи сайр қилиб юрмайди-ку, бунинг устига йўналиш бир бўлгани билан рақами бошқа, бу бўлак трамвай!

Эрталаб ишга кеч қолмаслик учун автобусда келганига жуда афсусланди. Кеч бўлиши ва иш туғашини сабрсизлик ила кутди. Дақиқалар имиллаб ўтар, апрель кўёши шаҳар устидан кетишни истамагандай нақ дераза рўпарасида пирпираб турарди. Ўн бешта кам бешда хонасидан отилиб чиқди Бешим, аммо ҳар доимгидек даҳлиз тўридаги "Бошлик" деб ёзиб қўйилган эшик олдида сигарета тутатиб турган "шеф"ни кўриб, саросимага тушиб, ортига қайтди. Ишхонада тартиб-интизом қаттиқ эди. Шеф ҳар кун келиш-кетишни назорат қилиб борар, ходимлар кун бўйи гоҳ у-гоҳ бу хонада зерикиб ёснаб юришарди-ю, аммо вақтидан бир дақиқа ҳам олдинроқ кетишолмасди.

Нихоят, кутилган дақиқалар яқинлашди. Шеф машинасига ўтириши билан деразадан уни кузатиб турган ўнлаб кўзлар хона ичкарисига томон чекинди, ходимлар апил-тапил ишни йиғиштиришди, ҳар томондан қулф-калитларнинг шақир-шуқури эшитилиб қолди. Орадан беш дақиқа ўтганда ҳаллосланганча бекатга етиб келди Бешим. Машиналар кўчани тўлдириб дарё каби оқарди. Йўл ўртасида узун бетон супа, икки томонида темир излар. Ўнинчи йўналиш бўйича бир нечта трамвай ўтди. Бешим уларнинг ҳар бирига диққат билан разм солиб рақамларига қаради. Аввал "1670", ундан кейин орадан етти-саккиз дақиқа ўтиб "1997", улардан сўнг "1553" келди. Тўхтади ва жўнаб кетди. Ҳеч кимга кераксиз бўлган бундай трамвайлар фақат Бешимнигина қизиқтирарди. "1551"ни эса интиқлик билан кутар, шундай бўлса-да, бошқа трамвайларнинг ҳам деразаларига эътибор қиларди.

Ярим соат кутди, бироқ атайлаб қилгандай "1551"дан дарак бўлмади. Кутаверди, одамлар сийрак торга бошлади.



Соат ўн бирларда бекат хувиллаб қолди. Энди фақат шаҳарнинг тунги навбатчи трамвайига келиши мумкин. "Шаҳарнинг энг хокисор улови — трамвай", хулоса қилди Бешим. Ҳатто троллейбус ҳам унга нисбатан эркинроқ, йўлдан сал-пал бўлсада четга чиқа олади. Ўтиригилари юмшоқроқ, кўриниши ҳам ёмон эмас, тезлиги дуруст. Автобусдай шигиллаб кетмайди-ку, ҳар ҳолда... одамлар автобус ёки троллейбус билан бориш мумкин бўлганда ҳеч қачон трамвайга ўтиришмайди. Бечора кутиб туради, қолган-қутган йўловчиларни йиғиштириб бориға барақа дегандай олиб кетаверади. Айниқса "1551" тутдай тўкилиб қолган. Унга нима бўлдикин ўзи?! Ёки бошқа йўналишга ўтказишдикин? Бундай бўлиши мумкин эмас, назаримда. Демак, бирор жойда бузилиб қолган. Ўша қиз билан трамвай ўртасида қандай боғлиқлик ёки муштарақлик бўлиши мумкин? Фақат шу "1551"да кўрганман уни. Кеча унинг қўлларидан ушлаганим-чи? Ерга жаранглаб тўкилган настаринлар-чи? Яна дераза синганмиди? Нега бу қадар ғазабланди трамвай? Оловлар сочди, титради. Қизнинг юзаридаги ифода, кўзларидаги илтижо... Мени улоқтириб юборган куч... Ахир буларнинг ҳаммасига гувоҳман, ўзим иштирокчиман, балки ўзим айбдорман. Жабр тортган ҳам ўзимман. Энди уни учратиш қолсам бас, ҳаммаси ҳал бўлади. Кечаги хатти-ҳаракатим учун уэр сўрайман ва бор дардимни тўкиб соламан. Илк марта учрашганимиздан буён уч ҳафта ўтди. Фақат ўша трамвайда, ўша жойда ва ўша ҳолатда учратдим. Қўлида бир даста настарин..."

Уйга жуда кеч қайтди Бешим. Кимсасиз ва совуқ хона маломат тошларини ёғдираётгандай. Деворлар кўримсиз, деразалар ҳўмрайган, ошхона эшиги ўрнига илиб қўйилган қанор пардани ёғ босган, тутунга бурканган кўринишини очиқ намоиш этиб кўнгилга гашик солади.

«Етти йилдан буён бетиним меҳнат қилиб нима орттирдим? — ўз-ўзидан қатъий сўради Бешим. — Трамвайга айланиб қолдим. Бир хил ва зерикарли ҳаёт, битта туфли, қорин тўйдиришнинг бир хил усули. Ҳатто фикрлашим ҳам ўзи кўниккан издан чиқолмайди».

Кейин унинг назари туфлисига тушди. Остона тагига тўшалган гиламчанинг учи қайрилиб қолган ва туфлининг бир пойи иккинчисининг устига алмашилиб тумшугини осмонга қилиб турарди. Гўё етти йилдан бери оғирлиги қарийб етмиш кило чиқадиган инсон вужудини кўтариб юрганидан гурурланаётгандай.

Тушкун ва аламли ўйлар сўнггида ҳаёт тарзини кескин ўзгартиришга аҳд қилди Бешим. Аммо буни нимадан бошлаш кераклигини ҳал этолмади, тунги билан ўйлаб сира ақли етмади. Авваллари ҳам бу ҳақда кўп мулоҳаза юритган-у, ечимини тополмаган, натижада ҳар кун ҳаёт тарзини ўзгартириш тўғрисида ўйлаш энди унинг ҳаёт тарзига айланиб қолган. Ўзини савдо-сотикқа уриш ва одамларнинг пулини алдаб олишни истамас, истаганда ҳам унинг журъати Кафканикидан ортиқ эмасди. Маоши оз бўлсада қорнини тўйдириб турган ишидан ажралиб қолишдан қўрқарди. Бунинг устига кейинги пайтда ҳар бир хулосанинг боши-ю охири "1551" рақамли трамвайда учраган қизга бориб тақалаверар, ва шу қизнинг қиёфасидан бўлак ҳамма нарса нурсизланиб кетаверарди. Ҳатто туфлисини ҳам у қадар авайламай қўйганди энди. Каравотга чўзилиб кўзларини юмиши билан яна уни аниқ-тиниқ кўрди. Филдираклар садоси қулоғига чалинди. Ҳатто настариннинг баҳор ҳавоси янглиғ соф ҳиди димоғига урилди-ю, ёмғир шивирлаши эшитилгандай бўлди.

...Настарин ҳамшиша ёмғирни эслатарди.

#### IV

Кейинги бир ой ит азобида ўтди. Меҳнат таътили ҳам татимади. Вақтнинг катта қисмини кўчада ўтказар, бекатда кутиб турган бўлар ёки трамвайга ўтириб ўткинчи йўналиш бўйлаб кун бўйи юрарди. Нозимхона нозимларидан сўраб "1551"нинг нега йўқолиб қолгани тўғрисида аниқ маълумот ололмайди. Кўпинча: "Бу нима деганингиз, қайси йўналиш керак сизга? Ўнинчими? Марҳамат, пешонасига "10" рақами ёзилганига ўтирасиз. Ишчилар шаҳарчасидан Образцовагача олиб боради" деган жавоб бўларди, шунда Бешим бошини дарчага эгиб қайта сўрарди:

— Менга "1551" керак.

— Бундай маршрут йўқ!

Дарча эшикчаси тарақлаб ёпиларди.

Ҳайдовчилардан сўраш, кондукторлардан суриштириш ҳам натижа бермади. Умуман, гувраниб ётган ва шошқин тарзда ҳаёт кечираётган шаҳарда бундай саволлар билан бировнинг вақтини олиш иложсиз иш. Ҳақорат эшитиб қолиш ҳеч гап эмас. Суриштиришдан натижа бўлмагач бошқа йўналишларга ўтди. Ўтиригилари бир мунча шинам чарм қопламали, бўёқлари тиниқ трамвайлар пайдо бўлиб қолганди баъзи даҳаларда. Қайсидир бекатда биқинига лотин ёзуви битилган трамвайга кўзи тушди. Ўқишга ҳаракат қилди. Ёзувларни бор бўйича қамраб ололмади нигоҳи, ораликдан ўтиб-қайтаётган автобуслар ҳалақит берди. Бунинг устига трамвай шиппилаб юриб борарди. "Модерн трамвай" бўлса керак дея ҳарфларни хаёлида қайта тиклаб хулоса чиқарди. Ёзув ҳам, трамвай ҳам жуда чиройли эди. Аммо бундай зеболикдан қувонмади. Аксинча уларнинг салоҳияти кўнглига маҳзунлик солди.

Меҳнат таътили охираб қолган кунларнинг бирида уйдан чиқди-ю, қайси томон бораётганига эътибор ҳам қилмай, хаёл сурганча кетаверди. Бу томонларга ҳеч ўтмаган ва ораста манзараларни сира кўрмаганди. Айниқса анҳор бўйидаги қалин дарахтзорлар, арчаларнинг бўйи кишини сархуш этарди. Хилват гўшалар висолга интиқлик ҳиссини кучайтирди.

Анҳор соҳили бўйлаб пиёда юрди, ёмғир битта-битта томчилаб сувда доирачалар чизарди. Кўнгли кўтарилди, назарида Тошкентдай сулув шаҳар йўқ эди дунёда. Соҳил панжарасига суянганча тамаки тутатди. Бир неча йил ташлаб кетган чекувчиликни яна бошлаб юборганди, қалбига озиб-ёзиб меҳмон бўлган шодлик ҳисси эса маҳзунлик пардасига ўралгандики, бу Мирзо Бедилнинг газалини эслатди: "Бу шодликлар бари гамдан яралган". Чуқур-чуқур тутун тортиб сувга жимгина тикилиб қолди, сўнгра сал нарироқда панжарага суяниб турган қора шамсияли қиздан анҳорга имо қилиб шунчаки сўради:

— Чуқурми?

— Нима, ўзингизни ўлдирмоқчимисиз? — ҳозиржавоблик қилди қиз.

— Йўқ, ҳаво салқин, сув совуқ.

— Ўладиган одам учун бари бир эмасми?!

— Совуқ, — қайсарлик ва бироз дағаллик билан жавоб берди Бешим ва ўзида бўй кўрсатаётган характернинг бундай янги қиррасини илғаб қизга миннатдор бир алпозда қаради. Чунки одамларнинг фикрини сўзсиз маъқуллашга, ҳеч қачон қарши бормасликка ва рад этмасликка кўникканди у. Шамсиясини айлангириб ўйнаб кўз сузди қиз. Сўнг сумкачасини кавлаб музқаймоқ олди.

— Эски трамвайларни нима қилишади? — сўради  
Бешим томдан тараша тушгандай.

— Янгиси билан алмаштиришади.

— Эскисини нима қилишади?

— Айтдим-ку. Нима қилишарди, қабристонга  
элтишади. Улар ўша ерда темир излар билан  
видолашадилар.

— Қаерда ўша қабристон?

— Бунча зерикарлисиз, бошқа бирор мавзу йўқми  
сиз биладиган? Трамвай, трамвай. Қабристон, қабристон  
деяверасиз, — лабини бурди қиз. — Шу, шунақа ўзи,  
қишлоқдан келганларнинг ҳаммаси трамвайга  
қизиқишади. Поезднинг боласи деб ўйлашса керак-да.

Бешим индамади.

Қиз ўз ҳаёти тўғрисида сўзлаб беришга киришди.  
Бешим қўлларини шимининг чўнтагига чуқур тикқанча  
унинг кўнгли учун бош иргаб маъқуллаб тураверди.  
Эшитганларидан жуда оз нарса: қизнинг чет эллик бир  
кишига эрга теккани, хато қилгани, эрини севмаслиги  
узук-юлук ёдида қолди ва хаёл ичра сўради:

— Ўша қабристон қаерда?

— Қанақа қабристон? Нима қиласиз ўтта?

— Бораман.

— Одамлар ўзлари олиб боришади.

— Мен жиддий сўраяпман.

— "Биринчи"га ўтирасиз, — жавоб қилди қиз  
сўхбатдошига ачиниш ва ижирғаниш аралаш қараб.

— Мен қишлоқ эмасман, — деди Бешим ва қўл  
узатиб хайрлашди.

Агар ундан ўша пайтда қизга нима учун бундай  
деганлиги ҳақида сўралса, тайинлик жавоб беролмасди.

## V

Деразани узун бўйли, малла соч ўрис йигит очди.  
Беўхшовгина бу йигитнинг мўмин-қобил кишилар  
тоифасиданлигини кўриб мақсадини аниқ айтди Бешим:

— Менга энг эски трамвай керак.

— Мана шуларнинг ҳаммаси эски, — қўли билан  
кўзойнагини тўғриларкан, темир издан дарвоза томон  
ҳаракатланаётган трамвайларни кўрсатди йигит.

— Мен ҳисобдан чиқарилган трамвайларни  
кўришим зарур.

Бу атамани нозимхона ходимларидан ўрганиб  
олганди. Йигит ҳовли ўртасидаги шийпонсимон бинони  
кўрсатиб шу бинони айланиб ўтгандан сўнг яна бир  
нечта устахоналар чиқишини ва уларнинг ортидаги  
майдонда эски трамвайлар турганлигини тушунтирди.

Ҳақиқатан ҳам бино ортига ўтиши билан  
устахоналар ва уларнинг орқасида қалашиб ётган темир-  
терсак уюмлари орасида трамвайлар қатори кўзга  
ташланди. Энг эски трамвайлар қизил рангда эди. Оёқ  
остида қалашиб ётган темир-тақалар уюмини оралаб  
ўтиб кенггина майдончага чиқди Бешим. Трамвайлар  
қатор-қатор бўлиб занглаб кетган темир излар устидан

хаёл сургандай туришар, шунинг учунми, бу ерда оғир  
сукунат ҳукмронлик қилар, ҳатто устахоналарнинг  
шовқини ҳам эшитилмасди. Пачақлаб ташланган,  
деразалари синдирилган, зарур қисмлари ечиб олинган  
КТМлар қаторининг охирида ярқ этиб "1551" кўринди.  
Бу ярқираш Бешимнинг интиқ қалбида юз берди. Аслида  
трамвай қоп-қора бўлиб куйиб ётар, паторот топган ва  
улкан темир қутига айланган, вужудидан ор қилаётгандай  
ер шохлаб ўзидан олдинги сафдошининг ортига  
пешонасини тираганча турарди. Шода-шоода сим  
ўрамлари ҳайдовчи ўтирадиган хона эшигидан пастга  
осилиб тушган, ўтиргичларнинг тахталари қўпориб  
олинган ва синдириб ташланган, шиша "кўз"лар кўр  
қилинган ва умуман энди унинг ярқирайдиган ҳеч вақоси  
қолмаганди.

Бешим ичкарига кириши билан эшик ёнидаги  
биринчи ўриндиққа "Трамвайнинг қизи" ўтирадиган  
жойга қаради. Ўриндиқ ёғочлари синган, бир ёнга  
чайқалиб, аллақандай темир устига орқа суйанчиғи билан  
таяниб қолган ҳолатда турарди. Шуниси ажабланарли  
эдики, ҳамма томони чанг-гўзоннинг қалин пардаси  
қоплаб ётгани ҳолда, биринчи ўриндиқ худди ҳозиргина  
артиб қўйилгандай тоза. Орқа суйанчиқнинг темир  
дастасини силаб кўрди Бешим. Билинар-билимас атир  
ҳиди димоғига урилгандай бўлди. Шунда унинг ёш қалқиб  
турган кўзлари ўтиргич остида ётган гулларга тушди.  
Настарин! Гул ҳали сўлиб улгурмаганди. Қизнинг  
мўъжазгина туфличаси ёнида ётарди улар. Ерга эгилиб  
гулни авайлаб олди Бешим ва қизга тутди. Далада  
дарахтларнинг барги қилт этмасди, шамол йўқ, аммо  
қизнинг сочлари ҳилпираб, шабадада таралиб турибди.  
Зулфининг узун ва кўнғир толалари, қоши, кўзи,  
киприклари ва оппоқ юзларини яширмоқчидек чеккасига  
томон қуйилиб тушган бир ўрам соч толалари шабада  
измига суйсуниб қизнинг ёноқларини бетиним  
савалайди, киприкларига илашади, лабларини силаб  
ўтади. Бу манзарага маҳлиё бўлиб қараб турди Бешим.  
Тили калимага келмасди. Буни пайқади қиз. Тепасида  
ҳайрат ичра қотиб турган йигитга қиё кўз ташлади,  
киприклари пирпираб кетди, ўйчанлик ва мунг тўла  
кўзларида, нигоҳида ям-яшил ёғду чақнагандай бўлди.  
Оҳиста бош эгиб ёнидаги бўш жойга қаради ва дераза  
тубига томон сурилиброқ ўтирди.

Қизнинг лабларида маҳзун бир табассум эркаланиб  
ётганини кўрди Бешим. Қўлидаги гулни унга тутди ва  
эҳтиром билан шивирлади:

"Ўтирсам бўладими?!"

... Узоқ ўтирди. Ёлғиз ўтирди. Аммо темир-терсаклар  
уюми орасида танҳолигини ҳам, вақтнинг оқимини ҳам  
пайқамасди. Трамвай жиддат билан кетиб борар, олдинда  
қоронгулик тобора қуюқлашар, тепада "ялт-ялт" этиб  
яшин чақнарди. Манзиллар лип-лип этиб ўтар ва  
бекатлар ортда қоларди.

Трамвайдан тушишни хаёлига ҳам келтирмасди  
Бешим. Унинг тушадиган бекати йўқ эди...





Шерали ТУРДИЕВ

# ҲАМКОРЛИҚДА ГАП КЎП

2008 йилнинг 11-12 сентябр кунларида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бокуга расмий таширф буюрди. Расмий таширфнинг иккинчи кунини Бокуда Навоий ҳайкалининг очилиши ва шаҳар марказий кўчаларидан бирига Мирзо Улуғбек номининг берилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда ҳар икки республиканинг Президентлари ҳам иштирок этдилар, улар халқларимизнинг ўзаро қадимий ва азалий дўстлик алоқалари, адабиёт ва маданият соҳасидаги ҳамкорликлари, бунда айниқса буюк ўзбек шоири Алишер Навоий, улуғ озарбайжон ижодкори Низомийларнинг алоҳида хизматлари ҳақида фахр билан гапирдилар. Жумладан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу ҳақда шундай деди: "Тўрт йил аввал Тошкентда Низомий ҳайкали очилган эди. Эндиликда Бокуда Навоий ҳайкали қад ростлади. Халқларимиз Навоий ва Низомийни бирдек ҳурмат билан мутулаа қилиб, уларнинг ижодидан илҳомланиб яшайди, бир-бирини таржимонсиз тушунади. Бу бизнинг катта бойлигимиздир. Ўзбекистон кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, лекин Озарбайжон билан муносабатлар мана шундай маънавий яқинлик туйғайли алоҳида ажралиб туради".

Бундан ташқари мазкур маросимда Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг таниқли шоирлари, адабиётшунос олимлари, рассомлари ва шеърят ихлосмандлари ҳам иштирок этганлар.

Биз шу муносабат билан қўйда ҳар икки халқнинг қадимий адабий-маданий алоқалари ва уларнинг кейинги ривожига тўғрисида мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.

ТАҲРИРИЯТ

Ўзбек халқи дунёдаги барча халқлар каби қардош озарбайжон халқи билан қадимдан адабий-маданий алоқада бўлиб келган. Уларнинг бу ўзаро алоқалари кейинчалик тобора кенгайиб бориб, озарбайжон адабиётида Низомий ва Фузулий, ўзбек адабиётида Навоий ва ундан кейинги даврларда кучая борган. Уларнинг асарлари ҳар икки халқнинг аввалги эски мактаб ва мадрасаларида, сўнги замонлардаги дунёвий Янги усул (жадид) мактабларининг ўқиш китобларида ёнма-ён ўқитилиб келинган, ёд олинган.

XX асрнинг бошларида ҳар икки халқлар ҳаётида ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар таъсирида жонлана бошлаган янги матбуот, адабиёт ва театр алоқалари янги йўналиш ола бошлади. Бу даврда Тифлисида чиқиб турган озарбайжонча "Мулла Насриддин" (1906), "Фаюзот" ва бошқа журналлар орқали Алиакбар Собир, Жалил Муҳаммадқулизода, Муҳаммад Ҳоди асарлари Туркистонга қанчалик кенг тарқалган бўлса, бу ерларда чиқиб турган "Ойина" (1913) "Садойи Туркистон", "Садойи Фарғона" (1914) каби ўзбекча газета ва журналлар орқали М.Бехбудий, Фитрат, Ҳамза, С.Айний, Сиддиқий (Ажзий), А.Авлоний ва бошқаларнинг маърифатпарварлик ва сатирик асарлари ҳам Озарбайжонга шунчалик тез тарқала бошлаган эди. Улар ҳар икки халқни жаҳолатга, қолоқликка қарши илғор маърифат ва тараққиёт учун

кураш руҳида тарбиялашда катта рол ўйнадилар. Бу алоқалар айниқса 1916 йилда Туркистонга Озарбайжон театри режиссёри Сидқи Рухуллоҳнинг келиши ва унинг бу ердаги маҳаллий ўзбек театри ҳаваскорлари А.Авлоний, Хуршид, Маннон Уйғур билан бўлган ижодий ҳамкорликлари натижасида Тошкентда "Лайли ва Мажнун" асарининг қўйилиши билан яна ҳам кенгай бошлади. Бундан ташқари ўша йили яна Тошкентга машҳур Озарбайжон сатирик-ёзувчиси Жалил Муҳаммадқулизодининг келиши ва унинг бу ердаги "Колизей" театрида ўзи иштирокида "Ўликлар" номли сатирик пьесасининг ўзбек томошабинларига кўрсатилиши ҳам бу ердаги маҳаллий театр шинавандаларини озарбайжон театр ва адабиётига бўлган ихлосларини кучайтира борди.

Ўзбек-озарбайжон адабий-маданий алоқаларининг кучайиши билан бирга бу даврда ҳар икки халқнинг илғор адабиёт, матбуот, театр намоёндаларининг ўлкадаги амир-амалдорлар ва чор мустамлакачи тўраларнинг сатирик қиёфаларини фош қилувчи асарларга бўлган таъқиб ва назоратлар ҳам тобора кучая борди. Булар ичида айниқса шу даврда Бухоро амири зулми ва Чор мустамлакачилиги сиёсатини кескин фош қилиб, уларга нисбатан халқ нафратини кучайтираётган машҳур озарбайжон сатирик журнали "Мулла Насриддин" уларнинг диққатини ўзига торта бошлади. Унинг

Туркистон ва Бухорога кенг тарқалиши чор махфий оҳранкасининг алоҳида қузатуви остига олина бошлади. Ўша даврда Тифлисида чиқиб турган "Мулло Насриддин" журналининг Бухорога қанчалик тез тарқалиши ва амирага кўрсатган таъсири ҳақида 1909 йилда Бухородаги чоризм сиёсий махфий идораси айғоқчиси бўлиб ишлаган Буйлин ахборотида айниқса очиқ сезилади. Унинг сўзига қараганда ўша йилларда "Мулло Насриддин" журналининг Бухоро амирлиги пойтахтида пайдо бўлган ҳар бир янги сони ҳам амирини ниҳоятда ташвишга солган ва ғазабга келтирган экан.

Буйлиннинг хабар беришига қараганда, амир бу журнални кўрганда худди безгак тутгандек касал ҳолига тушиб қолар экан. (Қаранг: З.Ражабов. "Россия и таджикская литература конца XIX - начала XX века, Таджикистиздат-1959. Стр. 371).

Ўзбек-озарбайжон адабий-маданий алоқалари 1917 йил рус феврал инқилобидан кейин бутун чор мустамлакачиларидаги бўлгани каби Кавказорти ва Туркистонда бошланган миллий истиқлол ҳаракатлари билан чамбарчас боғланиб кетди. Озарбайжон халқининг илғор зиёлилари ҳам туркистонлик қардошларини чор истибдодидан тезроқ қутулиб, миллий истиқлол олишларини кўллаб-қувватлайдилар. 1917 йил ноябр охирида эълон қилинган Туркистон Мухториятидан сўнг Тошкентда чиқиб турган "Улуғ Туркистон" газетасининг 1917 йил 31 декабр сониди озарбайжон миллий гимнининг муаллифи бўлган машҳур бастакор Узайирбек Ҳожибековнинг "Миллий марши" босилди.

*Буюрдилар майдона, санчдўк,  
Тузилдик аскарлар саф бўлиб.  
Юрайлик, шавқда душман тараф,  
Билингиз, Темурдир бизга салаф.*

#### **Такрор:**

*Кирингиз майдона, сизки шер!  
Олингизда шамшир ила, тир!  
Дилингизда бўлсун бу зикр!  
Олло, Олло, ё Акбар!  
Темурлари, Темурлари!*

*Ки ул замон, турк ҳукмрон,  
Туркка мадҳ, насиб жаҳон.  
Энди кўр, кечди на зиллат,  
Чекди бу миллат!*

Озарбайжон бастакори Узайирбек Ҳожибековнинг ўзбек матбуотида босилган бу миллий марши ўша даврда ўзининг миллий уйғониш руҳи билан ўзбек ижодкорларидан Чўлпоннинг "Озод Турк байрами" (1917), Ҳамзанин "Туркистон мухторияти" (1918) асарларидаги миллий истиқлолчилик гояларига ниҳоятда ҳамоҳанг бўлиб эшитила бошлади.

Бу алоқалар кейинчалик бутун собиқ СССРдаги каби Туркистон ва Кавказ ортида Сталинча сиёсий тузум зуғумлари кучая бошлаган даврларда ҳам тўхтаб қолмай, баъзи бир қийинчиликлар билан бўлса-да давом этди. Бу ҳамкорликлар йигирманчи йилларда асосан матбуот, адабиёт, театр ва илм-фан соҳаларида бўлди. Бунда айниқса, ҳар икки халқнинг қадимий тарихий, маданий-адабий дўстлиги, шонли анъаналарининг таъсири муҳим рол ўйнади. Бу йилларда Ўзбекистонга Озарбайжондан машҳур туркийшунос олим, профессор Оғамали ўғли, Боқир Чўбонзода келиб, бу ердаги янги ўзбек маорифи ва маданияти ишларида фаол иштирок этади. Фитрат,

Чўлпон, Шаҳид Эсон Мусаев ва бошқалар билан мулоқотда бўладилар. Улар айниқса, эски араб алифбесидан янги лотин алифбесига ўтиш борасидаги талбирларда ўзбек зиёлиларидан Ғози олим Юнусов, Боту, Шокир Сулаймон ва бошқалар билан бирга жонбозлик кўрсатдилар. Ҳали Ўзбекистонда Навоий юбилейлари кенг нишонланмаган бир даврда Озарбайжон олим ва ёзувчилари 1925 йил Бокуда ўзбек халқининг буюк шоири Навоий юбилейини ўтказиб, уларнинг юбилей кунлари қилинган энг яхши маърузалари 1926 йилда Бокуда "Навоий" номи билан алоҳида китоб бўлиб нашр этилади.

Бундан ташқари озарбайжон олим ва санъат усталари бу даврда Ўзбекистон учун юқори малакали, илмий ва санъат кадрлари тарбиялаб етказишда катта ёрдам кўрсатдилар. Йигирманчи йилларнинг бошлари ва ўрталарида Ўзбекистондан Озарбайжонга таниқли адабиётшунос ва фольклоршунос олимлар Олим Шарафуддинов, Ҳоди Зариф, маориф ходимлари Файзулла Султонов, Ҳожимурод Абдуллаев, шоир Ғайратий ва бошқалар олий махсус ўқув юрларида таҳсил оладилар. Озарбайжон ва турк адабиёти, тилини ўрганадилар, кейинроқ улар кетидан (1925 йилдан) Тошкентдан Боқунинг бир неча санъат ва театр билим юрларида Сайфи Қори Олимов, Ҳалима Носирова, Ҳақима Хўжаева, Назира Алиева каби бир қанча ўзбек йигит ва қизлари бориб ўқиб қайтдилар.

Шундан кейинги даврда ўзбек вақтли матбуотида ўзбек санъаткорлари, шоирларининг бу дўстликнинг шонли тарихий анъаналари, озарбайжон халқининг ўзбек халқига бўлган қардошлик меҳрлари ҳақидаги қатор шеър, очерк, мақола ва лавҳалари ҳам босила бошлади. (Масалан, Чўлпон, "Шайх Санъон" (1923), "Ойдин" (1927), "Фузулий пичинглари" (1936), Юнус Латиф, "Жаббор Жабборзода", Элбек, "Фузулий ва Навоий", Ҳ.Олимжон, "Озор қизи", Ғ.Шоди, "Ой шаҳар" (1928), М.Шайхзода "Озарбайжон халқининг санъати", Ҳ.Носирова "Санъат бешиги" (1939). Хусусан, Фулом Шодининг "Ой шаҳар" (1928) шеърида Боку тунларида порлаб нур сочиб турган ададсиз электр чироқларини кўкдаги юлдузларга қиёслаш орқали ўша даврлардаги кенг Ҳазар бағридаги илғор санъат шахрининг жонли манзараси яратилади.

*Кенг Ҳазар қўйнида  
Мен оқиб келганда,  
Ярқираб оловдай  
Юзимга ташланди.*

*Муҳташам қурилиши,  
Кўнглимда чексиз зўр.  
Бир умид бошланди,  
Куларди меҳнат, ши.*

*Сийнангда чироқлар,  
Нур сочиб ёнади.  
Табиат қизлари -  
Кўкдаги юлдуздай кўринар*

Озарбайжон олим ва ёзувчилари ҳам ўзбек классик ва замонавий адабиётининг улуг намояндалари Навоий, А.Қодирий асарларини озарбайжон тилига маҳорат билан таржима этиб, улар ҳақида қизгин тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бора бошладилар (масалан "Навоий", мақолалар тўплами, Боку, 1926), Холид Саид, А.Қамчинбой "Абдулла Қодирий ҳақида" ("Ўтган кунлар"нинг озарбайжончага таржимасига сўзбоши,



(1928), Ҳ.Орасли "Навоий ва озарбайжон адабиёти" (1948), "Сени эслаيمان" (Ф.Ғулом ҳақида. 1967).

Озарбайжонда яшаб турган таниқли туркийшунос олим Халид Саид ҳали 20-30-йилларда Абдулла Қодирий асарлари ҳақида ўзбек матбуотида вульгар социологик қарашлар кучли бўлган бир вақтда "Ўтган кунлар"нинг озарбайжончасига ёзган сўзбошисида унинг тарихий романлари, айниқса, "Ўтган кунлар"нинг Ўзбекистондаги тарихий-ижтимоий, тарбиявий аҳамияти тўғрисида биринчилардан бўлиб катта баҳо берди. Бу ҳақда алоҳида тўхтаб, "Роман ўзбек адабиётининг биринчи романларидан ҳисобланади. Асарда ўзбек ҳаёти, хотин-қизлар турмуши, уларнинг юмшоқ, гўзал табиатлари, севги-садоқат ва ширин қилиқлари нафис тасвирланган. Асар реалистик, Абдулла Қодирий ўзбекларнинг Мирза Фаталисидир.

Бу роман Ўзбекистонда ҳар бир саводхон ватандош томонидан севилиб ўқилмоқда ва ўқилажак", деб фахр билан ёзган эди. Кейинчалик Озарбайжонда ўзбек мумтоз адабиёти, айниқса Навоий ва озарбайжон адабиётининг жонкуяр тарғиботчиси, профессор Ҳамид Орасли ўзбек классик ва янги давр адабиёти, унинг улкан намояндлари, Навоий, Ғафур Ғулом ҳақида ёзган мақола ва эсдаликларида Навоий ва Ғузулий, Навоий ва Жомий ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янги даврдаги ривожига ҳақида тўхталиб, Самад Вурғун ва Ғафур Ғулом, Мирзо Турсунзода, М.Шайхзодаларнинг дўстлик давралари, бунда айниқса шоир Ғафур Ғуломнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида фахр билан шундай ёзган эди: "Марҳум Ҳамид Олимжон билан биргаликда сени илк бор кўрганман, Ғафур!.. Мақсуд Шайхзода уйда меҳмон сифатида, дўстона суҳбатда бўлди, бизни Навоий ва Ғузулий газаллари яқинлаштирди. Самад Вурғуннинг ўша мажлисда ўзбек халқи, ўзбек адабиёти шарафига айтган самимий сўзларига жавоб нутқи сўзлаган ҳам ўзинг эдинг. Суратда биз билан биргаликда марҳум Садриддин Айний, Самад Вурғун, Мақсуд Шайхзода ва Мирзо Турсунзода ҳам бор эдилар. Биз Бокуда, Тошкентда Низомий, Навоий юбилейларида, шеър, санъат анжуманларида, илмий кенгашларда тез-тез учрашиб турдик. (Ҳамид Орасли, "Сени эслаيمان" (Боку, 1967 йил, 7 феврал), "Ўзбекистон маданияти", 1967, 15 феврал).

Абдулла Авлоний, М.Уйғур ва Сидқий Рухуллонинг XX аср бошидаги театрчилик алоқалари билан боғланган бу дўстлик 20-50 йилларда Ғайратий ва Сулаймон Рустам, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Орасли, М.Шайхзода ва Самад Вурғун ва бошқаларнинг адабий-илмий алоқалари билан янада бойий бошлади. Бу даврда энди Ф.Ғулом ва Сулаймон Рустам дўстлиги, Зулфия ва Марварид Дилбози дўстликлари ўша Навоий ва Низомий, Алиакбар Собир ва Абдулла Авлоний, М.Қулизода ва Абдулла Қодирий дўстлигининг қонуний давоми ва ривожига сифатида кўрина бошлади. 60-70 йилларда ўзбек-озарбайжон адабиётининг янги авлодлари Эркин Воҳидов, А.Орипов, Ҳалил Ризо ва бошқалар бу улкан анъанавий дўстликни янги поғонага кўтара бошладилар. Ҳамид Ғуломнинг "Озарбайжон гўзали", А.Ориповнинг "Озарбайжон" номли шеърларида ҳар икки халқнинг қадимий ва мустақкам дўстлик алоқалари ишқий лирик ва умуминсоний фалсафий ғоялар замида ёритилди. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони, Абдулла Ориповнинг шеърларида ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги бу дўстлик чуқур тарихий илдизлари, янги давр шароитида уларнинг янги ютуқ ва самаралари ҳар икки қардош халқнинг турли тарихий ва замонавий қаҳрамонлари фонидан образли ташбеҳлар орқали ифода этилди:

*Сўйласин минг йиллик мўйсафид тарих,  
Бу дўстлик билганми шубҳа, ғумонни...  
Низомий болидан ҳалво пиширмиш,  
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.  
Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек  
Ўзинг айт, Ғузулий битган девонни.  
Азизим, дилимда асраб юрибман,  
Насимий қолдирган собит имонни.  
Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,  
Озор ҳам аярми Ғафурдан жонни,  
Воқифдан Мушфиқнинг сатригача  
Маҳлиё айламиш пиру жувонни.*

1979 йил июнда Озарбайжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси ва ўша йили охирида Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтди. 1980 йил июнда эса Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари тантаналари бўлди. Шу муносабат ила Озарбайжон ва Ўзбекистонда ҳар икки халқнинг энг қадимги даврдан кейинги йилларгача бўлган фольклор, ёзма адабиёти, театр ва мусиқа соҳасидаги ўзаро алоқалари ҳақида таниқли ўзбек ва озарбайжон олимлари, ёзувчи ва шоирлари, театр мутахассисларининг қатор мақола ва тадқиқотлари босилиб чиқди. Профессорлардан Н.Маллаев, В.Абдуллаев, С.Эргашев, Паноҳ Ҳалилов, Жаннат Нагиева ва бошқаларнинг тадқиқот ва китобларида Навоий ва Низомий, М.Фатали Охундов ва Ҳамза, А.Қодирий, С.Вурғун ва Ф.Ғулом ижодлари муносиб ўрин олиб келди. Озарбайжон мумтоз адабиётининг буюк вакиллари Низомий ва Ғузулий янги замон сўз санъаткорлари С.Вурғун, Меҳти Ҳусайн асарлари ўзбекчага таржима бўлиб, юбилейлари Ўзбекистонда нишонланди. Озарбайжон халқининг улуг фарзанди, шоир ва олим Мақсуд Шайхзода бутун умри давомида Ўзбекистонда Низомий номидаги педагогика университетида ўзбек адабиёти тарихидан дарс берди. Навоий бўйича йирик тадқиқотлар яратди. Шеърят ва драматургияда самарали ижод қилди. Озарбайжон олими ва шоири Халил Ризонинг "Мақсуд Шайхзода ижоди ва XX аср ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари" номли йирик монографияси ҳам узоқ даврдан буён давом этиб келётган шу адабий-илмий ҳамкорликнинг самарасидир.

1984 йил ўзбек ва озарбайжон адабиётшунос олимлари билан ҳамкорликда Бокуда "Ўзбек ва озарбайжон адабий алоқаларининг саҳифалари" номли махсус тўплам нашр этилди.

Бу алоқалар ҳар икки жумҳуриятларнинг мустақилликка эришганларидан сўнг, (1991 йилдан кейин) янги миллий истиқлол ғоялари асосида давом этди. Шоир Усмон Қўчқор машҳур озарбайжон драматурги Ҳусайн Жовуднинг ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темурга бағишланган "Амир Темур" драмасини, Ю.Самадўғлининг "Қатл куни" романини, шоир Рауф Парфи озарбайжон маърифатпарвари Муҳаммад Ҳодининг шеърларини таржима этиб, чоп этдилар. Низомий номидаги педагогика университети ўқитувчиси Азим Шоимов бу йил "Ҳусайн Жовуд ва ўзбек адабиёти" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Бу фактларнинг ҳаммаси ўзбек ва озарбайжон адабиётларининг қадимий ва амалий алоқалари яна ҳам давом этаётган бугунги мустақиллик даврида унинг авлодлар томонидан тобора ривожлантириб борилаётгани ҳам табиий ва қонуний эканини кўрсатади.





Ашурали БОЙМУРОД



# Мен яқин Боряпман нигоҳинг сари

## ВАТАН

Ватан сувератини чизмоқлик шараф,  
 Уни сатрларга тизмоқлик шараф,  
 Ватан боғларида кезмоқлик шараф,  
 Самода қуёндай балқиган Ватан,  
 Киприкдаги ёшдай қалқиган Ватан.  
 Сен уни аввало чизгил юракка,  
 Неки сатринг бўлса, тизгил юракка.  
 Сендан ҳадя бўлсин бир гул юракка,  
 Ўзинг офтобимсан, моҳимсан, Ватан,  
 Бўғзимдаги сўнги оҳимсан, Ватан.  
 Гўдакнинг кулгуси, аёл носиси.  
 Қизлар табассуми, йигит наъраси,  
 Муҳаббат шодлиги, ҳижрон яраси,  
 Асло унутилмас, бу танда қолар,  
 Азизим, тоғанинг Ватанда қолар.  
 Ватандин азизроқ ошён топилмас,  
 Бундайин висол йўқ, бир он топилмас,  
 Ундан кетар бўлсанг, имкон топилмас,  
 Ризқ-рўзинг, насибанг, нон ҳам Ватандир,  
 Уни деб тикканинг жон ҳам Ватандир.  
 Мен ундан ўргандим оқу қорани,  
 Ватан яқин қилгай манзил, орани,  
 Топарсан у билан сўнги чорани,  
 Дилдаги ёзмишим, дармоним Ватан,  
 Истагим, орзуим, армоним Ватан.  
 Ватанни сўрма сен ватангадодан,  
 Ундайлар қўрқмайди ҳатто Худодан,  
 Ҳаётни англадим асрий нидодан:  
 Оҳларим, зорларим, боримсан, Ватан,  
 Мангу суянчиғим — ёримсан, Ватан!

## БУХОРОЛИК ҚИЗГА

Ҳой, нозанин, қора қиз,  
 Жонга бердинг оро, қиз,  
 Висолинга етмакка  
 Тополмадим чора, қиз.  
 Сен тун эмас, ойимсан,  
 Ой каби мулойимсан,  
 Ўша ойга етай деб  
 Бўлди бағрим пора, қиз.  
 Бухоронинг Аркидан  
 Мўралайди бир сулув.  
 Тошкентга таклиф ёзсам,  
 Келармикин зора, қиз.  
 Бурро-бурро сўзларинг,  
 Қора мағиз юзларинг,  
 Излаб-излаб топганим  
 Ушал сенму Лайло қиз?  
 Узун-узун киприклар  
 Санчилсада, кўксимга,  
 Сен сочингни дор айлаб  
 Осма мени дора, қиз.  
 Тасаддуқман ўзингга,  
 Моҳи пайкар Бухоро,  
 Шошдан қайтдинг бепарво,  
 Дилим айлаб яро, қиз.  
 Нозингни қўй, гўзалсан,  
 Шоҳ байтимсан - газалсан,  
 Ашур ҳолин кўрмакка  
 Ўзинг кел, бир бора қиз.

\* \* \*

Мен яқин боряпман нигоҳинг сари,  
 Балки теккандирман бироз жиғингга.  
 Аммо кўз олдиндан кетмасман нари,  
 Майли, кўмиб олгин қорачиғингга.

Қувиб солармисан мени ногаҳон,  
 Ўзинг ҳам нишонмай ишқий дардингга.  
 Мени асир этган бошқа бир макон -  
 Мангу кўмилганман сенинг қалбингга...

## ҚОРА ҚАЛАМ

Қора қалам оқ тунимни қоралади,  
 Қора булут ортидан ой мўралади.  
 Қора терга пишиб артгач юлдузларин,  
 Қора тундан оппоқ туйғу яралади.

\* \* \*

Юрагимда қийноғим бордир -  
 Менинг юрак ўйноғим бордир.  
 Юрагинг оч, эй севикли ёр,  
 Унга имзо қўймоғим бордир.

Илк бўсадир севгининг муҳри,  
 Муҳаббатга очар ҳатто йўл.  
 Ошиқман деб юрибман бекор,  
 Мен қалбингга қўёлмасдан қўл...

\* \* \*

Ибодатим ўзингсан, севги,  
 Саодатим ўзингсан, севги.  
 Изламасман Арши аълодан,  
 Бор ҳаётим ўзингсан, севги?



Тирикликнинг фасли ҳам шудир,  
Куйламоқлик ўзимга одат.  
Мен ўзинга сиғиндим, Севги,  
Ёлғиз сенга қилдим ибодат!

### ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғимнинг майсазорин соғинганим рост букун,  
Қалдирғочнинг қанотига шеърин мактуб битгайман.  
Болаликка бир бор қайтмоқ - о, нақадар соз букун,  
Болалигим, сени эслаб соғинч ила ўтгайман.  
Тошариқлар, ялпиз ҳиди кечагидек ёдимда,  
Момоларнинг сумалагин хўб талашиб еганмиз.  
Кўча қишлоқ болалари баҳслашар кўз олдимда,  
Не бўлса ҳам бизнинг қишлоқ барибир зўр деганмиз.  
Тошариқдан тепагача гоҳо сузиб ўтардик,  
Тепаликдан то сойгача юмаларди болалик.  
Қамишзорлар шовулласа биз мўъжиза кутардик,  
Эсга олдинг, сўнги дамда нималарни болалик?  
Қишлоғимнинг тўлқинига мен ҳам сингиб кетгайман,  
Ҳамқишлоқлар қуёшни ҳам ўз ерига буради.  
Мўъжас Ватан таърифини мен мақтаниб ўтгайман,  
Аҳат қишлоқ одамлари доим олдин юради.  
Қишлоғимнинг майсазорин соғинганим рост бу кун...

### КЎЗМУНЧОҚ

Дунёнинг кентлари, шаҳарлари кўп,  
Гўзал манзиллари, гавҳарлари кўп,  
Юртин мақтагувчи заргарлари кўп,  
Хорижлик суқланиб қарагани чоғ, Ватан,  
Меҳрим сенга бўлсин кўзмунчоқ.

Ёмон кўз тегмайди, минорларим бор,  
Осмонга бўй чўзган чинорларим бор,  
Ишқомда ҳусайни, анорларим бор,  
Букун териб олдим тўлдириб қучоқ,  
Ватан, боғларингда турфа кўзмунчоқ.

Сарҳадинг кўриқлар ҳушёр ўғлонлар,  
Элим деб ёнғувчи бисёр ўғлонлар.  
Мангу бир қўшиғу алёр ўғлонлар.  
Етти тарафида етмиш кўзмунчоқ,  
Оналар дуосин этмиш кўзмунчоқ.

Аждодлар мероси - туганмас мерос,  
Уни тумор айлаб ҳар гўшага ос,

Ўзбек яшайверар ўзлигига хос,  
Бало-қазолардан асрайди мудом,  
Яссавий, Термизий, Нақибанд бобом.

Бу юртда яшайди оламнинг сеҳри:  
Дехқоннинг меҳнати, пешона тери.  
Бугдойи, пахтаси ва ерга меҳри.  
Ҳосилин йиғолмай эгилган шохлар,  
Кўзмунчоқ кабидир олтин бошоқлар.

Мен маъно изладим турфа сўзлардан,  
Эртамни кўряпман, ўғил-қизлардан,  
Аллоҳим асрасин ёмон кўзлардан,  
Гуллаган воҳага тўлсин кўзмунчоқ,  
Ватан, меҳрим сенга бўлсин кўзмунчоқ!

### САБР

Сабр қилсанг азизим, мурод униб чиқаркан,  
Бахт эшигин очмоққа букун фурсат керакдир.  
Шоир зоти сўзлардан гўё бир тоғ йиғаркан,  
Зотан замин вазмину осмон эса йироқдир.  
Юрак-бағринг эзилиб бўлар экан дostonча,  
Шоир, сенга Худойим сабр берсин осмонча.

Шошилма кўп иззатга, канда қилма савобни,  
Шеърдан бунёд бўлгандир Самарқанду Бухоро.  
Ишқ ташлаган саволга шеърдан топдинг жавобни,  
Девоналиғ номини олсанг ҳамки эл аро.  
Сен сабрнинг фарзанди, ўтарсан хўб ёзганча,  
Шоир, сенга Худойим сабр берсин осмонча.

Шоирга халал берманг, тўксин дилда борини,  
Осмон тор келганида юрагин кенг қилар у.  
Куйласин жўшиб ватан ҳамда гўзал ёрини,  
Ўзгага ҳузур бериб, ўзин бағрин тилар у.  
Бу шундайин дард эрур, кетолмассан қочганча,  
Шоир, сенга Худойим сабр берсин осмонча.

Букун сабр дарахти чиндан яшинаб турибди,  
Қудратли мўъжиза бу, озодликни яратган.  
Илдизлари бақувват, шохин кўкка урибди,  
Эл-улуснинг нигоҳин бир чаманга қаратган  
Куйлагайман эй, халқим, дилдан тўлиб-тошганча,  
Ашур, сенга Худойим сабр берсин осмонча.



Шахло БОТИРОВА



## РОМАНЧИЛИКДА ЭВРИЛИШЛАР

Роман бадиий адабиётнинг нисбатан навқирон, ривожланишда давом этаётган замонавий жанрларидан бири ҳисобланади. Жаҳон адабиётида у драма, дoston сингари жанрлардан анча кейин пайдо бўлган. Ўзбек романчилиги ҳам салкам бир асрлик тараққиёт тарихига эга. Абдулла Қодирий етук намуналарини яратиб берган ўзбек романчилиги тез ривожланди, ўсди, изланди ва адабиётимизнинг асосий жанрларидан бирига айланди.

Ўзбек романи руҳи поэзияга, драматургияга таъсир этди ва шеърый романлар, романга монанд драмалар яратилди. Ўзбек адабиётида тарихий, биографик, мистик, фантастик, детектив, сатирик ва маиший романлар пайдо бўлди.

Ўтмиш даври муаммолари фақат мамлакат иқтисодиёти ёки сиёсатига эмас, жамият эстетикасига, маънавиятига, маданиятига ва маорифига ҳам ҳосидир. Роман жамият бадиий-эстетик тафаккурини инийкос қилувчи жанр бўлгани учун ҳам воқелик ичра эврилиши, инсон ўй-хаёллари, кўрган-кечирганлари, топган-йўқотганлари билан бадиий талқинга жалб этилади. Ҳозирги турланиб-тусланиб турувчи бозор иқтисодиёти шароитида инсон яна бир бор синовдан ўтади. Моддий манфаатдорлик қанчалар қийинлашгани сайин инсон онгида ечимсиз муаммолар бўй кўрсата боради. Бу нафақат давр, воқелик ичра тизимсиз ўй-хаёллар ичра эврилган инсонни бадиий кашф этган модерн романларига хос хусусият бўлибгина қолмай, анъанавий реалистик романлар қаҳрамонлари руҳиятига ҳам хос хусусият бўлиб намоён бормоқда.

Роман изланишга имкон берувчи жанр. Сўнгги 10-17 йил ичида яратилган "Лолазор", "Отамдан қолган далалар", "Минг бир кеча", "Фано даштидаги қуш", "Капалаклар ўйини", "Жазирамадаги одамлар", "Мувозанат" сингари асарлар бу жанр имкониятлари, роман тарихи, тадрижи ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга ундайди.

Жаҳон адабиётида романнинг тараққиёт йўли раво бўлмаган: Л.Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", Ж.Жойснинг "Улисс" асарлари моҳиятан ўта сирли, шаклан мураккаб романлар сирасига киради. Бундан ташқари Марсел Прустнинг "Йўқотилган вақтни излаб",

Уильям Фолкнернинг "Кошона", "Ривоят" каби фалсафий романларига ҳар кимнинг ҳам тиши ўтавермайди.

Инсон руҳиятининг таҳлили, уни чуқур тушуниш ва тасвирлаш маҳорати — адабиётнинг туб моҳиятини белгилувчи хусусиятлардан бири даражасига кўтарилиши бирданига юз бермаган. Жумладан, Аристотелнинг "Поэтика" асарида қайд қилинишича, бадиий асарнинг асосий белгиси — ташқи ҳодисаларнинг тасвиридор, характер эса ташқи ҳодисалар тасвиридан кейинги воситадир.

Адабиётшунос Ҳотам Умунов ёзганидек, "А.Қодирий "Ўткан кунлар" романида Отабек ва Кумушларнинг дилбар қалби, ички дунёси тасвирида аналитик ("қалб диалектикаси") принципига амал қилган. Ёзувчи бутун эътиборини бош қаҳрамонлар ҳис ва эҳтирослари таҳлилига, лирик интим туйғулар туйфайли пайдо бўлмиш фикрлар диалектикасига қаратади". Отабек ва Кумуш қалбидаги ранго-ранг кечинмалар, ширин, мастона ва оғир кайфиятлар, психик, фожиавий драмалар, трагик коллизиялар ва оилавий-маиший, демек, ижтимоий томонлар билан боғлиқдир.

Танқидчи Умарали Норматов айтганидек, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романи "Ўткан кунлар" билан бошланган XX аср ўзбек романчилигининг муносиб якуни дегингиз келади. "Асрнинг илк романи билан сўнгги романи "Бозор" ўртасида муайян муштаракликлар бор. "Бозор" қаҳрамони "Ўткан кунлар" қаҳрамони Отабек исмига оҳанглош тарзда Фозилбек деб аталган. Фозилбек ҳам Отабек сингари бозор — тижорат одами. Отабек миллат тарихининг энг қалтис бурилиш палласида, Чор Россияси босқини — истибдоди арафасида нажот йўлини излайди; Фозилбек эса салкам бир ярим аср давом этган истибдоддан сўнг истиқлолнинг дастлабки йилларида, миллий тикланиш палласида, янги ижтимоий муносабатларга ўтиш жараёнида йўл қидиради".

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романи ҳам онгда кечаётган ўйларнинг мураккаб, табиий оқими тарзида ёзилган бўлиб, роман қаҳрамони Фозилбек бир қарасангиз, ҳаётини бозорсиз тасаввур қилолмайди, бир қарасангиз, бозорни мутлақо жини суймайди. Ана шу



зидиятли туйгулари орасидаги дарбадар ўй-хаёллардан Фозилбекнинг ҳеч кимникига ўхшамаган дунёқарashi, қизиқишлари, изтироблари ва тафаккури шаклланади. Бозорда ҳар ким керагини сўрайди, ҳар ким топганини сотади, эпланини олади. Бозор мана-ман деган инсонни ҳам бозорга солади. Чунки "нафс" деган бир балои азим бор. Фозилбек: "Бозор — одамларнинг асл башарасини кундай равшан кўриш мумкин бўлган энг қулай жой", — деб таърифлайди. Шубҳасиз, бу ўринда Фозилбекнинг ушбу мулоҳазалари айни ҳақиқат.

Фозилбек бозорнинг сир-синаотларини кузатиш билан, отаси ва кичик онаси Умри она эса уни уйлаш, яъни унга "муносибхон"ларни излаш билан овора.

Фозилбек онасидан қолган жумбоқларга тўла ва англаб бўлмас соғинч туйғуси билан, онасининг ўлимига доимо ўзини айбдор ҳис қилади.

Хуршид Дўстмуҳаммад "Бозор" романида Қосимбекнинг невараси Аёнбек — бегуноҳ, фариштадай болакай доимо бобоси Қосимбекни кимдир чақиршини айтади. Катталар чиқиб қарашса ҳеч ким йўқ... Бу тасвирда муаллиф болакайни гуноҳсиз, пок ва фариштадек бўлганлиги учун бобосининг жонини олиб кетувчи фаришталар кўзига кўринадиган ва гаплашадиган тарзда тасвирлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Хуршид Дўстмуҳаммад Мустақиллик даври ўзбек романчилиги соҳасида қалам тебратётган ижодкорлар орасида ўзининг ҳаётий, жозибатор, руҳий-маънавий, бетакрор изланишлари орқали ўзига хос муваффақиятларга эришаётган истисодли адибларимиздан бири ҳисобланади.



НАЗМ

### Муяссар САЙФУЛЛОҲ ҚИЗИ



## Ёмғир томчисидай яйрайди бағир

### БАҲОР ЁМҒИРИ

Гўзал ҳислар каби ёғди ёмғир,  
Ҳар бир томчисига юз тутар қизлар.  
Ёмғир томчисидай яйрайди бағир,  
Йигитлар қизларни чиндан севсалар.  
Ошиқ нигоҳини кўзлар топади,  
Лолалар шивирлаб севдим десалар.  
Ял-ял юзларини барглар ёпади,  
Йигитлар қизларни чиндан севсалар.

Қизларжон, мардларга дил беринг фақат,  
Шунда қалбингизда куйлар таралар.  
Тоабат яшайди азиз муҳаббат,  
Йигитлар қизларни чиндан севсалар.

Баҳор ёмғиридек қизнинг севгиси,  
Юракда қолмасин ишқдан яралар.  
Севгидек қадрли ёмғир кулеуси,  
Йигитлар қизларни чиндан севсалар.

### ТОҒЛАР

Тоғлар этагида бошланар баҳор,  
Ҳозгон тоғларини кўрганлар айтсин.  
Лола, гулларни бағрига босиб,  
Севган ёрларини кутганлар айтсин.

Мен ўйнаб ўсган бу баланд тоғларда,  
Барно қиз-йигитлар шодон ўйнасин.  
Ранг-баранг гулларни териб қувнашиб,  
Қувончдан қошлари камон ўйнасин.

Жаҳонга танилган рангли тошларда,  
Ризқу насибаси ёзилган халқим.

Тошлардан қурилган шинам уйларга,  
Қадамлари қутлуг келинлар келсин.

Мен ўйнаб ўсган бу баланд тоғларда,  
Халқимнинг орзую умиди кулсин.  
Боғда ўйнаб-ўсган фарзандлар бағри,  
Шу юрт тоғларидек сервиқор бўлсин.

### ЎЗБЕГИМ

Ўзбегимнинг фарзандлари,  
Меҳри дарё пайвандлари.  
Онаизор дилбандлари,  
Тахтларингга кўз тегмасин.

Отасининг мард ўғлони,  
Енгилмаган эй полвони.  
Суяб тургил шу осмонни,  
Бахтларингга кўз тегмасин.

Билагингда гайратларинг,  
Кўксингдадир ҳайратларинг.  
Ул ҳавасми ҳайбатларинг  
Шаҳларингга кўз тегмасин.

Элга ош ошлатай деган,  
Тўй, байрам бошлайин деган,  
Эл боғин яшнатай деган,  
Аҳдларингга кўз тегмасин.

Бори меҳринг элга тутдинг,  
Гоҳ ютқаздинг, гоҳи ютдинг.  
Муяссар мадҳия битдинг,  
Мардларингга кўз тегмасин.

### ГУЛЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Гул танладим, гул танладим,  
Райҳон гулу чинни гул.  
Қулогига шивирладим,  
Сўзларимга қўнди гул.

Гул танладим, гул танладим,  
Нилуфару атиргул.  
Гар ҳидласам хушбўйлари,  
Бор умримга татир гул.

Гул танладим, гул танладим,  
Бойчечагу бинафша.  
Борди-келди қилиб кейин,  
Бизлар бўлдик синашта.

Гул танладим, гул танладим,  
Тоғда ўсган лолагул.  
Юрагимга боқиб кўрсам,  
Ўсмоқда бир нола, гул.

Гулим, гулим, лолагулим,  
Айтгил энди, нетамиз.  
Бу тоғлар бағрига сингиб,  
Юракларга кетамиз.





Собир ЎНАР

# АКА- УКАЛАР

## Ҳикоя

Тўғриси, бизнинг уйга қуёш ҳожи бобонинг иморатидан ошиб тушади. Офтоб бизга нурларини тўшашдан аввал ҳожи бобонинг уйини ёритади: кенг-мўл, девор-дармиёнсиз дашт ҳовлиси. Пастга эниб тушадиган жойда бир оёғи "оқсоқ" Т-28 трактори икки йилдан бери қадалган кўйи, ҳайкалдек туради, мабодо у юрса ҳам ё бирор транспортнинг шатагида, ё пастга қараб шўнғиб ўт олдирилади, қишлоқда аккумулятори соғ транспортни ўзи учратиш қийин.

Ҳар қалай трактор шу туришда бировга зарари тегаётгани йўқ. Ҳожи бобонинг кичик ўғлидан неваралари уни тайёр, "индамас" эшак қилиб минишларини ҳисобга олсак, "фойдали жонивор" қаторига қўшсаям бўлаверади.

Бир уйда уч оила жам бўлган. Катта ўғил чўлда, лекин бола-чақаси шу ҳовлида. Кичик ўғил шу ерда. Кичигининг болалари тўртта. Ўртанчаси иккинчи марта уйланди. Биринчи хотини туғмас чиқди — қўйиб юборди. Иккинчисидан уч қиз бор. Келин, қишлоқ тили билан айтганда нақ "қора товон", яъни кеча-кундуз тиним билмайди, ёзда, кузда яқин-атроф қирнинг тезагини ясалгандай қилиб уйига ташийди. Қиш бўйи уч рўзгор шу ўтин ҳисобидан исинади, роҳатланади. Албатта, бошқалари ҳам қараб туришмас, аммо каттаю кичикнинг тилида шу келин. Кам уйқу ҳожининг ҳар таҳоратига илиқ сув тайёр, ҳар чой сўраганида аччиқ чой ҳам тайёр. Одамлар унга ўғил тирноқ тилашади. Кўпнинг дуоси кўл, боз устига ҳожи бобоям қишлоқда ягона ҳожи — дуоси ижобат бўлиб, ажабмас, Оллоҳ ол қулим деб ўғил ато этса.

У кампири билан яшайдиган кичик нашахонанинг деворига ҳожининг онасидан қолган чилдирма оқ сурпда сақланади. Табаррук. Кампир юз ёшни қоралаб қазо қилди. Тўқсон ёшларидаям авжи келиб сумалак бошида ё артисти йўқ тўйларда қарсиллатиб бир-икки терма айтиб

ташлаб келинчаларни ўйнатиб юборар эди.

Бултур ҳожи бобо Маккаи мунавварага, ҳаж зиёратига борганида онасини ҳам ҳажжи бадал қилдириб кепти. Яхши-да. Шундан бўлса керак, бу уй нурли, баракали.

Менинг синфдошим, ҳожининг кичик ўғли кўпқарига қизиқади. Бир чўбири бор. Гаштак кўпқариларда ҳа-ҳа деб тўдага уриб туради. Норбўта обдон ичар эди, отаси ҳожи бўлгач, таққа тўхтаб номозхон бўлиб олди. Лекин "шайтон ўйини" — кўпқаридан қолмайди.

Биз эртага Қизил олмада бўладиган кўпқарига икки чавандоз ва икки яйдоқ кечин ола йўлга тушдик.

Мен Қизил олмага эмас, шу қишлоқнинг бошидаги қайнотамникига, Ингичкага борамиз, отларни қантарамиз, жойи бор, эрталаб тўйхонага тушамиз, ледим. Кўмак ака бунга кўнмади. Тўй эгаси Қорабош менинг қирқ йиллик қадрдоним, борсак, ҳамма нарсани тўкиб ташлайди, бошқаникига борганимизни эшитса хапа бўлади, деб туриб олди. Қоронгу тушган, лекин электр йўқ. Бизда-ку, кечқурун икки-уч соат чироқ ёнади, бу шўринг қурғурларда шуям йўқ экан.

"Тўй тоға" деб товуш берганимиздан сўнг кимдир оёғига калиш кийиб чиқди. Қорабош аканинг армия жўралари келиб, улар билан ичиб маст бўлиб қолганини айтиб, бермон томон бошланглар, деб сойнинг нариги бетида турадиган Эсиргап дегич укасиникига бошлади. Эсиргап бир чағат жойдан уй солган экан, отларимизга жой тегмай, дуч келган жойга боғлаб ичкарига кирдик. Ўртада мойчиноқ, кун совуқ, печкага ўтин ташланмаган, қунишибгина ўтириб олдик. Бир маҳал дастурхон келди, нон йўқ; аллазамон ўтиб нон келди, чой йўқ. Оббо, бу ёғи неча пулдан тушди энди деб ўтирабердик. Кўмак аканинг жонига тегдим:

— Ҳалиям кеч эмас, сурдик бизнинг қайнотаникига. Аммо ака унамади. Қайнотанг меҳмон қилолмайди.



Булар эл кезиб юрган, донғи чиққач одамлар деб мени мулзам қилди.

Яна бир муддатдан сўнг бир тақсимчада тош конфет ва бир тақсимчада, чамаси бултурги ҳайитдан қолиб кетган парварда келди. Бошқа ҳеч нарса келмади. Чавандозлар бирор ёғлироқ овқат еб қорин тўйгазиш қайғусида, биз ночавандоз, ҳайбаракаллачи Кўмак ака иккимиз тўйда эски ошнарлар билан мириқиб улфатчилик қилиш иштиёқида эдик. Додимиз Худога етмади чоғи, қамоққа тушган тўрт ўғлондай ўтиравердик. Овқатдан дарак йўқ, ҳеч ким хабар олмайди. Ухлайлик десак, уй совуқ, печкага ўт қаланмаган. Бир вақт бир одам келиб печкага ўт қалаб керосин сепди, олов ёнгандай бўлди, аммо у яна ўчди. Қайтанга уй тутунга тўлди.

Кўмак ака димиқиб деразани очди. Дераза ортидан бир ниманинг хириллагани эшитилди.

— Ана, меҳмонга сийлов деб қўй сўйилаётир, — деди Кўмак ака хурсанд бўлиб қўлларини бир-бирига ишқалаганча.

Лекин хирилдоқ узоқ давом этди ва бирдан тўхтаб, "онангни фалон қилай", деган бўғиқ сўкинишга айланди. Ҳар қалай бу "сийлов" биз учунми, бошқа бировга аталганми — дабдурустдан билиш қийин эди. Алоҳа, бунинг орқасидан тарсиллаган товуш келди. Чамаси икки эркак бўғишаётган эди. Кетма-кет сўкинишлардан кейин шундай экани аён бўлиб қолди.

Кўмак ака чиқиб уларни ажратиб қўймоқчи бўлди. Қўйинг, жанжалга аралашиб, эртага мелисага қатнаб ўлманг, деб уни зўрга тўхтатдим. Аммо жанжал зўрайиб, сўкинишлар ҳам олий мақомга кўтарилётган эди. Энди улар бир-бирини таёқ билан солаётгани эшитиларди. Сапчиб ўрнимдан турдим. Агар биз учун уришаётган бўлсанглар, мана, кетдик, сизлар тўхтатинглар, демоқчи эдим.

Шундоқ даҳлизга чиқишимни биламан, оёғим сатилга тегиб кетиб, сув тўкилиб, оёғим сирпаниб, ерга думгазам билан ўтириб қолдим. Орқа оёғим пайпогим аралаш нақ тиззамгача лой, сув бўлди. Шунгаям қарамай ташқарига отилдим. Айвонда, хира фонус ёруғида, устун тагида биров узун тушиб ётибди. Қарасам, аёл киши, кўтариб турғизай десам, ўлик. Тап-тахта бўлиб қотиб ётибди. Ичкаридан бир чол чиқди. Фонусни яқин опкелди. Чол ҳам оғзига келганини қайтармай анови икки уришқоқни сўкиб ётибди.

Аъзои баданим музлаб кетди. Бу ёғи етмагандай энди манови қотилликкаям гувоҳликка ўтсаг-а. Кампирни кўтариб ичкарига олиб кирдик. Нафас олиш йўқ, оёқлари музлаб боряпти. Шу пайт ҳарбий муаллимимиз ҳушсиз одамни орқа бўйнидан маҳкам қисиб бошини олди тарафга эгиш керак деган гапи хаёлимга келди ва шундай қилган эдим, кампир бирдан хириллаб юборди, оғзидан кўпик чиқиб кетди. Аммо энди нафас ола бошлади. Кампирни узала қилиб қўйиб келиними ё қизими бировига оёғини уқалайверинглар, деб чиқиб кетдим. Айвонда чол катта заранг таёқни ушлаб иккала йигитга бу ёққа чиқ, икковингни уриб ўлдираман, деб пўписа қилаётган экан.

— Отахон, қўйинг, биз сизникига тўйга келдик, меҳмонингизмиз, — деб ялина-ялина базўр қўлидан таёқни олдик.

Йигитлардан бирининг боши ёрилиб ётибди, қон шариллаб оқяпти, иккинчисининг эса юзлари тирналган, кўзлари қовоқдай шишиб кетган. Биз шунисини ўртага олдик. Жўражон, бизлар тинч кетайлик,

дўхтир қақир, акангнинг ярасини боғласин, онангниям кўриб қўйсин, дедик.

— Дўхтир узоқда, мен бормаيمان, — деди у.

— Қаерда, биз бориб келайлик бўлмасам.

— Қўшилишда.

— Ўҳў, ўзларингда дўхтир йўқми?

— Бизникиям ўша, Қўшилишдаги.

Шундай деб у бурилиб бошқа уйга кириб кетди. На бўлғай, биз шу ҳолимизча қотиб қолдик. Шу орада бир мотоцикли бор одамни топиб, ялиниб, охири бензин пули деб, тўрт-беш сўм бериб, дўхтирга жўнатдик.

Кўмак аканинг сабри чидамади. Нариги бетга, тўйхонага борайлик, деб туриб олди.

Мен яна Ингичкага борайлик, дедим.

Аммо энди кеч эди.

Ҳамроҳларим — Олмос ва Норбўта полвонлар бу фожеага шерик бўлиб қолишдан чўчиганлариданми ё жанжалдан зада бўлишдими, отларимизниям олиб бу ердан кетайлик, деб қисталанг қилишди. Хуллас, жанжалкашларнинг акаси, тўй эгаси Қорабош полвонникига ўтар бўлдик. Борсак, тагин бояги калишчан дастёр чиқди. Бизни уйга олиб кирди. Кирсак, уй тўла меҳмон, бариси маст. Сигарет тутунидан нафас олиб бўлмайди.

Ноилож кириб ўтирдик. Ҳечқурса қорнимиз қовзанар деб ўйладим. Лекин дастурхон ночор эди. На овқат, на қоринни алдашга дурустроқ нарса бор. Бир-икки пиёла чой ичганимиз ичимизни бир оз илитди.

Кўмак ака мастларга қўшилиб беш-олти пиёла ароқни ютиб олди. Қийшанглаб уларга ўхшаб чучмал хангомалардан ола кетди. Мастлар эса кўпга дош беролмади, чўзилиб-чўзилиб ухлаб қолишди. Ҳатто дастёр йигит ҳам печга суянганча пинакка кетибди. Биз чўзилишимизга умуман жой йўқ эди. Энди уйқу босарди. Иложсизликдан жанжалхонага кетишга мажбур бўлдик.

Борсак, бояги "ўлган" кампир ҳеч нарса кўрмагандай ташқарида гимирсиб юрибди. Ё тавбангдан кетай, бу қанақаси — худди жўрттага қилгандай-а! Бари бир ўлмагани тузук бўпти

Кўмак ака алжираганча:

— Ўлмайди бу тош кампир, менинг онам. Қорабош полвонди шул тувган, — дерди ва тентираганча биринчи бўлиб бояги меҳмонхонага кириб кетди. Биз ҳали этикларимизни ечиб ҳам улгурмай бир аёл ичкаридан отилиб чиқди. Не бўлганини билмай қолдик.

Кирсак, мойчироқ ёруғида Кўмак ака кўзлари ҳайкалникидай тосрайиб қотиб турибди. Кайфидан асар ҳам қолмаган.

— Нима қилдингиз? — деб сўрадим.

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса, — деди у йиғлағудай бўлиб.

— Қариганда буйтиб шарманда бўлмай ўлганимиз яхши.

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса, — дерди у яна, — бояги жанжалкаш йигит деб ўйлапман, қоронғида келинчак эканини билмапман, юзини очсам индамади, кўрпани кўтариб орқасига бир тепсам чийиллаб эчкидай сакраб туриб кетди. Энди нима бўлади?

— Бояги жанжалда одам ўлмади ҳар тугул, ўлса — энди ўлади, тайёр бўп турунг, — дедим.

— Неужели, ай, неужели?

— Мана, қараб турасиз...

Индаллосини айтганда шу хавф-хатар бор эди-да. Шунини ҳисобга олиб уйнинг чиқиш-қочиш тирқишларини мўлжаллаб иккала деразасини ҳам очиб

этикларимизни ҳам кийиб, бардам бўлиб тек турибмиз. Эшик томондан шарпа келса, пастга қараб сакрашга шаймиз.

Дераза орти камида уч қулочлик пастлик, уй нишабга қурилгани учун тош қалаб қўйилган, тошдан нарис пастлик, қуласанг шу ердан қулаб майиб бўласан. Бояги бўғишма шу пастликда рўй берган.

Тонг ҳам ота қолмади, мижжа ҳам қоқмадик. Кўмак ака мастликда қилиб қўйган ишидан пушаймон "мени ўлдириш керак, мени" деб уф тортади нуқул. Деворларга қарасам, нуқул кашта, сўзана илинган, ўртада келин билан куёвнинг тўй либосида тушган чети ёғоч, усти ойнали каттагина портрет сурати.

— Сиз бунинг эмас, нақ келиннинг кетига тепгансиз. Ҳозир куёв болта кўтариб келиб ҳаммамизни чопади, — деб газладим мен.

— Ўлдик, вой, — деди Кўмак ака. — Ростдан ҳам келиннинг уйи бу.

Аммо, не тонгим, қотилликка арзирлик мазкур воқеа бу жанжалли уйда эътиборсиз қолдирилди. Бари бир деразалар ланг очиқ, эрталабга довр чегарадаги ҳушёр аскар мақомида тонгни ҳам оттирдик.

Шунча гавғоларни ўз бағрига сингдирган қиш кечаси жуда узун эди...

Тонг ёришар-ёришмас уйга бир қучоқ ўтин кўтариб чол кирди.

— Меҳмонжонлар, қишнинг изғиринида тиразаларди очиб қўйганларингиз нимаси? Полвонларда булар, полвонлар.

Бу ташрифдан биз бало ариганини чуқур англаб енгил тин олдик. "Қатлга маҳкум" Кўмак ака ҳам дабдурустдан ўзига келиб, чолни отам деб гулдирай кетди.

Печка устидаги чойнак ҳуштак чалиб қайнади. Чой устида кўпкари ҳақида гурунг кетди. Гўё бу уйда кеча суронли жанг-жадаллар бўлиб ўтмагандек.

Норбўта полвон бари бир гап ораси кечаги тепалашган йигитлар сизга ким бўлади, деб сўради. Чол аввал "онангни палон қилайлар" деди-да, сўнг:

— Икковиям менинг улим, — деди.

— Йўғ-э, — деди Олмос чавандоз, — биз тўйдан икки маст келибди деб...

— Калласи ёрилгани кичкинамит. Эркароқ. Беш-олти қафасда каклик сақлайди. Акаси райондаги молиячи жўраси келиб ҳавас қилса, опкетавер деб биттасини

берворипти. Боя келин шуни эрига айтиб қўйипти. Кейин шу жанжал-да: сўяман, чопаман дейди акасини, ўларингиз кўрдингизлар-ку, кимга қийин— ўзига қийин. Болтанинг учи тегса калла кетар эди, кейин нима бўлар эди — ўлар эди. Тўйда аза чиқар эди. Уят-да. Бу ёқда кўпкарига одамлар айтилган. Мана, сизлардай полвонларди миймон қип ётиппиз. Катта улимизнинг Қорабош полвон деб чиққан оти бор, туврима, полвон?

Олмос полвон бўздай оқариб, ҳатто кўкариб кетди.

— Яхши бўлиб қолдими ахир улингиз?

— Нариги томда ўламан деб жотипти, ким билади.

Тоштемир духтур келиб бойлади, унингам кайфи боракан, ароқ сўради, бермаб эдик, кетиб қопти.

— Кампир соғми ишқилиб? — деди Кўмак ака.

— Бу энангди... — деб тагин сўкинди бобой. — Бу икки бирдай жигит разбор қилаверсин, демай ора очаман, деб ўртага тушган. Бирови нари тур деб тирсақлаб юборипти, бориб каллани устунга уриб опти, пак қолди ўлиб қолишига. Ҳалиям устун бор экан, бўлмаса тошдевордан пастга тушиб бўйни қайрилиб ўлар эди. Ҳай, эътибор қилманг, миймонлар, кўпкаридан гапиринг...

Тамадди қилгач тўйхонага ўтар бўлди. Отлар ўша ерда қолган, улоққа тайёрлаш керак. Чошгоҳда Керагатонинг яйловида кўпкари бошланади.

Жанжалхонадан чиқаётиб кечаси кампир йиқилган жойга разм солдим. Худо асрабди. Агар устунга урилмай тошдевордан пастга тушиб кетганида, ростдан ҳам бугун азахонада ўтирарканмиз...

Атрофга қалин туман тушибди. Тўйда қозон осилган. Одамлар гимирлаб қолган. Отларимизни оғилнинг орқасига ўтказиб боғлаб қўйишибди. Ҳар қайсининг олдида бир боғ беда... Чавандоз учун бундан ортиқ жазо йўқ. Тўқ от кўпкарига ярайдими? Уни қуруқ қийнаганинг, қамчи тушириб баданини оғритганинг қолади.

Кутганимиздай кўпкари ҳам мурдор бўлди. Полвонларимиз солимгаям, жаловгаям ташлай олишмади. Боз устига туман жуда қуюқ эди.

Қишлоққа ошиб тушганимизда, гарчи кеч тушаётган бўлса-да, кўёш чиқди. Бу — эртага кун илиқ бўлишининг белгиси.

Уйга келиб Қизил олма қишлоғи томонга қарадим. Ҳожи бобонинг уйи равшан, оқариб кўринарди. Чўлдаги ўғли бир тележка опкелган шекилли, пастликка қараб турган тракторга тақиб қўйибди. Эртага юргизса керак...





НОСИР

# Гул дедим, бу ҳаёт бир чаман берди

\*\*\*

Кимдир салом деди эшигим очиб,  
Банд эдим — китобдан кўтармадим бош.  
Менга маъқул эди тақдирдан қочиб,  
Шу хилват хонада дарвешдек яшаш.

Сездим, қимтинганча ўзига суриб,  
Омонат ўтирди эски стулга  
Ва ҳамма аёллар каби иш кўриб,  
Бирров разм солди юпун устимга.

Сўнг нигоҳи кўчди деворимдаги  
Бўёғи униққан кўҳна суратга.  
Уни ҳайрон қилди бир энлик чанги,  
Менинг лоқайдлигим солди ҳайратга.

Сездим, тақдиримнинг ўзи эди у,  
Шу ғариб хонага юборилган бахт.  
Мен қанча тунларда билмасдан уйқу  
Китоблар ичидан топган буюк дард.

Аммо, минг афсуски, ҳатто бир лаҳза  
Унга боқмоқ учун қизгандим вақтдан.  
Айни шу пайт қалбага солганча ларза  
Ремарк жаноблари ошарди ҳаддан.

Айни шу лаҳзада йиғлади Робби,  
Патрица жон берди...  
Мен дилгир эдим.  
Кимдир ҳайр деди, эшигим ёнди,  
Унинг юзларига қарай олмадим.

\*\*\*

Ҳар кунгидай қозон бошида  
қуймаланиб юрган бир тақдир  
қўлларини артди-ю келиб  
оқ кўйлакка бўйинбоғ тақди.

Кўйлақ йўлга тушди ҳилпираб —  
ишга бориш керак вақтида,

автобусдан тушгунича то  
ўйлаб кетди тақдир ҳақида.

Ҳар кунгидай қозон бошида  
вақтни зўрга ўтказган тақдир  
қўлларини артди-ю келиб  
туш пайти кимгадир сим қоқди...

Ва шу билан ҳикоя тамом,  
ўша куни - етмасдан шомга  
оқ кўйлакнинг ёқасидаги  
туғмалари тўкилди полга.

\*\*\*

Тақвимни девордан юлиб отаман,  
Агар ўтган бўлса бир куним дардсиз.  
Балки бутун умрим билан хатоман,  
Аммо мен ҳеч кимман хотираларсиз.

Гул дедим, бу ҳаёт бир чаман берди,  
Гуллар сувдек оқди анҳорларимда.  
Менда ўйлаш учун фурсат бор эди  
Қайта-қайта келган баҳорларимда.

Бироқ ҳаётимдан ясадим ўйин,  
Гулдек хазон қилдим ҳар ўтган кунни.  
Энди ечмоқ қийин, унутмоқ қийин  
Юрагимда қолган эски тугунни.

Бугун шивирлайман ўзимга секин:  
Майли, келгусим ҳам ўтмасин дардсиз.  
Эҳтимол, бахтиёр бўларман, лекин  
Мен ким ҳам бўлардим хотираларсиз.

\*\*\*

Шамол олиб келар уйимга  
уфқдаги сариқ боғларни,  
сўнг эринмай ҳар битта шохни  
устунларга бир-бир боғлайди.



Худди мўмин болалар каби  
одоб сақлар бир ҳовли дарахт,  
аммо ҳали замон уларнинг  
оёғидан ўта бошлар зах.

## ЁШИККА МАКТУБЛАР

1

Мен ўзим кузатдим  
Қўлидан тутиб,  
Мени ардоқловчи  
Одамлар кетди.  
Ҳамма гуноҳим  
Чин дилдан унутиб,  
Айбимни оқловчи  
Одамлар кетди.

Ўтмишим ҳаддимдан  
Сал ташқарида,  
Билмайман кимларни  
Эслашни тагин.  
Чиройли қизларнинг  
Йиғлашларидан  
Бўлак хотира йўқ  
Кўнглимга яқин.

Ўжар, қайсар эдим  
Ва бироз шоир,  
Тан олмай яшадим  
Ҳаёт шартини.  
Тушунсам, бир томон  
Айланаркан ер,  
Бошқачароқ экан  
Яшаш тартиби.

Такрор сўз ўзимнинг  
Жонимга тегар.  
Энди ким гапимга  
Қулоқ солади.



“Ҳар ким ўзи учун  
Ўзи жавобгар” —  
Шу бўлди умримнинг  
Хулосалари.

Мен ўзим кузатдим  
Кўлидан тутиб,  
Мени ардоқловчи  
Одамлар кетди.  
Бошиқа бағирда ҳам  
Бир мени қутиб,  
Бир мени хоҳловчи  
Одамлар кетди.  
Сунбула. Олмалар  
Таранглашган кез.  
Қовунлар ҳидига  
Тўлганда ҳовлим.  
Ўзим билан ўзим  
Дардлашиб ёлғиз,  
Бундан сиқилишни  
Сира қутмовдим.

Кузнинг салқинини  
Соғинган кўйи.  
Ётаман.  
Ёнимдан ўқиб олислар.  
Кўлида мен бехос  
Жон бериб қўйиб  
Ниятга етмаган  
Чиройли қизлар.

## 2

Ёш эдим, гўр эдим,  
Эҳтимол ёшим  
Ўн етти-ўн саккиз  
Ораламаган.  
Ҳали айланмаган  
Севгидан бошим,  
Кўлим ҳали бир шеър  
Қораламаган.

Ўшанда райҳонни  
Атардим райҳон,  
Ўшанда қизғалдоқ  
Қизғалдоқ эди.  
Бир қиз ҳаётимга  
Кирди ногаҳон,  
Билмадим, у кезлар  
Қиз қандоқ эди.

Ўша қиз қоп-қора  
Сочларин ёзиб,  
Менинг вужудимни  
Чирмади бирдан.  
Шунда бутун борлиқ  
Ақлдан озиб,  
Бир хил овоз келди  
Осмону ердан.

"Сизни билмадим, мен  
Сизни севаман!"

Шунча бўларми бир  
Сўзнинг қудрати?!  
Бир ўлиб-тирилдим  
Бу иқрордан ман  
Муҳаббат ҳаққи-ю  
Кўнгил ҳурмати.

Кейин кунлар кечди  
Рангсиз, файзи йўқ.  
Тунимда липиллар  
Хира шамчиरोқ.  
Қиз кетди (тўғри-да,  
Мендан қарзи йўқ.  
Қайтанга қарз берди  
Бўса ва титроқ).

Қарийб ўн йил ўтди  
Бир кун дардида -  
Илтифот кўрсатган  
Қизнинг куну у.  
Айтсам, минг тўққиз юз  
Тўқсон олтида  
Хазонларга тўлган  
Кузнинг куну у.

Энди хумор қилар  
Май билан бирга  
Шамолда ўйнаган  
Сочларнинг бўйи.  
Соқоллари ўсган  
Ғариб шоирга  
Оғирлик қияпти  
Хотира куйи.

Титиб ўлтираман  
Кундалигимни,  
Эҳтимол, у кунлар  
Менга дарс эди.  
Ўшанда бўларди  
Севсам ҳам кимни,  
Ўшанда муҳаббат  
Муқаддас эди.

Бир пул бўлганида  
Энди ҳаммаси,  
Ўзимча муҳаббат  
Ҳақида ёздим.  
Аммо адашибман,  
Билсам, чамаси,  
Ахир мен ўн йилни  
Бекор ўтказдим.

## 3

Тавқи лаънат билан,  
Қарғишлар билан  
Шеър ёзиб дилингиз  
Оғритган менман.  
Жабрдийда, юзи  
Сарғишлар билган

Юзларга тортилган  
Сўнги оминман.

Феруза кўзлардан  
Қараманг менга,  
Биламан, сиздаги  
Ҳаёт бокира.  
Мен қайсар одамман,  
Шоир кўнглимга  
Ёлғизлик ёқади  
Сиздан ҳам кўра.

Мен сизни севаман,  
Севганим шунча -  
Бир кунда бир марта  
Салому алик.  
Бироқ туғилгандан  
Ўла-ўлгунча  
Сизни севомайман  
Битта сўзчалик.

Астойдил эътибор  
Бермай бахтимга,  
Йўлимда яратдим  
Шунча изтироб.  
Сизни қучиш учун  
Кетган вақтимга  
Ёзсам тугар эди  
Ёстиқдай китоб.

Йигирма йил зиёд  
Яшадим шодон,  
Одамлар улашган  
Ҳарорат билан.  
Бундан буюғига  
Шодлик дарғумон  
Битта қиз қолдирган  
Ҳақорат билан.

Мен сизни севаман,  
Ичимда айтиб  
Юрган шеърларимдан  
Кўп бўлмаса ҳам.  
Ўша шоирликдан  
Бир зумга қайтиб,  
Севиб туриш керак  
Баъзида одам.

Ёзув столимга  
Кўзёш тўкилар,  
Бугун иродаси  
Сал оғиздекман.  
Мени кўриб қолинг,  
Кейин кеч бўлар  
Машҳур бўлиб кетсам  
Чорасизликдан.

Мен сизни севаман,  
Севганим шунча...





Мирнўлат МИРЗО

# ШОИР

## БАДИА

*Таниқли шоир Мирнўлат Мирзонинг "Тонг жилваси", "Ишиқ фасли", "Яхши кунлар", "Атиргул ва юлдузлар", "Таскин", "Сайланма" каби ўндан ортиқ шеърий тўпламлари чоп этилди.*

*Унинг "Сомон йўли чечаклари", "Сайра, дўмбирам!", "Лождувард осмон" номи билан эълон қилинган жаҳон шоирларидан қилган таржима китоблари шеърият мухлисларига яхши таниш.*

*Мирнўлат Мирзо жаҳон драматургиясининг ёрқин намоянадалари В.Шекспирнинг "Ёз тунги гаройиботлари", Г.Лессингнинг "Донишманд Натан" шеърий драмаларини маҳорат билан ўзбек тилига ўғирди. Ва бу пьесалар Миллий театримиз саҳналарида ўйналди. Шоирнинг бадиий публицистик мақолалари, бадиа, сафарномалардан иборат салмоқли китоби босишга тайёрланмоқда.*

*Журналхонларга мазкур китобдан ўрин олган "Шоир" номли бадиасини ҳавола қилмоқдамиз.*

*Айни пайтда сеvimли шоиримизни 60 йиллик таваллуд айёми билан қизғин кутлаб, тахририятимиз номидан унга мустаҳкам соғлик ва янги ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.*

Нашриётлар жойлашган салобатли бино олдидаги улкан устунлар ёнидан ўтиб зинадан кўча томон тушиб борарканман, узоқдан Рауф ака келаётганини кўрдим. Куз кунлари эди. У — ҳамишалик костюмида, қўлида ҳамроҳ портфели. Қачон кўйилгани эсимиздан чиқиб кетган соқол-мўйлаби ўзига ярашган. Уни узоқдан ҳам таниб олиш мумкин, чунки сочлари оппоқ эди. Қайсидир ёш шоир Рауф акага бағишланган шеърларидан бирида уни "Сочлари оқарган гўдак" дея таърифлаган эди. Шоир унинг қалби беғуборлигига, маъсумлигига ишора қилган эди, албатта.

Рауф аканинг кўзи менга тушгач, узоқданоқ қўлини кўтариб, мамнунлигини изҳор қилди. Кўришдик. Юзига беғубор табассум ёйилганди. Одати шунақа: ким билан тўқнаш келмасин — хоҳ дўст-биродари, хоҳ шоғирди, хоҳ шунчаки бир кўрган таниши, ҳатто бутунлай нотаниш кимса бўлса ҳам, кўришмоққа чоғланса, юзига ана шундай самимий, масъум табассум ёйилар эди. Бундан у билан кўришган одамнинг ҳам дили хуфтон бўлса — ёришар, кўнгли ғаш бўлса, дарҳол ғашлиги омонат муз каби эриб кетарди.

— Ҳўш, йўл бўлсин, устоз? — дедим мен ҳам одатий жилмайиш билан.

— Шу-шу-шу... — деди Рауф ака лабида табассум ўйнаб. Бу, ўзингиз биласиз-ку, нима қиласиз сўраб, дегани эди.

— Ҳа-а, "ишхона"гами?..

— "Ишхона" ёпилиб кетганига анча бўлган. Ҳозир фаолиятни "Мўминхона"да давом эттиряпмиз...

— "Етимхона"га ҳам бориб турибсизми?

— У ерга тушдан кейин ўтаман. Ҳозир бир-иккита "дарвешлар" билан кўришамиз...

"Ишхона" деганимиз, ҳозир ярмарка дўконлари тушган жойдаги қаҳвахона эди. Анча йиллар илгари — Рауф ака ишламай юрган кезларда (аслида бирон-бир даргоҳда узоқ ишламаган ҳам) уни ҳамиша ўша қаҳвахонадан топса бўларди. "Қаерда ишлаяпсиз" деган саволлар жонига тегиб кетгач, сўраганларга "иш жойим" деб ўша манзилни берарди. "Мўминхона" деганимиз эса нашриётлар биносининг ёнбошига тушган ойнаванд қаҳвахона эди. (Ҳозир у ҳам бузилиб кетган.) Қаҳвахонада Мўмин деган дилкаш йигит ишларди. Шу боис Рауф ака бу қаҳвахонага "Мўминхона" дея ном қўйиб олганди. "Етимхона" деганимиз Истиклол хиёбони яқинидаги "Газеталар биноси" биқинига жойлашган қаҳвахона эди. Уни

Ҳақимжон деган йигит бошқарарди. Ва шунинг учун у дастлаб "Ҳақимхона" дея номланганди. (Бу номни ҳам, албатта, Рауф ака қўйган.) Нима сабаб биландир Ҳақимжон ишдан кетгач, қаҳвахона етим бўлиб қолган (тўғрироғи унинг доимий мижозлари) ва уни Рауф ака "Етимхона" деб қайта номлаган эди.

"Дарвешлар" эса кўнгли кўнглига мос тушадиган шоирлар қавми эди. Ундайлар баъзан-баъзан йўл устида йиғилиб, Рауф аканинг суҳбатини кўмсаб, тўпланардилар.

Рауф ака билан "ҳамшиша" бўлган (у ҳамсуҳбатларини шундай деб ҳурматларди) ҳар бир шоир ёки шогирд унинг лутфлари замиридаги маъноларни дарҳол англаб ва, албатта, устознинг имо-ишораларини ҳам тез илғаб оларди.

— Устоз, афсуски, шошиб турибман, йўқса гурунглариңгиздан баҳраманд бўлардим... — дедим узр сўраган оҳангда бояги "шу-шу-шу..."дан "сиз ҳам юринг", деган ишорани туйиб.

Яна лутфли табассум билан бир-биримизга "шу-шу-шу..."лаб хўшлашдик. Рауф аканинг ортидан қараб қолдим. Қадам олишларида аён бўла бошлаган йиллар таъсирини айтмасангиз, ҳали ҳам хуш-хандон. "Бизлар турмуш ташвишларига тиззамизгача ботиб юрамиз... У эса... хуррам, ғамсиз-қадарсиз ҳамиша. — Ҳавас қилдим ичимда. — Унга дард юқмаса керак. Худо хоҳласа, узоқ умр кўради... Шундоқ бўлсин, илоҳим!.."

Лекин Рауф ака билан ушбу қисқа учрашув сўнги дийдор экан. Ярим йиллар ўтгач, унинг оғриб қолганини эшитдим. Яна бир муддатдан кейин ҳаётдан кўз юмганлиги ҳақида машъум хабар тарқалди.

Шундай одамлар бўладики, бир кун келиб улар ҳам дунёни тарк этишига сира ақлинг бовар қилмайди. Зеро, улар наздинда ҳеч қачон дардга чалинмайдигандек, ҳеч қачон дунёни тарк этмайдигандек туюлади. Гўё улар кетса, ёруғ дунё хувиллаб қолади, файзини йўқотади... Рауф Парфи ана шундай файзли инсонлардан эди.

Рауф Парфи айниқса ёшлар билан қадрдон ва қалин дўст эди. Ундан кейинги авлод орасида унинг самимиятидан баҳраманд бўлмаган шоир топилмаса керак. Мен ҳам ана шундай ёшлар қаторида эдим. Илк китобим чиқмай туриб устознинг эътиборига ноил бўлгандим. Унга бағишлаб шеър ҳам ёзганман. Уни биринчи китобимга киритганман. Шеърнинг савияси қандайлигини билмадим-у, лекин, ҳар қалай, Рауф акага бағишланган биринчи шеърлардан эди. Кейин ёш шоирлар томонидан унга кўплаб шеърлар бағишланди. Рауф ака бу ҳолга баъзан истеҳзоли мутойиба билан: "Кўрасизлар, келажакда мен уларни тўплаб бир китоб қиламан!.." — дерди. Бу даврлар суруридан кўнгли беихтиёр энтикади ва хотиралар янада теранлашади: "Шоир Рауф Парфи номини қачон эшитганман ўзи?.."

Ҳақиқатан ҳам Шоир номини илк бор қачон эшитганман? Ҳа, эсладим. Талабалик йилларимда. "Шарқ юлдузи" журналида унинг бир даста шеърларига устоз Асқад Мухтор "Оқ йўл" тилаганди.

*Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
Томчилар томчилар сочимга.  
Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар  
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.*

Мана шундай сатрлар билан бошланувчи шеър биз, шеърят шайдоларини ўзига тамомила сеҳрлаб қўйганди. Эҳ, у даврлар! Бир ёқда Абдулла Ориповнинг ўтли мисралари, бир ёқда Эркин Воҳидовнинг дилбар сатрлари! Ана шундай мухлис талош бир пайтда шеърятнинг зангор уфқларида Рауф Парфи назмининг ҳарир эпкинилари урилганди кўксимизга!

Ушбу янги ном кейинчалик сазовор бўлган шуҳрату олқишларни бир ёққа қўйиб турайлик. Мен то ҳануз мазкур шеър таъсирида юраман.

*Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
Мен унга очаман бағримни.  
Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
Аста унутаман ёмғирни.*

Ҳар гал мен бу шеърни ёдга олганимда умримнинг бокира палласи, баҳор ёмғирларига рўпара турган дамларимни эслай бошлайман. Теграмдаги бутун борлиқ шаррос ёмғир сувларига чайилиб шаффофлангандек туюлади. Кўнглимдан губорлар ариб, руҳим тиниқлашади.

*Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
Охир мени асир этар ул.  
Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
Ёга бошлар қоғозга кўнгли.*

Бу айнан менинг шеърим эди. Гўё бу шеърни мен ёзишим керак эди. Ахир, баҳор кечалари уйқум қочган тунлар бу ёмғир қўшиғини тинглаган эмасмидим? Ҳали қўлимга қалам олмаган, оқ қоғоз бетига сатр битишга журъат қилмаган пайтларимда айвондан туриб унинг ажиб таронадек оҳанглирдан сеҳрланган, бу исмсиз нашидидан маст бўлган мен эдим-ку!

Талабалик йиллари пахтага чиққан давримизда гулхан атрофига тизилиб кўнглимиз осмонидаги шоирлар шеърларини ўқиганимизда бу шеър такрор-такрор янграган.

Қўлимда Рауф Парфининг мўъжазгина: "Карвон йўли" (1968), "Акс садо" (1970), "Тасвир" (1973), "Хотирот" (1975), "Кўзлар" (1977), "Қайтиш" (1978), "Сабр дарахти" (1986), "Сукунат" (1989), "Тавба" (2000) ва "Сўнги видо" (2006) китоблари...

Каттакон бир жилд шаклини олмаган ушбу китобларда бетақрор шоирнинг қалб туйғулари, изтироблари, ҳиссиёти ва тафаккури нақшланган.

Замон табиати, давр феъли қизиқ. Қўлимдаги жажжи, мўъжаз, муқовалари одми, кўримсиз тўпламларни бугун китоб расталарида ярқираб турган қалин назмий мажмуаларга хаёлан таққослайман. Аксарияти номи ҳали қулоғимизга чалинмаган шоирларники. Улар орасида сайланмалар, жилдликлар ҳам кўзга ташланади... Шунчалик кўркем нашр



этилганига қарамай, нега бу китоблар шеърятимизда воқеага айланмапти? Ёки шеършунос ва шеърят мухлислари камайиб кетдимикин?

Лекин ўтган асрнинг 60-70-йилларида чоп этилган шеърӣ тўпламлар-чи?! Уларнинг ҳар бирига адабий танқид, қолаверса, адабий жамоатчилик ўз эътиборини қаратар, аниқ-равшан муносабатини билдирар эди.

Кўлимда 20 саҳифадан иборат "Акс садо" тўплами. Ундаги ҳар бир шеър тиниқлиги, бадиий юксаклиги билан юракни лол қолдиради:

*Деразамга урилади қор,  
Жаранлайди жарангсиз кумуш.  
Деразамга урилади қор,  
Қор сингари оптоқ бўлди туш.*

*Бир ажойиб қор ёғар бу кеч,  
Учиб тушар менинг ёнимга...  
Мен-ку сени ўйламан ҳеч,  
Сен тушасан аммо ёдимга...*

Бу шеърни таърифлаб ўтириш ортиқча. Чашма сувларидек тиниқ туйғулар суратидир бу шеър...

*Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар,  
Тонг отмоқда, қуёш — замбарак.  
Яраланган Ер шари ётар,  
Бошларида яшил чамбарак...*

Субҳидам. Шабнамлардан кўтарилган ҳовур тўп тутунидек кўтарилади. Ўқлар — қуёш ва унинг нурлари. Ана шу нурлар Ерни яралаган. Ер шари ана шу дамларни кўриш учун баҳор либосини кийиб, бошига гуллардан чамбарак тақиб ясанган эди. Лекин субҳидам гўзаллиги уни ҳушидан айирди ва у қуёш шуъласи тигларидан яраланиб, йиқилди...

Шоирнинг мана шу сингари қалб ва руҳ оламидаги мўъжиза ёхуд кашфиёт янглиғ шеърлари ўзбек шеърятига янги, бетакрор овозли истеъдод кириб келганлигидан далолат берди.

Дарҳақиқат, унинг овози ҳеч бир шоирниқига ўхшамаган эди. Айни пайтда унда Усмон Носир руҳини, Ҳамид Олимжон сурурини, Чўлпон ғуссани, Ойбек закосини туйиш мумкин эди.

Ўтган асрнинг 60-70-йиллари ўзбек шеърятини учун энг музайян палла бўлди. Бу ҳодисанинг ҳаётбахш омилларини бугунги кун адабиётшунослиги чуқур ўрганиши керак. Зеро, ўша даврда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиевалар ўзбек шеърятини майдонида бўй кўрсатдилар. Ана шулар қаторида Рауф Парфининг ўрни алоҳида эди.

Бу даврда юқорида номлари зикр этилган шоирларнинг китобларигина эмас, матбуот саҳифаларидаги ҳар бир чиқишларини мухлислар излаб ўқирдилар. Ва айни мана шу муҳитда XX аср ўзбек шеърятининг юксак нуқталарини белгиланган "Ўзбегим", "Ўйларим", "Баҳор" шеърлари яратилди.

Баъзан нима учун бу жараён сустлашди деган ўйга бораман. Шахслар ижоди сусайгани туфайли

содир бўлди бу ҳодиса ёки унга бошқа ижтимоий омиллар — жамиятдаги мафкуравий ўзгаришлар, чеклашлар ва бошқа турфа кўзга кўринмас монеликлар туфайли юз бердимикин бу ҳолат?

Мени кўпинча мана шу муаммо ўйлантиради.

Зеро, ёрқин истеъдод дастлаб машъалдек ярқираб кўринадди, кейинчалик эса унинг шуъласи хиралашиб боради. Бу — истеъдод соҳибининг турмуш билан рўпара келгандаги машаққатлари, толиқишлари туфайлимикин?

Нега Навоий ижодида заиф, бўш, шунчаки ёзилган шеърни учратмаймиз? Нега Байронда бу ҳол содир бўлмаган? Нега Чингиз Айтматов умрининг сўнгига қадар ижод яловини баланд кўтариб ўтди?

Ёки улар ижодда омади чопган инсонларми? Ёки алоҳида истеъдодми улар? Ёки фавқулодда шахслар эдими?

Хусусан, Навоийнинг илк ёзган ғазали билан сўнгги ғазали орасида бадиий юксаклик жиҳатидан тафовут бўлганми?

Шеърятимиз, умуман, адабиётимиз жараёни кечмишига назар ташлаганимда баъзан кўнглимда ана шундай саволлар тугилади.

Яна Рауф Парфининг "Акс садо" китобига қайтсам... Ундаги шундай сатрлар алоҳида эътиборни жалб этади:

*Бир қушча сайрайди менинг руҳимда  
Мен сенинг исмингни билмайман, қушчам...*

Шоир яшаб ўтган умри давомида, зеро бутун ижодий фаолияти давомида мана шу қушча исмини билишга, унинг сайрашларидаги мазмунни англашга интилиб яшади.

Шоирнинг "Тасвир" китоби 60 саҳифалар атрофида. Бу тўпلامда унинг тафаккур кўлами кенгайиб, ҳиссиётлари чийралганига, фалсафий мушоҳадаси теранлашганига шохид бўламыз.

Шоир давр тугёнларини дадил қаламга олади. Унинг ижодида жаҳон шеърятининг ёрқин юлдузлари — ўзи эътиқод қўйган шоирлар: Н.Ҳикмат, П.Неруда, Р.Тагор шеърларига хос оҳанглар ва япон шеърятининг ёрқин қирралари кўрина бошлайди.

Шоир ўша даврга нисбатан юрагидаги исённи зоҳир этиш учун имкон ахтаради, турли бадиий воситаларни ишга солади.

*Саболарда ўйнайди наво,  
Ариқларда сув оқади шан.  
Оҳангларга тўлибдир ҳаво,  
Бенавосан, нечун ёлғизсан?*

Бу бенаволикнинг сири нимада? Нега лирик қаҳрамоннинг кўнглини гул барги ҳам, шеърӣ тун ҳам ўзига мафтун этолмайди? Балки гўзал китоблардаги эртанги кунга бўлган ишонч ром этар:

*Уфқларда ёниқ афсона —  
Олгин Эркин Воҳид шеърларин.*

Йўқ, барибир лирик қаҳрамон кўнглидаги гусса аримайди. Уни ҳеч нарса аритолмайди. У қандай гусса эди? Шоир "руҳида сайраётган қушча" маҳзунлиги сабабини очиқ баён қилмайди. Мана шу бадий ечими билан у ўқувчини фикрлашга ундайди, ўз кўнгли тубларига чуқурроқ назар солишга даъват этади.

60-70-йилларда халқимизнинг миллий руҳияти асосан шеърятда ёрқин кўринди. Жумладан, А.Ориповнинг "Ўйларим" шеърида шундай сатрлар бор:

*Кўз олдимда шу қадарли пок эди олам,  
Гўё нурдан яралганди инсон деган зот...*

Рауф Парфига ҳам бу изтироб бегона эмас:

*Ҳар нарса соф эди, ҳар нарса порлоқ,  
Гўё гўзалликдан иборат олам...*

Ушбу ўринда бу кечинма қайси шоир қаламидан аввал тўкилди экан, деган ўй ҳам кечади. Зеро, яхши шеър яхши шеърга туртки бериши, қанотлантириши шеърят тарихидан маълум.

Рауф Парфи ўз дардларини дунёвий миқёсга олиб чиқади. Жумладан, "Ватан ҳақида Бернд Иенцга мактубим" шеърида шундай сатрлар бор:

*Улар қоғоз юзига пул ёзардилар...  
Улар она тилин унутадилар тахтчасининг ёнида.  
Улар алдоқдан, шарбатдан, қип-қизил гўштдан  
Қасру иморатлар қурадилар бемалол...*

Шоир бу дардларига тасалли тополмайди, илло чорасизлигини "Гамлет" шеърида шундай ифода қилади:

*Қонлар оқмоқдадир, сўнмоқдадир нур,  
Турибсан-ку давр билан бетма-бет.  
Наҳот изтиробда доим тафаккур?*

Шоир руҳиятидаги ғалаён тинмайди. Лекин ёруғ манзил қаерда? Балки уфқлардан наридадир? Шоир хаёллари уни ҳар қайларга етаклайди.

*Қаттиқ уринаман уфқдан нари,  
Алвон узра музлаб турар нигоҳим.  
Оёғим юрмайди юрганам сари,  
Она ерга ботиб қолган оёғим...*

Бу ўринда Усмон Носирнинг бир пайтлар ёзган шеъри ёдимизга тушади.

*Йўлчидан, манзилим денгиздан нари,  
Ложувард уфқнинг тубига яқин...*

Рауф Парфи руҳидаги изтиробли кечинмалар ўз мавриди билан шеърларига кўча бошлади. Эрк, Истиқлол, Туркистон мавзуси ижодида теранлашди.

Шўролар сиёсатидаги бир ёқламалик, Компартия шаънига ҳамду санолар шоирни қаттиқ

таажжубга солар, юрагидаги дардларини зоҳир этишга мутлақо изн бермасди. Мана шу жараёнда шоир ижодида туркум-туркум шеърлар пайдо бўлдики, улардаги мисраларда эҳтирос кучли бўлиб, фикр ана шу эҳтирос тубида қолиб кетар ва уни оддий шеърхоннинг англаб олиши амри маҳол эди.

Ана шу паллада шоир мураккаб бир юксакликка кўтарилди. Чамамда, у энди оддий шеърхонни эмас, замонни теран англайдиган, тафаккури Ватан тақдирини мушоҳада эта биладиган, эркталаб, хуррият шабадаларига кўксини дадил очган зиёли қавмни назарда тутиб шеърлар ижод қила бошлади. Ва тўпламларидан бирини "Сабр дарахти" деб номлагани ҳам бежиз эмас.

Шўролар сиёсати баравж бир давр — ўтган асрнинг 60-70-йилларида ўзбек шоири Ўзбекистонни Ватаним деб куйлаши, хусусан, унинг ўтмишини улуғлаши, халқнинг орзу-армонларидан, йўқолиб бораётган ўзлигидан гап очиши мумкин эмасди, бу туйғу дарҳол миллий маҳдудликка йўйилар ва бу муаллиф бошига маломатлар ёғдирадди.

*"Ишқ сўзидан куйди булбул маскани",  
Тил билан куйланмас она-Ватаним,  
Мен сени куйламоқ истайман фақат.*

Ушбу шеър 1967 йилда битилган. Унинг замиридаги шоир дардига бир зум қулоқ тутайлик. Қўштирноққа олинган биринчи сатр Алишер Навоийга тааллуқли эканлигига шоир изоҳ берган. Яъни, булбул ўз маскани — чаманига бўлган муҳаббатини куйиб-ёниб изҳор этиши мумкин, лекин мен сени ҳамиша куйламоқ истасам-да, куйлай олмайман (куйлашим мумкин эмас), она-Ватаним, дея нола қилади шоир.

Чунки шундай даврлар бўлгандики, юрт дардини қаламга олишга жазм этган шоирларнинг аксарияти, қатағонга учраб, "халқ душмани" деб эълон қилинганди.

*...Бу — халқ душмани деб тутсалар бир кун,  
Бари бир, у халқнинг номидан сўзлар.*

*Бошида қора қиш, оппоқ баҳорлар,  
Юраги ярим бутун имони,  
Талотум оламни шивирлаб чорлар.*

*Тани омонатдир, нақд эрур жони.  
Кўкрак қафасида ловуллаб порлар  
Буюк муҳаббатнинг дардли нишони.*

"Шоир" шеърдан.

Р.Парфи забун туйғулар тўфонини кечиб, "тафаккури изтиробда" юрган паллаларда руҳида куйлаётган қушча исмини танигандек бўлади. Бу "сабр дарахти" — қутлуғ Туркистондаги эрксизлик ситамларидан бағри хун, Хуррият соғинчидан юраги мунглиғ қушча эди. Бу қушча учун нажот қайда? Унинг юрагидаги маҳзун наволар қай маъвода таскин топади? Барҳаво салтанат бағридами? Олтиннақш



тахт яқинидами? Йўқ, у кўкрак қафасини ҳар қандай маъводан афзал билади. У тўйиб-тўйиб куйласа, бас...  
Зеро:

*Юрак деб аталган оғриқ бу — нажот,  
Кўкрак қафасимиз — нажот қалъаси.*

Ўтган асрнинг 80-йилларида битилган ушбу сатрлар ўзбек шеъриятидаги эътиқодлар тўқнашувининг авж нуқтаси бўлганлигини бугун ёрқинроқ ҳис этамиз.

Шоир ижодий изланишлари давомида жаҳон шеъриятдан кўп нарсани ўрганди. Мен ўзим Рауф аканинг мутолаа истейдодига кўп бор шоҳид бўлганман. Эсимда, бир вақтлар Дўрмондаги Ижод уйида бирга дам олганимизда Рауф ака кутубхонадан 2-3 та қалин китоблар кўтариб чиқди. Ғарб рассомлари ҳаётдан ёзилган романлар эди, чамамда. "Бу асарларни илгари ҳам ўқиганман, шу кунларда уйқумнинг мазаси йўқ, яна бир марта кўриб чиқмоқчиман", дегандилар. Ва икки-уч кунда уларни қайта ўқиб чиққандилар.

Рауф аканинг яна бир фазилати ўқиган китобларини дўстларига совға қилишни яхши кўрардилар. (Бу чиндан ҳам ноёб фазилатми?) Жаҳон мумтоз шоирларининг шеърий тўпламларини хотамтойлик билан ҳадя қилиб юборардилар! Ўзида бундай жасорат бўлмаганлар ҳамиша унинг бу ҳимматидан лол қоларди. Лекин ўша лол қолувчи китобпарастлар тўплаган китобларини ўқирдиларми-йўқми — бу, албатта, бизга қоронғи. Лекин Рауф ака ҳадя қилган китобларини аллақачон кўнглига жо қилган бўларди. Шу боисдан ҳам унинг шеъриятида турли хил услубларни учратамиз. У ўз ижодига сарбастни, япон шеърияти услубларини, сонетни дадил олиб кирган шоир эди. Бироқ бу услубларнинг барчаси шеърларида мукамал бўйи кўрсатди, мухлисларига ҳамиша манзур бўлди, дейиш қийин.

Зеро, бир пайтлар аллома адиб Асқад Мухтор шоирнинг "Сабр дарахти" тўпламига ёзган сўзбошисида: "...шеърларига сарин мусиқийлик бағишлай оладиган шоир оғир мавзуларга қўл урганда сарбастга мурожаат қилиб, баъзи шаклий шартлиликлардан ўзини холи қилиб олади... Сарбаст уни негадир кўпинча декламацияга судраб кетади", деган эди.

"Хоккулар" эса шеъриятимизга табиатан сингишиб кетмаганлиги билан (гарчи шоир уни "Туйғулар" деб номлаган эса-да), унинг ижодида унчалик муваффақият қозонмади. Айни шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Рауф Парфининг ушбу "изланиш тажрибалари" кўп шоирлар учун "юқумли" бўлди ва шеъриятда юқорида таъкидлаганимиз сингари услублар "урчиб" кетди. Бугунги кунда улар "модерн шеърият" деган ном ҳам олди.

Шоир ўз туйғулари, дарди, изтиробини сонет услубида ёзилган шеърларида теран ва мукамал ифодалай олди. Ана шу қирраси билан жаҳоннинг энг катта шоирлари ила беллаша оладиган мавқега

кўтарилди. Жумладан, "Кўзимнинг ғорида парчинланган кўк" мисраси билан бошланувчи сонетда шундай сатрлар бор:

*...Сен ёлғизсан бу дунёда, севгилим,  
Чексиз чидамимнинг синчлари синди.*

*Чўнкайган чўққидан сўрайман сени,  
Қариган баҳордан сени сўрайман.  
Топгил, дейман Менинг Буюк Севгимни.*

*Ер тишлаб сўрайман, сўнг бор кўрай ман,  
Чақинлар жимликка чақар жисмингни.  
Кўкнинг синигига сени ўрайман.*

Бу сатрлар шоир шеъриятининг ҳеч қачон завоқ билмайдиган юксак санъат даражасига кўтарилганлигига далолатдир. Лекин ёшларнинг Шоир ижодидаги мана шу жиҳатга — сир-синаотга кам эътибор қаратишлари ажабланарлидир. Зеро, унинг ижодидаги турфа оҳангларга эргашган сингари сонетни ҳам ўзлаштириш мумкиндир. Лекин унга жо бўладиган дардни-чи?! Афсуски, бундай Дард Яратган томонидан ато этилади.

Рауф Парфи бир умр ана шундай Дард тўлқинларида яшади. Лекин уззу-кун бу қадар залворли Дардни кўтариб яшаш осонми?! Шу боисдан Шоир ўзига баъзан "дам берар" ва ана шу пайтларда "дарвеш"га айланар эди. Бундай кезларда у қушдек енгил, ҳазил-мутойибага мойил, кўнглида ғам-ғубордан асар ҳам йўқ инсонга эвриларди. Не тонгки, худди ана шундай ҳолларда кўрганлиги учун ҳам шоирни оддий одамлар "ғам-ғуссага бегона банда" деб билардилар. Аслида ғам-ғуссага, турмуш ташвишларига бегона бўла билмоқлик осон эмас. Бунинг учун шоир таъмага, бойликка, ёлғон дунё ташвишларига қўл силтай олмоғи зарур.

Рауф аканинг бундай хуррам ҳолатларига ҳам мен кўп бор дуч келганман. Ёдимда. Кунлардан-бир куни болалар шоири Сафар Барно, ёзувчи Зоҳир Аъламлар билан Рауф ака яшайдиган хонадонга (умри давомида бундай хонадонлар — оила гўшаси унинг учун биттагина бўлмади) уни йўқлаб боргандик. Уй бекаси бизни лутф билан кутиб олди. Дарҳол дастурхон тузалди. Бу аснода уй соҳибаси Рауф акани ҳам майда-чуйда юмушлар учун бир неча бор безовта қилди: болани ушлаб турунг, деди, меҳмонларга чой қуйиб беринг, деди... Билдикки, Рауф ака анчадан буён уйга қамалиб қолган. Мавриди келганда Зоҳир ака тагдор ҳамдардлик билан сўради:  
— Рауф, аҳволларинг қалай ўзи?..

— Шу-шу-шу... — деди табассумини лаб учиди тутиб Рауф ака. Бу унинг "Нима қилай — чорасизман!.." дегани эди. Бир пайт уй соҳибаси ошхонада ўралишаётган дамда Рауф ака дафъатан ёрилди: "Амаллаб мени бу ердан олиб чиқиб кетинглар!" У деярли мўлтираб боқди. Унинг "лардини уққан" дўстлар — бир нимани баҳона қилиб, Рауф акани ҳам ташқарига чорладик. "Тезда қайтиш" шарти билан уй соҳибасидан рухсат теги. Рауф ака биз билан ташқарига чиқаркан, зина

йўлагиди хонадони эшигига ўгирилди-да, уйига қараб: "Қафасдан чиққан қуш қайтиб келурму!.." — деб хитоб қилди. Унинг бу "хитобидан" ҳаммамиз гуррос қулдик. Албатта, буни биз ҳазил деб ўйлагандик. Йўқ, ҳазил эмас экан. Рауф ака шу кетганича уч-тўрт ой йўқ бўлиб кетди. Кейин билсак, умуман, шаҳардан бош олиб чиқиб кетган экан...

Рауф ака билан бир марта Водийга сафар қилганимиз ҳам эсимда. Қайтгач, сафар таассуротларини ўртоқлашаётганимизда "Йўл узоқлик қилмадими, толиқмадингизми, Рауф ака?" дея кимдир луқма ташлади. Рауф ака пинагини бузмай: "Толиқишга улгурмадик, йўл икки шишалик экан", — деб жавоб қилди. Бу — икки шиша бўшагунча манзилга етиб олдик, дегани эди...

Эмишки, бир куни Рауф ака катта қалам ҳақи олиб, уни нашриёт биносида учраган шоирга улашаётганмиш: "Меҳмон қилганларининг қарзи" ёки "Бир куни меҳмон қиларсан, — дея, — қарзга..." Унга тенгқур шоирлардан бири қўлидан пулни оларкан, бир зум юзига тикилиб қолибди. "Ҳа, нима бўлди?.. Олинг, олаверинг!.." — дебди Рауф ака. У шоир эса ҳамон унинг юзига тикилганча: "Нега кам?.." — дермиш.

Шоирлар ичида шунақа ношукурлари ҳам йўқ эмас. Ҳотамлик қилсанг, нега сидқидилдан қилмаяпсан дея ёқангдан тутадиганлари ҳам учраб туради.

Рауф Парфи бетакрор шоир эди. Унинг шеърятини ҳаётига, турмуш тарзига тақлид қилган ёшлар кўп бўлди. Лекин улар бу борада ҳам муваффақиятсизликка учрадилар. Рауф Парфи эса ҳаёт бўйлаб чаманзорда гул танлаб юрган ошиқдек таманно юришида давом этаверди... Устозлардан бири, Рауфдай бегубор, мусичадек беозор қалбли инсоннинг юрагида шу қадар долғали изтироблар бўлишига то ҳануз лол қоламан, деганди.

Ҳеч бир шоирнинг шеърятини мутлақо бенуқсон, идеал шеърят деб бўлмаганлиги каби Рауф Парфининг турмуш тарзини ҳам барчага ибрат намунаси, деб кўрсатиб бўлмайди.

Унинг аксарият шеърларида тоғ шалолаларидек тиниқ, зангор туйғулар жилва қилган бўлса, баъзан "ўйлаб топилган" қабилидаги гам-ғуссалар ҳам йўқ

эмасди. Ижоди давомида унинг биллур ирмоқмонанд шеърлари галаёшли изтироблар дарёсига айланди. Шу боис баъзан унинг дастлабки шеърлари, яъни:

*Ёз кечаси. Осмон-фалакда  
Қундузнинг китоби ўқилди.  
Тарс ёрилди қовун палакда,  
Олтин шафтолилар тўкилди...*

сингари сагрларига ошуфта бўлсак, дам қайта-қайта ўқиш жараёнида тугёнли алам-фарёдлари тажассуми бўлган:

*Абадий коинот бирла қоламан,  
Ўлсам чирқирайди овозим танда.  
Энг янгероқ юлдузни узиб оламан.  
Эзилган, хўрланган баргман тубанда,  
Ёлғиз ўзим — халқман, ўзим — оломон.*

Мен шоирман ахир, шоҳман, эй банда... сингари мисраларнинг сеҳрли гирдобига тушиб қолганлигимизни сезмай қоламиз.

Шоир дунёга нима учун келади? У дунёдан нима орттиради? У дунёга нима қолдиради?.. Бу мангу савол ҳаммани ўйлантириб келган. Тоабад ўйлантиради ҳам.

Рауф Парфи ижоди борасида ҳам бу савол янграши табиий. Лекин бир нарса аниқки, у ижоди замирида Ҳаётга муҳаббатини изҳор этиб умргузаронлик қилди, Ватанини куйлади, Истиқдолни эъозлади, беғараз яшаб ўтди. Шак-шубҳасизки, ундан тиниқ туйғулар, ёниқ дард, ҳассос шеърят мерос бўлиб қолди. Ва бу мулк ҳеч қачон ўлмайдиган адабиётимизда шеърят қадрини баланд тутиш учун ҳамиша хизмат қилади. Бугунги кунда эса, айниқса...

Шоир охириги тўплами "Сўнгги видо"ни ушбу мисралар билан якунлаган:

*Хайр, шивирлаган, синграган баёт,  
Хайр, заҳматларда чирпинган халқим.  
Хайр, шеърятга кўмилган ҳаёт.*

Шундай. Шоирнинг ҳаёт билан видолашганига то ҳануз кўниколмасак, не ажаб!



Отабек ЎРОҚОВ

# «Т» ХАРФЛАРИ ТИЗИЛГАНВА

## ТОШКЕНТ

Тозагул Тошкентдаги тиббиёт талабагоҳида талаба. Тарихда тупроқ титроғидан титраб томлари тўнкарилиб титилган Тошкент тагин тикланди. Тикланган Тошкентни таниёлмайсан. Тоғдек-тоғдек табақали томлар, турли турдаги тизилиб тўлқинланаётган техникалар, талабагоҳлар, тиббиёт, тижорат, тикувчилик томлари, тўлиқ, тўлиқсиз таълимга тайёрлов томлари, тупроқ тагидан, тупроқ тепасидан тез талпинар тизилиб тақилган темир томли техникалар...

## ТАЛАБАЛАР ТИЛЛАШИ

Толибларнинг томини тоғ томонидаги тиғиз тераклар тугагач, Тозагулнинг томи. Тозагул Тоҳирни турли томонлама тушунади. Тоҳиримиз тоғликларга Тяньшини тушунтираётганида Тозагул Тоҳирга тинимсиз тикиларди. Тоҳир Тозагулнинг тикилишларидан тез тушунди. Тозагулда Тяньшист Тяньши тарғибот томига Тозагул талпинар. Товоғу-тоғоралаб таом ташир. Тоҳиримиз Тозагуллар томонга термулаверарди. Тоғда тун таровати, тун тугмалари тоғлар тепасини тўлдирган. Тоғда тинчлик, тиқирлаган товуш топилмайди. Тиғиз тераклар тагида Тоҳир Тозагуллар томонга термулиб турарди. Тозагул Тоҳирнинг таклифига тайёрланиб таранарди.

Тоҳирнинг тоқати тоқ. Тирсагида теракка таянганча тагин термуларди. Термулган томондан тиқир-тиқир товуш таралди. Тезде Тозагул Тоҳирни тубидан тортинибгина тиззалади. Талабалар титраб-титраб тезде тил топишдилар. Тун тугмаларининг тождори тўлингина тепа том тахтидан тераклар тагидаги талабаларга томошабин. Тозагул Тоҳирдан тўртликлар тингларди.


*Тонг тождори, тун тождори туғишгандур,  
Туғишганлар тафтларига талашгандур.  
Тонг тождори тун тождорин тирнагандур,  
Тангри тезде тождорларни тарқатгандур.*

*Тонгла тун тождорларга тенг тақсим.  
Тоғдан тепа тахтларла тақдирланди.  
Тангримизни тадбиридан топиб таслим,  
Туғишганлар топишолмай таҳқирланди.*

*Тақдирланган тахтларига топмай тоқат,  
Туғишганлар тагин тахтга талашади.  
Тепа тоғлар тождорларни тахтга тутиб.  
Тагин тоғлар тождорларни туширади.*

Тоҳир тепага термулиб тинмай тўртликлар тўқирди. Тундан тонггача талабалар тиллашуви тугамайди.

## РАССОМ ХАНДАСИ



Жаҳонгир МИРЗО чизган сурат





O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Gulruh A'ZAMOVA

Saidvafo BOBOYEV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Minhojiddin MIRZO

Shuhrat SIROJIDDINOV

Shunqor XUDOYBERDIEV

Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib:**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Bobur ALIMOV

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqib boshlagan.

© "Yoshlik" № 4 (227) 2009 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA

## MUNDARIJA

### JARAYON

Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor. .... 1

Mirzo AHAD. G'amxo'rlik. .... 2

Gulayim AYIMBETOVA. Rag'bat. .... 3

### NAZM

Tursun ALI. Yuragim osmonin yoritar sevgi. .... 4

Muhammad ISMOIL. Sha'ningga she'r izlayman, Vatan! .... 14

SHAHRUBONU. Ishqning sharobidan totgim kelmoqda. .... 22

Ashurali BOYMUROD. Men yaqin boryapman nigohing sari. .... 32

Muyassar SAYFYLLOH qizi. Yomg'ir tomchisiday yayraydi bag'ir. .... 35

NOSIR. Gul dedim, bu hayot bir chaman berdi. .... 39

### NASR

Ulug'bek HAMDAM. Otash. Hikoya. .... 8

Ne'mat ARSLON. 1551 raqamli tramvay. Hikoya. .... 23

Sobir O'NAR. Aka-ukalar. Hikoya. .... 36

### E'TIROF

Qozoqboy YO'LDOSH. El yuragidagi shoir. .... 17

### ADABIY RISHTALAR

Sherali TURDIYEV. Hamkorlikda gap ko'p. .... 29

### BIRINCHI UCHRASHUV

Adolat FAYZIYEVA. Uchib boray qoshingga. .... 31

### TADQIQOT

Shahlo BOTIROVA. Romanchilikda evrilishlar. .... 34

### SIYMO

Mirpo'lat MIRZO. Shoir. Badia. .... 41

### YELPUG'ICH

Otabek O'ROQOV. «T» harflari tizilganda. .... 47

**Manzirimiz:** Toshkent. sh. G'. Mavlonov ko'chasi, 1-«a» uy. **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Telefon:** 230-51-85. Bosishga 17. 08. 2009 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob bog'i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.

«Media-nashr» mas'uliyati cheklangan jamiyati bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 31

**Manzil:** Toshkent. sh. G'. Mavlonov ko'chasi, 1-«a» uy.



Эи шоура  
Нафосат ПОЖИФОРБА

